

O'ZBEKISTON

# TARIXI

HISTORY OF UZBEKISTAN

3/2017







O'ZBEKISTON  
FANLAR AKADEMIYASI

3

2017

Jurnalga 1998-yil iyulda  
asos solindi.

Bir yilda to'rt marta  
chiqadi.

© O'zbekiston Respublikasi  
Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

## O'ZBEKISTON TARIXI

*Илмий журнал*

### МУНДАРИЖА

#### *Мақолалар*

- У. Рудолф.** Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти ..... 3
- Ибн Халдун** Амир Темур ҳақида ..... 11
- Д. Легкий.** Россия империяси Давлат дума-сининг Туркистон ва Дашт ўлкасидаги 1916 йил бўлган қўзғолонига муносабати ..... 24
- Д. Алимова.** Ўзбекистоннинг совет даври тарихига замонавий баҳолар: анъанавийлик даражаси ва янги тенденциялар ..... 37
- Ш. Эргашев.** Зиддиятлар даври: Шароф Рашидов ислохотлар ва турғунлик орасида ..... 45
- С. Пўлатова.** Ўзбекистон театрлари социомаданий ўзгаришлар контекстида (XX асрнинг 80-йиллар ўрталари) ..... 52

#### *Тарихшунослик*

- Б. Одилов.** XIX аср охири — XX аср бошларига оид адабиётларда Туркистон аҳолисининг ҳўжалик фаолияти ..... 61
- Д. Ташкенбаева.** Марказий Осиё XX аср инглиз тарихшунослигининг хусусиятлари ..... 69

#### *Ёш тадқиқотчи мишбари*

- А. Азизов.** «Авеста»да ҳайвон култи ..... 79
- М. Асқаров.** Совет ҳокимиятининг 1917–1924 йилларда Туркистонда амалга оширган аграр сиёсати ва унинг оқибатлари ..... 87

#### *Илмий ҳаёт*

- «Ўзбекистонда тарих фани: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари» мавзуидаги анъанавий «Тарихшунослик ўқинилари 2017» концернцияси ҳақида
- Н. Мустафаева** ..... 87

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
FANLAR AKADEMIYASI  
TARIX INSTITUTI  
**KUTUBXONASI**

## СОДЕРЖАНИЕ

### Статьи

У. Рудолф. Аль-Матуридий и Самаркандская суннитская теология .....	3
Ибн Халдун об Амуре Темуре .....	11
Д. Легкий. Отношение Государственной думы Российской империи к восстанию 1916 г. в Туркестане и Степном крае .....	24
Д. Алимова. Современные оценки Советского периода Узбекистана: степень традиционализма и новые тенденции .....	37
Ш. Эргашев. Эра противоречий: Ш. Рашидов между реформами и застоём .....	45
С. Пулатова. Театры Узбекистана в контексте социокультурных изменений (середина 80-х годов XX века) .....	52

### Историография

Б. Одилов. Хозяйственная деятельность населения Туркестана в литературе конца XIX — начала XX века .....	61
Д. Ташкенбаева. Особенности англо-язычной историографии Центральной Азии XX века .....	69

### Трибуна молодого исследователя

А. Азизов. Культ животных в «Авесте» .....	79
М. Аскарлов. Аграрная политика Советской власти в Туркестане в 1917–1924 годы и ее последствия .....	87

### Научная жизнь

Об «Историографических чтениях-2017» по теме «Историческая наука в Узбекистане: проблемы и перспективы развития» .....	95
Н. Мустафаева .....	95

## Таҳрир ҳайъати:

**Дилором Алимова**  
 (бош муҳаррир)  
**Равшан Абдуллаев**  
**Баҳром Абдуҳалимов**  
**Мируэрт Абусейтова**  
 (Қозоғистон)  
**Бахтиёр Бабаджанов**  
**Алишер Дониёров**  
**Допо Зияева**  
**Миродиқ Исҳоқов**  
**Сурайё Каримова**  
 (бош муҳаррир ўринбосари)  
**Нодира Мустафаева**  
**Зоя Орифхонова**  
**Мирзоҳид Раҳимов**  
**Эдвард Ртвеладзе**  
**Ильза Сиргаутас (АҚШ)**  
**Рустам Сулаймонов**  
**Темур Ширинов**  
**Нозим Ҳабибуллаев**  
**Назокат Қосимова**  
**Шоира Асадова**  
 (масъул котиб)

### Манзил миз:

100060. Тошкент ш.,  
Шаҳрисабз 5-тор кўчаси.

Журнал **Ўзбекистон**  
 Матбуот ва ахборот агентлиги  
 томонидан рўйхатга олинган.  
 Гувоҳнома № 0051

Теришга берилди 14.11.2017.  
 Босишга рухсат этилди 15.12.2017.  
 Қоғоз бичими 70×100<sup>1/16</sup>.  
 Таймс гарнитурга.  
 Офсет босма. Офсет қоғози.  
 Ҳисоб-нашриёт т. 6,0.  
 Шартли босма т. 7,5. 250 нусха.  
 Буюртма № 779.  
 Келишилган нарҳда.

Оригинал-макет «Voris-nashriyot»  
 МЧЖ нашриёт уйида тайёрланди.  
 Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй.

«NISO-POLIGRAF» МСНҲ  
 босмаҳонасида чоп этилди.  
 Тошкент в., Машъал маҳалласи,  
 Марказий кўчаси, 1-уй.

ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОҚ  
 ВА МАДАНИЯТ  
 АКАДЕМИЯСИ  
 ТАЪЛИМ ВА  
 ИЛМ Вазирлиги  
**КЎТАРТИЛМА**

## МАҚОЛАЛАР

У. РУДОЛФ

## АЛ-МОТУРИДИЙ ВА САМАРҚАНД СУННИЙЛИК ИЛОҲИЁТИ

У. Рудолфнинг «Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти» китоби ҳақида

Истеъдодли немис исломшунос олими Улрих Рудолф қаламига мансуб «Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти» асарининг ўзбек тилига таржима қилиниб, 2001 йили минг нусхада нашр этилгани<sup>1</sup> мамлакатимиз илмий-маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлган эди. «Мотуридия» номи билан шуҳрат қозонган Самарқанд илоҳиёт мактабига бағишланган мазкур тадқиқотнинг буюк аллома Абу Мансур ал-Мотуридий ворислари тилида нашр этилишининг бир неча қимматли жиҳатлари бор. Биринчидан ва, энг муҳими, асарнинг ўзбекча нашри халқимиз диний ақидасининг асосини ташкил этувчи мотуридийлик каломининг туб моҳиятини янада чуқурроқ идрок этишга хизмат қилади. Иккинчидан, у мусулмон илоҳиётшунослиги бўйича ўзбек тилида нашр этилган биринчи жиддий ва батафсил нашрдир. Диний жараёнлар мазмун-моҳиятини илмий-манتيқий асосда чуқур таҳлил этишга қодир кадрлар тизими тобора мустаҳкамланиб бораётган бугунги шароитда диний маърифат ва мантиқий билимлар синтезини ўзида мужассам этган ушбу китобнинг мутахассислар тайёрлашдаги юксак аҳамияти шубҳасиздир. Учинчидан, китобда халқимиз диний эътиқодининг «умуртқа суяги» сифатида асрлар оша хизмат қилиб келаётган ҳанафийлик мазҳаби ёки ҳуқуқий-ақидавий мактабининг шаклланиш босқичлари ва унинг диёримизда барқарорлик касб этиши очиб берилган. Тўртинчидан, ушбу асар орқали ўқувчи нафақат Абу Мансур ал-Мотуридий, балки умумбашарий тамаддунга беназир ҳисса қўшган яна кўплаб алломаларимиз ҳақидаги қўшимча маълумотларга эга бўлди. Бешинчидан, китоб мамлакатимиз маънавий тарихига оид кўплаб янги манбаларни илмий муомалага киритилишига туртки берди. Санаб ўтилган ва бошқа омилларнинг умумий таъсири серқирра ва қадимий тарихимизнинг маънавий мазмунини янада теранроқ англашда бугун ўзини намоен этмоқда дейилса — муболаға бўлмайди.

Айтиш жоизки, китоб исломий илмларнинг энг мураккаб йўналишларидан бири бўлган каломга бағишлангани туфайли унинг «мағзини чақиш» ўқувчидан илоҳиётга оид махсус билимлар соҳиби бўлишни талаб этади. Немис олими китобининг тўлиқ матни, унинг ниҳоятда мураккаблиги сабабли, бундай талабга жавоб беролмаслиги аён бўлди. Бундай объектив воқелик китобдан фойдаланувчилар доирасини кескин қисқартирар эди. Ўтган асрнинг охири—2000 йилларнинг ибтидосидаги диний-маънавий вазият эса, аини ушбу нашр-

<sup>1</sup> Улрих Рудолф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти, 2001. 26,5 б.т.

даги қимматли маълумотларни кенгроқ оммалаштиришни тақозо қилар эди. Шундай қилиб, китобнинг кенг оммага мослаштирилган версиясини яратиш гоёси туғилди. У китобнинг таржима ва нашрини амалга оширишда Имом Бухорий халқаро жамғармаси билан ҳамкорлик қилган Германиянинг Фридрих Эберт жамғармаси ва мамлакатимиз диний арбоблари томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Бунга муаллифнинг розилиги ҳам олинди. Натижада 2002 йили китобнинг оддий китобхонлар, яъни махсус диний билимларга эга бўлмаган кенг оммага мўлжалланган қисқартирилган иккинчи наشري амалга оширилди.

Янги нашрда тор доирадаги мутахассисларга мўлжалланган ўринлар қисқартирилди, шунингдек, фақат мутахассис ва тадқиқотчилар учун зарур бўлган ўта тафсиллий изоҳлардан воз кечилди. Муаллифнинг фикрлари тушунарли бўлишини тақозо қилган масъул муҳаррир изоҳлари ёзилди, Фарбда қўлланадиган олатий атамалар, жумладан, топонимлар ўзбек ўқувчисига савол туғдирмайдиган шаклга келтирилди. Шу билан бир қаторда, муаллифнинг хоҳишига кўра, қисқартирилган нашрда ҳам унинг ижодига хос анчагина мураккаб баён услуби сақлаб қолинди. Тахминан бир йил давом этган ижодий ҳамкорликнинг натижасида яратилган янги нашрнинг ҳажми 15 босма табақни ташкил этди. Қисқартирилган матн муаллиф билан мувофиқлаштирилгандан сўнг, ўша давр учун ниҳоятда улкан ҳисобланган 10 000 нусхада чоп этилиб, мамлакатимиз илмий-маърифий муассасалари ва ўқув юртларига тарқатилди.

Мазкур воқеалардан кейин ўтган 15 йил давомида диний-маънавий ҳаёт мазмун-моҳияти билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ижобий ўзгаришларни кузатар эканмиз, бундай жараёнлар замирида ётган омиллар қаторида Улрих Рудолф китобининг ҳам муносиб ўрни борлигини эътироф этиш адолатдан бўлур эди.

Мамлакатимиз илмий-маданий тузилмасида муҳим ўринга эга бўлган «O'zbekiston tarixi» каби нуфузли журнал саҳифаларида немис олими китобининг айрим ўринларини нашр этиш таклифи таҳсинга сазовор ташаббусдир. Ушбу қулай фурсатдан фойдаланиб, журналхонлар учун муаллиф ҳақидаги қисқача маълумотлар ҳам илова қилинмоқда.

У. Рудолф 1957 йилда таваллуд топган. 1977–1985 йилларда Франкфурт-он-Майн, Бохум ва Тюбинген шаҳарларидаги олий ўқув юртларида исломшунослик йўналиши бўйича таҳсил олган. 1985 йилда Париждаги илмий тадқиқотлар амалий мактабида — илмий ходим, 1986–1995 йилларда — Германиянинг Геттинген университети ўқитувчиси, сайёр профессори, 1996 йил — Экс-он-Прованс (Франция) университетининг сайёр профессори, 1997 йилдан бошлаб Цюрих (Швейцария) университети профессори ва шарқшунослик кафедраси мудури сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. «Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти» китобининг ўзбекча нашрини тайёрлаш жараёнида Ўзбекистонга ташриф буюрган.

Зоҳидулла Мунавваров<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> «Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти» китобининг ўзбек тилидаги тўлиқ ва қисқартирилган нашрлари масъул муҳаррири, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи.

### Ал-Мотуридий ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар<sup>3</sup>

Абу Мансур Муҳаммад бин Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Мотуридий ҳаётида, бизгача етиб келган жуда оз маълумотларга ишонадиган бўлсак, уни самарқандлик замондош олимлардан ажратишга арзигулик биронта диққатга сазовор воқеа содир бўлмаган. Ҳеч бир маълумот унинг бирон-бир нуфузли лавозим эгаси бўлгани ёки кенг шуҳрат топгани, кўплаб тарафдорларга эга бўлгани, ёки бўлмаса, Бухородаги Сомонийлар саройи билан қандайдир алоқалари бўлганига ишора қилмайди. Бошқа илоҳиётчиларда, масалан, ал-Ашъарийда бўлганидек, бирмунча фожиавий шаклда кечган ҳолда тубдан ўзгаришларга олиб келиши мумкин бўлган ички руҳий кечинмалар ҳақида ҳам бирон-бир манбада маълумот учрамайди. Аксинча, ал-Мотуридий машҳур бўлгандан сўнг, у ҳақда ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган шахс ҳар гал унинг ҳаётидан бирон-бир тилга олишга арзигулик маълумот топа олмагани ҳамда фавқулодда бир нарса айтиб бера олмаганидан бироз саросимага тушиб қолар эди. Шу боис мандбаларнинг унга бағишланган қисмлари унинг яхлит таржимаи ҳолини эмас, балки кўпроқ ал-Мотуридий ҳақидаги маълумотлар ва унга мақтовлар илова қилинган асарлар рўйхатини эслатади.

Бундай маълумотларнинг энг дастлабкиси ва энг муҳимларини бизга Абулмуъин ан-Насафий қолдирган (в. 508/1114–1115 й.). Юқорида айтиб ўтилганидек, у ўзининг «*Табсират ал-адилла*»<sup>4</sup> рисоласида Самарқанддаги илоҳиёт мактабини тавсиф этган. Бунда у ал-Мотуридийга анча кенг жой ажратиб, у ҳақдаги турли биографик маълумотларни келтирган ва асарларининг батафсил илмий тавсифини берган. Ан-Насафийнинг бу йўлдаги жидду жаҳди ал-Мотуридийнинг кейинроқ шарқ ҳанафия илоҳиётида буюк шахс сифатида мутлақ тан олингани билан белгиланган бўлса, ажаб эмас. Ан-Насафий билан деярли бир пайтда ал-Мотуридий хотирасини Абулйуср ал-Паздавий (в. 493/1099–1100 й.) ўзининг «*Усул ад-дин*» рисоласида ёдга олган. Адиб унга қисқагина мадҳия бағишлайди, унда кўпроқ ўринни ал-Мотуридий ҳаётига ажратади.

Бу икки гувоҳликдан сўнг ал-Мотуридий ҳақида *табақот* жанридаги ҳанафия адабиётида одатдаги қисқа қайдлар ёки усмонли турклар даври фикристларида янада умумийроқ кўринишдаги мақолалар пайдо бўлди, холос. Бу қайд ва мақолалар ан-Насафий берган маълумотларга кўп ҳам янгилик қўшмадилар, чунки кўп ҳолларда, улар бевосита ёки билвосита ан-Насафийнинг «*Табсира*»-сидаги далилларга асосланган эди. Қуйида уларнинг муаллифларини келтирамиз: Ибн Абулвафо (в. 775/1375 й.), Ибн Қутлубуғо (в. 879/1474 й.), Камолпошозода

<sup>3</sup> Улрих Рудолф. Иккинчи қисм. Биринчи боб: ҳаёти ва фаолияти. Фасл. Ҳаётига оид маълумотлар // Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти (қисқартирилган нашр). Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти, 2002. 114–121-б.

<sup>4</sup> «Далилларга ойдинлик киритиш» (масъул муҳаррир).

(в. 940/1533 й.), Тошкўпрузода ( в. 968/1560 й.)<sup>5</sup>, Ҳожи Халифа (в. 1067/1657 й.), Камолуддин ал-Баёзий (в. 1078/1687 й.), ас-Саййид ал-Муртазо аз-Забидий (в. 1205/1791 й.) ва, ниҳоят, Муҳаммад Абдулҳай ал-Лакнавий (в. 1304/1886 й.).

Бу манбалар асосида, аввало, ал-Мотуридийнинг тахминий вафот санасини 333/944–945 йил деб белгилашимиз мумкин. Ан-Насафийнинг ўзи бу санани аниқ кўрсатмаган, фақат устозининг ал-Ашъарийдан (в. 324/935 й.) сал кейин вафот этганини айтган, холос. Бироқ бу кейинги муаллифлар томонидан аниқ кўрсатилган санани инкор этмайди, балки ан-Насафийнинг ушбу масалага биограф сифатида эмас, кўпроқ фикҳшунос сифатида ёндашганидан далолат беради. Мовароуннаҳр илоҳиётчилари аждодлар таълимотига таянмайдилар, балки ал-Ашъарийдан юз йил кейин бўлган бидъатларга асосланадилар, деган ашъарийларнинг таъналари ан-Насафийга албатта маълум бўлган<sup>6</sup>. У, табиийки, бунга эътироз билдирмоқчи бўлган ва шу туфайли ўзи келтирган биографик маълумотларда ҳам ал-Ашъарийга яқинликни таъкидлаб ўтган. Унинг учун ал-Мотуридийнинг аниқ вафот санаси унча аҳамиятли эмас, балки олимнинг ал-Ашъарий авлодига мансублиги муҳимроқдир. Бу билан ан-Насафий Самарқанд илоҳиёт мактаби қадимий тузилма эканини кўрсатмоқчи бўлган. Илоҳиётчимизнинг вафот санаси ҳақида бирон-бир хабар берган бошқа барча манбаларда бу каби мулоҳазалар ва қўшимча ниятлардан асар ҳам йўқ. Улар шунчаки номаълум санани аниқлашга интиладилар ҳамда бу борада, иккита хато ҳолатни ҳисобга олмасак, яқдиллик билан 333/944–945 йилни кўрсатадилар.

Бу ўринда ал-Мотуридий вафот этган йили неча ёшда эди-ю, бундан келиб чиқиб унинг таваллуд санаси қандай эди, деган савол кўпроқ муаммо туғдиради. Манбаларда бу тўғрида биронта маълумот йўқ, шу туфайли бу борада битта йўл қолади, холос. У ҳам бўлса, олимнинг устозлари ҳаёт саналаридан келиб чиқиб, унинг ёши ҳақида хулоса чиқаришдир. Бироқ унча ишончли бўлмаган бу усул, ал-Мотуридийга келганда, одатдагидан ҳам кўпроқ шубҳа туғдиради, чунки манбаларда унинг кимдан таълим олганлиги масаласида ҳам ихтилофлар мавжуд.

Ан-Насафий унинг устози сифатида фақат Абу Наср Аҳмад ал-Иёдий исми-ни келтиради ва бу маълумотни Ибн Абулвафо, Ибн Қутлубуго ва Тошкўп-

<sup>5</sup> *Мифтоҳ* II, 21–22; Тошкўпрузоданинг нашр этилмаган «*Табақот ал-ҳанафия*» рисоласида ҳам ал-Мотуридийга бағишланган парча бор. Мен ундан иқтибосни қўлёзмадан бевосита фойдаланган Хулейфдан олдим. (Бу асар Тошкўпрузодага эмас, балки Қинализодага ( в. 979/1572 й.) тегишли экани кейинроқ маълум бўлди. *Қаранг*: Мухйи Ҳилол ас-Сархон. Тасҳиҳ хато кабир. «*Китоб табақот ал-фуқаҳо*» ал-мансуб ило Тошкўпрузода ҳува ли-Ибн ал-Ҳанноъий // «*Ал-Маврид*», жилд X/3–4, Бағдод, 1402/1981, 483–497-б.).

<sup>6</sup> Бу таъналар ҳақида ан-Насафий «*Табсира*»да (I, 310,8 ва к.с.) хабар беради. Ундан кейинги 50 бет ушбу танқидни рад этишга бағишланган. Ал-Паздавий ҳам бу мавзуга мурожаат қилган. У ал-Мотуридий (ва Абу Ҳанифа)нинг ал-Ашъарийга нисбатан устунлигини ҳимоя қилади ва ашъарийларни сохта гоёларни тарқатишда айблайди (*Усул*, 70, 5–12).



рузода ҳам такролайдилар. Булардан Абулвафо яна бир тахминий устоз исми-ни келтиради, бу — Абу Бакр Аҳмад бин Исҳоқ ал-Жузжонийдир. Камолпозода ҳам ҳар икки исм (ал-Иёдий ва ал-Жузжоний)ни атайди, ал-Баёзий ва Муртазо аз-Забидийлар ҳатто тўрт исми жуфт-жуфт атайдилар. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ал-Мотуридий ўз асарларида Абу Бакр ал-Жузжоний ва Абу Наср ал-Иёдийлар билан бирга Нусайр бин Яҳё ал-Балхий ва Муҳаммад бин Муқотил ар-Розийлар ҳақида ҳам маълумот қолдирган бўлиши керак. Ва, ниҳоят, Лакнавийга ҳам ал-Мотуридийнинг фақат битта устози ҳақида маълум бўлиб, у ҳам бўлса, кутганимиздек, ал-Иёдий эмас, балки Абу Бакр ал-Жузжонийдир.

Бироқ XVI ва XVII асрларга келиб, аввал бирон марта ҳам тилга олинмаган исмларнинг тилга олиниши дарров шубҳа тугдиради. Ҳар ҳолда бунинг ортида бирон-бир жиддийроқ ахборот яширинмаган бўлса керак ва бу, кўпроқ, ал-Мотуридийдек мутафаккир биттагина устоз таъсирини бошдан кечирмагандир, деган тасаввурдан туғилган афсонага ўхшайди. Шундай бўлса-да, исмлари аталган уч фақиҳни ал-Мотуридийга устозлик қаторидан секингина чиқариб қўя қолиш ҳам ярамайди, аксинча, уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқиш лозим. Ал-Баёзий ва Муртазо аз-Забидийлар бизга хабар берган иккинчи жуфтлик Нусайр бин Яҳё ал-Балхий (в. 268/881—882 й.) ва Муҳаммад бин Муқотил ар-Розийларни (в. 268/862 й.) ҳақиқатда ҳам эътиборга олиш қийин. Уларнинг ҳар иккиси нуфузли олим бўлган, бироқ улар Самарқандда яшамаган ҳамда бундан аввал ал-Мотуридий билан боғлиқ манбаларда бирон марта ҳам тилга олинмаган. Бундан ташқари, масалан, ар-Розийга келсак, бу ўринда ўтиб бўлмас вақт тўсиғи ҳам мавжудки, ал-Мотуридий ундан таълим олиши учун, ҳеч бўлмаса, юз йил умр кўриши лозим эди.

Ал-Иёдий билан бир қаторда, устоз сифатида номи тилга олинган Абу Бакр ал-Жузжонийга нисбатан бошқача ҳолат юзага келади. Унинг ал-Мотуридий билан боғлиқлигига иккита маълумот гувоҳлик беради. Бир томондан, биз биламизки, у Самарқандда таълим берган. Қолаверса, ал-Жузжоний Самарқандда пайдо бўлганидан эътиборан маҳаллий илоҳиёт анъанаси бошлангани ҳақидаги ан-Насафийнинг маълумотига кўра, бу ишни у ниҳоятда муваффақиятли олиб борган. Иккинчи томондан, эски ҳанафий қўлёмалари бизга гоё қимматли бир маълумотни етказиб келганларки, у бизни мулоҳазаларимизнинг бошланғич нуқтасига қайтаради. Бу ўринда биз «*Китоб ал-оълим ва-л-мутаъаллим*»<sup>7</sup> га илова қилинган инсонни назарда тутмоқдамизки, у юқорида кўриб ўтилган сабабларга кўра ишончли манба ҳисобланиши мумкин. Унда матн Муҳаммад бин Муқотил ар-Розийдан (ва Абу Сулаймон ал-Жузжонийдан) Абу Бакр ал-Жузжонийга, ундан Абу Мансур ал-Мотуридийга ўтгани хабар қилинади. Бу маълумот ҳам сўнгги икки шахс ўртасида устоз-шогирд муносабатлари мавжудлигини аниқ исботламайди. Бироқ, шунга қарамай, уни эътиборга олиб,

<sup>7</sup> «Билгувчи ва ўрганувчи китоби» (масъул муҳаррир).

ал-Мотуридийнинг икки устози бўлгани, улардан бири — барча манбаларда исми зикр қилинган Абу Наср ал-Иёдий ва иккинчиси — Абу Бакр ал-Жузжоний эканини қабул қилиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Шундай қилиб, биз ал-Мотуридий таваллуд топган йил тўғрисидаги саволимиз бўйича битта тахминий йўлланма олдик. Эндиликда биз учун ҳар иккала илоҳиётчининг вафот йиллари мавҳум бўлиб қолмоқда. Ал-Иёдий ҳақида унинг Наср бин Аҳмад (261/874—279/892 йилларда ҳукмронлик қилган) бошчилигидаги туркийларга қарши юришда ҳалок бўлгани айтилса, ал-Жузжоний ҳақида биографик луғатларда, умуман бирон нарса қайд этилмаган. Бироқ, ҳар ҳолда, ал-Иёдий вафоти ҳақидаги гап бизга, бир қарашда, ўйлаганимиздан кўра кўпроқ маълумот бериши мумкин. Тилга олинган уруш Наср бин Аҳмад Сомоний ҳукмронлигининг сўнгги йилларига, тахминан 890 йилга тўғри келганини ишонч билан айтишимиз мумкин. Бундан ташқари, ал-Мотуридий ал-Иёдийдан ўспиринлик даврида эмас, балки талабалик йилларида, ўз фикри ва маълум мустақилликка эга бўлиб туриб таълим олган, деб тахмин қилишимиз мумкин. Яна хабар қилинишича, ал-Иёдий ўзининг айнан шу шогирдини кўпроқ қадрлаган ва дарсларини у келгандан кейингина бошлаган. Буларнинг ҳаммаси дастлабки тахминларимизга асос берувчи ўзига хос илмоқлардир. Улар, жумладан, ал-Мотуридий ал-Иёдий дарсларини тинглаган пайтда, унинг ёши салкам йигирмада бўлган, демак, у тахминан 870 йилда ёки ундан сал олдин туғилган, деган хулосага олиб келади.

Илоҳиётчимизнинг турар жойини аниқлаш билан боғлиқ масала, бахтимизга, бундай айланма йўллардан олиб ўтилган мулоҳазалар ва тахминларга муҳтож эмас. Бу — Самарқанд шаҳри. Унинг нисбасидан аён бўлишича, олим Самарқанд чеккасидаги Мотурид (ёки Мотурит) маҳалласида туғилган ва барча манбаларнинг яқдиллик билан таъкидлашича, шу шаҳарда вафот этган. Бундан ташқари, ал-Мотуридий ўз шаҳрини, қандай сабаб билан бўлмасин, бирон марта бўлса-да, тарк этган, деган тахмин исботи йўлидаги изланишлар ҳеч қандай натижа бермади. Унинг қабри олимлар дафн этиладиган Чокардиза қабристонидан бўлиб, узоқ вақт зиёрат қилинган ва қадрланган. Қабртошда «*ас-Савод*»<sup>8</sup> муаллифи ал-Ҳаким ас-Самарқандий марсияси битилган бўлган, тахмин ҳам мавжуд. Бироқ булар фақат ривоят бўлиши ҳам мумкин, чунки бошқа бир манбадан ал-Мотуридий Муҳаммад исмли 400 мўмин дафн этилган Турбат ал-Муҳаммадинда сўнгги маскан топган, деган маълумотни ўқиймиз<sup>9</sup>.

<sup>8</sup> Ал-Ҳаким ас-Самарқандийнинг «Китоб ас-савод ал-аъзам»и («Кенг омма китоби») назарда тутилмоқда (масъул муҳаррир).

<sup>9</sup> Аслида ҳар иккала ном остида битта қабристон, яъни Чокардиза назарда тутилган. Унда исми шарифлари Муҳаммад бўлган 400 олим дафн этилган ва шунинг учун ҳам бу жой «турбат ал-Муҳаммадин» («Муҳаммад (исмли) лар хоки») номи билан ҳам юритилган деган фикр кенг оммалашган ва эътироз келтириб чиқармайди (масъул муҳаррир).

Бундай маълумотлар, ҳеч бўлмаса, ал-Мотуридий яшаган ташқи шароитлар ҳақида маълум тасаввурлар беради. Биз ҳам ушбу тасаввурлар билан чекланишга мажбурмиз, чунки юқорида айтиб ўтилганидек, манбалардаги маълумотларнинг чекланганлиги, олимнинг ҳаёт йўлини тўлиқ акс эттиришимизга имкон бермайди.

Шунинг учун бу ўринда яна битта, яккаю ягона нақл нақл/ривоят эътиборга молик. Уни бизга ал-Паздавий хабар қилган. Маълумки, ал-Паздавий бизнинг энг дастлабки шоҳидимиз бўлиб, ўз маълумотларида ал-Мотуридийнинг шогирди бўлган бобосига таянади. Унинг таъкидлашича, ал-Мотуридий зоҳид бўлган; инчунин, ундан кўп кароматлар зоҳир бўлгани Паздавийлар уруғида узоқ вақт ҳикоя қилиб юрилган.

Ахборот жуда қисқа, ammo ғоят муҳим. У ал-Мотуридийни авлиёлар ва зоҳидлар даврасига олиб киради ҳамда унинг тасаввуфга муносабати ҳақидаги масалани кўтаради<sup>10</sup>. Бу масала бизни яна тез-тез ўзига жалб қилиб туради, зеро, энг сўнгги тадқиқотларда таъкидланганидек, бундай алоқа белгилари ҳақиқатда ҳам мавжуддир. Бироқ бундай маълумотлар изоҳида эҳтиёт бўлмоқ лозим ҳамда илоҳиётчимизнинг суфийлар билан алоқаси қайси мақсадларни кўзлаб муҳокама қилинаётганини бошдан оқ эсда тутмоқ зарур.

Ал-Мотуридий ўзини суфий ҳисоблаган ва тасаввуфни бошқаларга тарғиб қилган, деган тахминни рад этиш мумкин. Бизда буни исботловчи ҳеч қандай далил йўқ. Аксинча, айнан шу нарсани имкон ва мантиқ доирасидан четга чиқарувчи асосли сабаблар мавжуд. Масалан, ал-Мотуридийнинг бизгача етиб келган биронта рисоласида тасаввуфга бағишланган мавзу йўқ. Йўқолган рисо-лаларнинг ҳам ҳеч бири, номидан қиёс қилсак, муаллифнинг бундай мавзуларга қизиқганини кўрсатмайди. Ва, ниҳоят, ал-Мотуридийнинг исми мутасаввифларнинг кейинги биографик мажмуаларида тилга олинмайдиги, бу улар олимни ўз тоифаларига мансуб деб билмаганларидан далолат беради.

Ал-Мотуридийнинг илоҳиётга оид фикр ва тасаввурлари суфиёна фикрлаш тарзи таъсирида бўлганми ёки йўқми деган савол, бу — энди алоҳида мавзудир. Мовароуннаҳрда IV/X асрда бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи бўлмаган. Зеро, аввал кўриб чиққанemizдек, ҳудуддаги ҳанафий илоҳиётини суфиёна ғоялардан ҳар доим ҳам аниқ ажратиб олиш қийин бўлган. Ибн Карром ўз таълимотида ҳар иккаласини бирлаштирган ҳамда зоҳидликка алоҳида урғу берган. Ал-Мотуридийнинг замондоши ал-Ҳаким ас-Самарқандий ҳам қози, ҳам мутасаввиф сифатида танилган эди. Бундан бир неча ўн йиллар ўтиб, тасаввуф назарияси ва амалиётига оид қўлланма «*Китоб ат-таъарруф би-мазҳаб аҳл-ат-тасаввуф*»<sup>11</sup> ни яратган бухоролик олим ал-Калободий (в. 380/990) ўзини илоҳиёт назарияларининг чуқур билимдони сифатида намоён этган.

<sup>10</sup> «Зоҳид» сўзи унинг шахсий ҳаётда зуҳд мақомида турганини кўрсатади, яъни у ҳукмдорларга яқинлашмаслик, уларга ён босмаслик тарафдори бўлганини англатади.

<sup>11</sup> «Тасаввуф аҳли йўлини англаш» (масъул муҳаррир).

У.РУДОЛФ

## АЛ-МОТУРИДИЙ ВА САМАРҚАНД СУННИЙЛИК ИЛОҲИЁТИ

Ушбу мақола немис исломшунос олими Улрих Рудолф қаламига мансуб «Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти» асаридан парча бўлиб, унда Самарқанд илоҳиёт мактаби вакили Абу Мансур ал-Мотуридий ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар келтирилган. Муаллиф ўрта асрларда яшаган бир қатор мутафаккирлар асарларидаги маълумотларни қиёсий ўрганиш асосида Абу Мансур ал-Мотуридий биографиясига оид материалларни ўқувчига тақдим қилган.

*Калит сўзлар:* Абу Мансур ал-Мотуридий, Самарқанд, Мовароуннаҳр, Абу Бакр ал-Жузжоний, илоҳиёт, ҳанафия, табақот, фикҳшунос, авлиё, зоҳид, зоҳир, тасаввуф, суфий, мутасаввиф, қози, таълимот.

У. РУДОЛФ

## АЛЬ-МАТУРИДИЙ И САМАРКАНДСКАЯ СУННИТСКАЯ ТЕОЛОГИЯ

В статье приводятся сведения работы немецкого ученого-исламоведа Ульриха Рудольфа «Аль-Матуридий и Самаркандская суннитская теология», в которой содержится информация о жизни и деятельности представителя Самаркандской школы теологии Абу Мансура аль-Матуриди. Автор на основе сравнительного изучения данных работ ученого представил читателю биографические материалы Абу Мансура аль-Матуриди.

W. RUDOLF

## AL-MOTURIDIY AND SAMARKAND SUNNI THEOLOGY

This article is a part of a work by German scientist Ulrich Rudolf «Al-Maturidi and Samarkand Sunni Theology», which contains information about the life and activities of the representative of the Samarkand Theology School Abu Mansur al-Moturidi. The author presented to the reader the biographical materials of Abu Mansur al-Moturidi on the basis of comparative study of the data of his works in the medieval series of thinkers.

## ИБН ХАЛДУН ОБ АМИРЕ ТЕМУРЕ

Редакция журнала «O'zbekiston tarixi» публикует отрывки из предпоследних глав автобиографии крупного ученого мусульманского мира Ибн Халдуна (1332–1406). Эти главы представляют интерес для историков как ценный источник, так как посвящены военному походу Амира Темура (1336–1405) в Сирию и встрече Ибн Халдуна с ним в 1401 г.

*О переводе частей автобиографии Ибн Халдуна,  
связанных с Амиром Темуrom\**

В 1401 г. Амир Темуr вторгся в Сирию и, захватив города Хама, Хомс, Баалбек, прибыл в главный город Дамаск. В то время Сирия входила в состав империи мамлюков. Чтобы поддержать защитников города, со своей армией прибыл мамлюкский султан Фарадж, но, через некоторое время уехал обратно в Египет, оставив Дамаск на произвол судьбы. Горожане, не выдержав осады, решили капитулировать. Видный историк Ибн Халдун был в составе тех, которые пошли к Темуру договориться о перемирии.

Ибн Халдуну удалось очаровать полководца своими знаниями и образованностью. Свидетельством этому является то, что он оставался у Темура больше месяца, пользовался его уважением, участвовал в его собраниях и диспутах. Перед отъездом из Сирии Темуr разрешил ему уехать в Египет к своим родным и достойно попрощался с ним.

Подробности этого исторического события прекрасно описаны в предпоследних главах Автобиографии самого Ибн Халдуна. Критический текст Автобиографии Ибн Халдуна был опубликован в 1951 г. Мухаммадом ат-Танжи [Ibn Khaldun, 1952].

В 1952 г. Уольтер Фишель (1902–1973) опубликовал английский перевод глав автобиографии, посвященных исторической встрече Ибн Халдуна с Амиром Темуrom [Fischel, 1952]. Также Фишель снабдил перевод обширным научным комментарием, состоящим из 255 пунктов, который не только облегчает понимание текста, но и является серьезным историческим исследованием событий того времени. Эта ценная работа также была переведена на персидский язык, опубликована в Иране в том же году и переиздана в 1960 г. [Fischel, 1960].

Предлагаемый перевод на русский язык осуществлен на основе текста, изданного ат-Танжи<sup>1</sup>. Для составления комментариев мы частично воспользовались исследованием Фишеля<sup>2</sup>.

Акрам Хабибуллаев

\* Перевод на русский язык осуществлен А. Т. Хабибуллаевым.

<sup>1</sup> Ibn Khaldun. *Al-Ta'rif bi-ibn Khaldun wa rihlatuhu gharban wa sharqan* / ed. Muhammad ibn Tawit al-Tanji. Qahirah: Lajnat al-ta'lif wa-al-tarjima wa-al-nashr, 1952.

<sup>2</sup> Fischel W. J. *Ibn Khaldun and Tamerlane*. Berkley, Los Angeles: University of California Press, 1952; Fischel W. J. *Ibn Haldun wa Taimur-i lang/mutarjim Said Nafisi*. Tihran: Kitab furusi-i Zawwar, 1960.

## Встреча с Амиром Темуром ...

Когда вести дошли в Египет о том, что Амир Темур, захватив Малую Азию, разрушил Сивас<sup>3</sup> и вернулся в Сирию, Султан Фарадж<sup>4</sup> собрал армию и открыв див н ал-'ат<sup>5</sup> объявил поход на Сирию. В те дни я был отстранен от должности. Но дав д р<sup>6</sup> Йашбак<sup>7</sup> позвал меня и просил, чтобы я тоже участвовал в походе султана. Я отказался, но он настойчиво уговорил меня добрыми словами и огромной щедростью.

На следующее утро, в середине благородного месяца рождения Пророка 803 года<sup>8</sup>, я поехал с ними. Мы дошли до Газзы<sup>9</sup> и отдыхали [проведя] несколько дней в ожидании новостей. Затем мы направились в Дамаск, чтобы опередить татар и остановились в Шакхабе<sup>10</sup>. Отправились ночью, а утром прибыли в Дамаск. [В это время] Амир Темур и его войско покинули Баалбек<sup>11</sup> и тоже направились в Дамаск.

Султан [Фарадж] разбил свой шатер и [устроил] жилище на равнинах Куббат Йалбуга<sup>12</sup>. Амир Темур, не надеявшийся [на успех] атаки на город, установил пункт наблюдения над Куббат Йалбуга. Больше месяца он наблюдал за нами, мы наблюдали за ним. За это время две армии столкнулись три или четыре раза с переменным успехом.

Затем Султану и его старшим *амирам* сообщили, что некоторые другие *амиры*, вступившие в заговор, планируют убежать в Египет, чтобы поднять восстание. Поэтому, испугавшись народного бунта и следующего за ним свержения власти, они договорились вернуться в Египет. В пятницу ночью [21 Джум д ал-аввал]<sup>13</sup> они покинули [Дамаск]. Поднявшись на гору ал-Сали-

<sup>3</sup> Сивас — город в Турции, является административным центром провинции Сивас.

<sup>4</sup> Фарадж, сын Баркука — мамлюкский султан, сел на трон, в 10-летнем возрасте в 1399 г. Был отстранен в 1405 г., но через 70 дней опять восстановил власть и правил до 1412 г.

<sup>5</sup> Див н ал-'ат — казна, предназначенная для жалований.

<sup>6</sup> Дав д р — секретарь (букв.— обладатель чернил), высшее военное должностное лицо в Египте.

<sup>7</sup> Йашбак аш-Ша'бани — во время правления Баркука был главным казначеем. Давадаром был назначен в апреле 1400 г.

<sup>8</sup> Середина месяца Мавлид 803 г. — соответствует 15 Раби' ал-аввал 803 г. (3 ноября 1400 г.). По другим источникам Султан со своей армией отправился в поход 3 Раби' ал-сани (19 ноября).

<sup>9</sup> Газза — город на берегу Средиземного моря в Палестине.

<sup>10</sup> Шакхаб — населенный пункт между Дамаском и Газзой.

<sup>11</sup> Баалбек — древний город на территории современного Ливана. Темур покинул его 20 декабря 1400 г.

<sup>12</sup> Куббат Йалбуга — купол, построенный примерно в 22 милях от Дамаска и названный в честь Сайф ад-Дина Йалбуга, наместника Дамаска.

<sup>13</sup> 21 Джум д ал-аввал 803 г. — 6 января 1401 г.

хия<sup>14</sup>, они спустились вниз по ущелью и пошли вдоль морского берега в Газзу. Полагая, что Султан по главной дороге поехал в Египет, его люди тоже той ночью группами отправились [сначала] в Шакхаб и оттуда в Египет.

На следующее утро жители Дамаска, узнав эту новость, пришли в изумление. *Факихи* и *кадии* пришли ко мне в *мадраса ал-'Адилия*<sup>15</sup>, и они решили просить Амира Темура обеспечить безопасность их семей и домов. Но когда они посоветовались с наместником цитадели, тот не согласился и отказал им. Они не приняли предложения [наместника]. Судья Бурхан ад-Дин ибн Муфлих ал-Ханбали<sup>16</sup> и шейх дервишей *завийи*<sup>17</sup> вышли к Темуру. Тот обещал им обеспечить безопасность и отправил назад, чтобы они созвали *кадиев* и авторитетных людей.

Перелезши через стену, они вышли к [Темуру] с подарками. Он любезно принял их, написал письмо, [гарантирующее] безопасность, и отправил назад, обнадежив их. Они договорились, что со следующего дня городские ворота откроются, люди будут заниматься своими обычными делами, а Амир Темур займет место правления и начнет руководить ими.

Судья Бурхан ад-Дин сообщил мне, что [Темур] спросил его обо мне, [поинтересовался] уехал ли я с египетскими солдатами или остался в городе. [Судья] ответил, что я до сих пор живу в той же самой *мадраса*. Ту ночь мы провели, готовясь к встрече с [Темуром].

Но так получилось, что люди в главной мечети поспорили. Некоторые из них отказались от того, о чем договорились с [Темуром]. Эта весть настигла меня поздней ночью, и я почувствовал сильный страх. Ранним утром из-за того, что сильно испугался, я пошел к группе судей около ворот и потребовал, чтобы они разрешили мне выйти или перелезть через стену. Сначала не соглашались, но потом все-таки спустили через стену.

Около ворот я нашел некоторых из окружения [Темура] и его представителя, которого назначил наместником Дамаска. Его зовут Шахмалик<sup>18</sup>. Он из чагатаидов, из людей, родственных [Темуру]. Я приветствовал их, они приветствовали меня. Я сказал им: «Да буду я выкупом вашим» и они ответили: «Да будем мы выкупом твоим». Шахмалик предложил мне поехать верхом и послал со мной одного из приближенных султана, который привел меня [к Темуру].

Когда мы остановились у входа в шатер, изнутри разрешили посадить меня в шатре, находящемся рядом с приемной [Темура]. Потом меня представили

<sup>14</sup> ал-Салихия — гора в северо-западной части Дамаска.

<sup>15</sup> мадраса ал-'Адилия — основана в 1215 г. Аййубидским султаном ал-'Адил Сайф ал-Дином. Сегодня здесь находится Академия арабского языка, созданная в 1918 г. во время правления короля Файсал ибн Хусайна.

<sup>16</sup> Бурхан ад-Дин ибн Муфлих ал-Ханбали — (ум. в Ша'бан 803 г./ апрель 1401 г.), судья, известный как Таки ад-Дин. Знал тюркский и персидский языки.

<sup>17</sup> Завийя (или Ханака) — место сбора суфиев для духовного обучения и поминания Бога. Почему-то Ибн Халдун не называет имя шейха.

<sup>18</sup> Шахмалик — видный военачальник Темура, наместник Дамаска. В 1413 г. Шахрух назначил его наместником Хорезма, где служил до смерти в 1426 г.

ему, добавив к моему имени, что я *маликитский* судья Магриба<sup>19</sup>. Он меня пригласил, и я зашел в его шатер. Он сидел, опираясь на локти, и ему несли еду в посудах. Он указал дать ее группе моголов, сидящих кружками впереди шатра.

Когда зашел к [Темуру], я поздоровался и подал знак покорности. Он поднял свою голову и протянул руку, я ее поцеловал. Он приказал мне сесть и пригласил из своих приближенных одного из факихов Хорезма, судью 'Абд ал-Джаб-бара ибн ан-Ну'мана<sup>20</sup>. Посадил его, чтобы он был переводчиком между нами.

Он спросил меня, из какой части Магриба я приехал и почему приехал. Я ответил: «Я покинул свою страну, чтобы совершить обязанность [паломничество]. Морским путем приехал [в Египет]. Прибыл в порт Александрия в день Разговенья в [восемьдесят] четвертом году этого восьмого столетия<sup>21</sup>. Еще в городе продолжались празднования восхождения на трон ал-Захира [Баркука]<sup>22</sup> десятый день подряд».

— Что [ал-Захир] сделал для тебя? — спросил Темура.

— Все хорошее — ответил я. — Почетно встретил меня, обеспечил достаток и [снабдил] необходимым для паломничества. Когда я вернулся, он увеличил мое жалованье. Я пользовался его покровительством и милостью, да наградит его Аллах и смилуется над ним.

— Как случилось, что он назначил тебя судьей?

— Месяцем раньше смерти ал-Захира умер судья маликитов. [ал-Захир] считал, что у меня [достаточно] положительных качеств, чтобы занимать эту должность; умеющим соблюдать справедливость и правду, избегающим влияния [посторонних]. [Таким образом] он назначил меня на его место<sup>23</sup>. Но через месяц он [сам] умер. Люди, [управляющие] государством, стали недовольны моей позицией и уволили меня, назначив другого, — пусть Аллах наградит их.

Он спросил: «Где ты родился?»

Я ответил: «В *жавв н* Магрибе. Там я был секретарем великого короля».

Он спросил, что означает слово *жавв н* в описании Магриба. Я ответил, что на их языке это означает «внутренний», то есть самый дальний, потому что весь Магриб находится на южном берегу Средиземного моря, в самой близости

<sup>19</sup> Магриб — средневековые арабские историки называли Магрибом территорию стран, расположенных в Северной Африке к Западу от Египта.

<sup>20</sup> 'Абд ал-Джаббара ибн ан-Ну'ман — хорезмийский ученый, ханафитский факих, авторитет в вопросах ислама. Возглавлял молитвы при Темуре. Хорошо владел арабским и персидским языками, выполнял роль переводчика.

<sup>21</sup> День Разговенья 784 г. — 8 декабря 1382 г.

<sup>22</sup> ал-Захир Сайф ал-Дин Баркук — мамлюкский султан Египта, правивший в 1382–1399 гг. Он сел на трон (провозглашен Султаном) в 19 Рамадан 784 г./26 ноября 1382 г.

<sup>23</sup> 15 Рамадан 801 г./22 мая 1399 г. Ибн Халдун был назначен второй раз судьей. Здесь речь идет об этом назначении.



от которого Барка и Ифрикия. Средний Магриб — Тилмисан и Заната<sup>24</sup>. Дальний Магриб — Фес и Марокко, то есть внутренний [*жавв* и Магриб].

— В каком Магрибе находится Танжер? — спросил он.

— На углу между Средиземным морем и каналом, называемым ал-Зукак, то есть Средиземноморский залив [Гибралтар].

— А Сеуга? — спросил он.

— Из Танжера на расстоянии одного дня пути, на берегу залива. Оттуда можно переправиться в Испанию из-за близости расстояния, примерно двадцать мил — сказал я.

— А Фес?

— Он не на море. Он находится на середине холма, был столицей владетелей Магриба из династии маринидов<sup>25</sup>.

— А Сиджильмаса? — спросил он.

— На границе между деревнями и пустынными зонами со стороны юга — ответил я.

— Это меня не удовлетворяет — сказал он. — Хочу, чтобы ты письменно описал для меня страну Магриба: ее и самые отдаленные, и самые близкие [края], горы и реки, села и города полностью, так, как-будто я их вижу.

— Это будет сделано Вашему превосходительству — ответил я, и после ухода из его собрания я написал так, как он просил. Я вместил его в краткой и сжатой форме примерно в двенадцать листов, разделенных пополам.

Потом [Темур] приказал своим слугам принести из своего тента еду, которую они называют *ришта*<sup>26</sup> и готовят очень вкусно. Принесли еду, [Темур] приказал [слугам] подать посуду мне. Я встал, и с удовольствием кушал и пил. А это понравилось [Темуру].

Потом я сидел и молчал. Но мысли о том, что случилось со старшим судьей шафиитов Садр ад-Дином ал-Мунави<sup>27</sup>, сильно страшили меня. Преследовавшие Египетские войска, взяли его в плен в Шаххабе, привезли обратно и заточили в тюрьму, чтобы требовать выкуп за него. Из-за боязни я мысленно придумал слова, которые скажу [Темуру], возвеличу его дела и государство.

Когда я еще был в Магрибе, слышал много предсказаний о появлении [Темура]. Астрологи, говорившие о слиянии двух высоких планет, ждали десятое [по очереди] слияние на воздушном треугольнике, которое должно было случиться в шестьдесят шестом году седьмого столетия<sup>28</sup>. Однажды в шестьдесят

<sup>24</sup> Заната и Тилмисан — название берберских племен Магриба.

<sup>25</sup> Мариниды (бану марин) — берберская династия, правившая в Марокко в 1217–1465 гг.

<sup>26</sup> Ришта — в Персидско-Русском словаре Ю. А. Рубинчика «лапша».

<sup>27</sup> Садр ад-Дин ал-Мунави — шафиитский кади, которого Темур взял в плен. Согласно Ибн Арабшаху, он в собрании Темура без разрешения прошел вперед и этим разгневал его.

<sup>28</sup> ал-ми' ас-с би'а (седьмое столетие) — должно быть ал-м' а ас-с мина (восьмое столетие).

первом году я встретил в Фесе, в мечети ал-Каравийин<sup>29</sup> проповедника Константина<sup>30</sup>, хатиба Абу Али ибн Бадиса, который был знатоком этого искусства [астрологии]. Я спросил его о последствиях ожидаемого слияния. Он ответил: «Это — знак сильного полководца, который появится на северо-востоке среди людей пустыни, живущих в шатрах. Он одержит верх над правителями, свергнет власть и захватит очень большую часть ойкумены». Я спросил: «Когда это случится?». «В [7]84 году вести о нем будут распространяться», — ответил он.

То же самое писал мне и Ибн Зарзар<sup>31</sup> — еврей, врач и астролог сына Альфонса, короля франков. Когда я разговаривал и спрашивал об этом своего наставника, знатока рационализма Мухаммада ибн Ибрахима ал-Абили<sup>32</sup> — да смилуется над ним Аллах — он [тоже] говорил: «Это осуществится скоро, ты обязательно увидишь, если будешь жить».

Мы в Магрибе слышали, что суфии тоже ожидали это событие. Однако они думали, что появится фатемид, о котором говорится в шиитских хадисах Пророка и других<sup>33</sup>. Йахья ибн Абдаллах, внук крупного святого в Магрибе шейха Абу Йаъкуба ал-Бадиси<sup>34</sup>, рассказывал мне, что однажды Шейх, закончив утреннюю молитву, сказал: «Сегодня родился фатемидский мессия». Это было в четвертой декаде восьмого столетия. Поэтому я тоже ждал это событие. Из-за страха, который я испытывал, пришлось мне в голову говорить об этом [Темур], доставить ему удовольствие и добиться его снисхождения.

Я начал говорить: «Пусть Аллах поможет Вам! Сегодня уже тридцать или сорок лет как хочу Вас видеть». «В чем причина этого?» — спросил переводчик Абд ал-Джаббар.

— Причин две, — ответил я. Во-первых, Вы являетесь государем вселенной и правителем мира. Я уверен, что со времен Адама не было правителя подобно-го Вам среди людей. Я не из тех, которые говорят наугад. Я — ученый, докажу это и говорю. Власть держится только на патриотизме (*асабийя*)<sup>35</sup> людей. Чем больше [патриотизма], тем сильнее власть. Ученые, и первые, и последние, согласны в том, что среди людей два самых больших народа — тюрки и арабы.

<sup>29</sup> Мечеть ал-Каравийин — один из древнейших университетов и одна из самых больших мечетей в Африке.

<sup>30</sup> Константин (Кусантина) — город и столица одноименной провинции в Алжире.

<sup>31</sup> Ибн Зарзар — врач и астролог, с которым Ибн Халдун познакомился, когда служил у маринидского султана Абу Инана в 756/1355 г. Позже Ибн Зарзар перешел на службу к Кастильскому королю Педро жестокому, сыну Альфонса XI.

<sup>32</sup> Мухаммад ибн Ибрахима ал-Абили — учитель, наставник Ибн Халдуна в Магрибе. Ибн Халдун назвал его «величайшим ученым Магриба».

<sup>33</sup> Здесь речь идет о шиитской доктрине, согласно которой двенадцатый имам Махди вернется на Землю и покончит с несправедливостью.

<sup>34</sup> Абу Йаъкуб ал-Бадиси — великий суфий, главный святой Магриба.

<sup>35</sup> Асабийя — арабское слово, означающее «любовь к своему роду/племени». Ибн Халдун использует этот термин для описания связи между людьми, создающими общество.

Вы сами знаете, какая мощная власть была у арабов, когда они объединились в свою религию вокруг своего Пророка. А что касается тюрков, то их конфликт с правителями Персии и захват Хорасана царем Афрасиабом<sup>36</sup> свидетельствуют об их королевском происхождении. Никто из царей этого мира, ни Хосрой, ни Цезарь, ни Александр, ни Навуходоносор<sup>37</sup>, не могут равняться в патриотизме с ними. Хосрой были главами и царями персов. Кто же персы перед тюрками! Цезарь и Александр были правителями греков. Кто же они греки перед тюрками! Навуходоносор был главарем Вавилонцев и Набатийцев. Кто же все они перед тюрками! Это яркое свидетельство того, что я имел в виду насчет этого правителя [Темур]. Второй причиной моего желания встретиться с ним является то, что я слышал от предсказателей и [мусульманских] святых в Магрибе». Я упомянул то, что рассказывал выше.

[Темур] сказал мне: «Вижу, ты упомянул Навуходоносора рядом с Хосроем, Цезарем и Александром, хотя он не относится к ним. Они являются крупными царями, а Навуходоносор — один из командующих Персии. Я тоже всего лишь представитель владельца трона. Вот он сам [король]<sup>38</sup>. Он жестом указал на ряд [людей], стоящих за ним, среди которых стоял и тот [король]. Он является пасынком [Темур], о котором мы уже говорили. [Темур] женился на его матери, после того как умер его отец Сатылмыш<sup>39</sup>. [Темур] не нашел его среди стоящих. А те сообщили, что он только что вышел.

[Темур] повернулся ко мне и спросил:

— Какому народу принадлежит Навуходоносор?

— Относительно этого имеется разногласие среди людей, — сказал я. — Некоторые говорят, что он из набатийцев, последних правителей Вавилонии, другие, что он один из первых персов.

— Означает ли это, что он потомок Манучихра<sup>40</sup>? — спросил он.

— Да, так говорят.

— Мы связаны с Манучихром с нашей материнской стороны<sup>41</sup>, — сказал он.

Во многом причины этого историки объясняют разнородностью входивших в него партий, отсутствием у них единой программы по национальному вопросу, а также продолжавшейся войной. Вместе с тем, одновременно признается, что Временное правительство оставило на своих местах не только генерал-губернатора края А.Н. Куропаткина (что было в то время и во многих русских губерниях), но и «других чиновников, в том числе генералов Иванова и Паленгута» известных «усмирителей» восстания 1916 г.». Более того, на митинге в Ташкенте 5 марта 1917 г. Куропаткин заявил, что присоединяется к заявлениям Временного правительства, но не преминул подчеркнуть, что революции угрожает внутренний враг — «не кто иной, как киргизы». Современный историк Н.С. Валиханова делает правомерный вывод, что «фактически генерал Куропаткин продолжал старую колонизаторскую политику натравливания одного народа на другой, пытаясь заручиться в этом поддержкой и правительства». Все же некогда всесильный Куропаткин 7 апреля 1917 г. был отстранен от власти, причем сделано это было вовсе не по распоряжению правительства. Он «был арестован у себя в резиденции», когда «возмущенные представители народов Востока, в том числе русские, потребовали снятия генерала с должности». Позицию главы Временного правительства в отношении Туркестана раскрывает запись в дневнике А.Н. Куропаткина от 29 апреля 1917 г.: «А.Ф. Керенский согласился с моим мнением, что при неравенстве обязанностей с русским населением туземцам не следует предоставлять и полноту прав» (что было опубликовано в 1927 г. в журнале «Красный архив»)<sup>32</sup>.

<sup>31</sup> Валиханова Н.С. Национальные движения и партии Средней Азии: историография. Москва, 2000. С. 64; Исхаков С.М. Российские мусульмане в социальных и межнациональных отношениях 1917 года // Россия в XX веке: проблемы национальных отношений. Москва, 1999. С. 259.

<sup>32</sup> Валиханова Н.С. Указ. соч. С. 64.

Таким образом, личную позицию А.Ф. Керенского красноречиво раскрывают дневники и воспоминания его современников. Так, в мемуарах видного деятеля национально-освободительного движения народов Российской империи Ахмет-Заки Валиди (впервые изданных в Стамбуле в 1969 г.) описывается его встреча в 1958 г. в библиотеке Гуверовского института в США «с самим А.Ф. Керенским, еще здорововавшим и работавшим над своими мемуарами». Ахмет-Заки Валиди имел непосредственное отношение к обсуждению вопроса о восстании 1916 г. в Туркестане, когда в 1916 — начале 1917 г. молодой историк, ставший видным специалистом по Востоку в возрасте 27 лет, был экспертом мусульманской фракции в IV Госдуме. Он прямо указывает на политическую позицию А.Ф. Керенского (в период написания мемуаров бывшего главой Временного правительства): «В старости он стал чересчур большим русским патриотом и не хотел слышать слов о независимости» (независимости Туркестана. — *Д. Л.*)<sup>33</sup>. Поэтому не стоит современным исследователям идеализировать роль А.Ф. Керенского по предоставлению Туркестану каких-либо широких демократических прав (вплоть до автономии народам национальных окраин). Одно дело выступать с трибуны Государственной думы в противостоянии с царским правительством в период борьбы за власть до Февральской революции 1917 г., а другое — нести ответственность за политические обещания, находясь у власти.

Известный мусульманский лидер Усман Токумбетов<sup>34</sup> подчеркивал, что «политика Временного правительства на окраинах России, Кавказе, в Туркестане, и Киргизских степях мало чем отличается от политики старой власти». Он указывал, что из общей суммы, выделенной для помощи русскому и туземному населению Семиреченской области, пострадавшей от восстания в 1916 г., на каждый разоренный русский двор отпускалось 1 000 руб., а возвращавшимся из Китая семиреченским киргизам и казахам — по 100 руб. на кибитку. У. Токумбетов выражал «крайнее сожаление, что Временное правительство ... ограничивается обещаниями, принятием докладных записок, а на деле игнорирует интересы мусульманского населения»<sup>35</sup>.

Эти данные приводит видный российский ученый, специалист по истории межнациональных отношений С.М. Исхаков. В качестве другого яркого примера он приводит конфликт казахов и киргизов с казаками, русскими и украинскими переселенцами после возвращения первых из Китая, куда они бежали после восстания 1916 г., который он небезосновательно считает «самым масштабным и острым». Когда же центральная власть попыталась исправить положение силой, это приносило порой обратный результат. Так, в конце июля 1917 г.

<sup>33</sup> Валидов А.-З. Воспоминания. С. 109–110.

<sup>34</sup> Один из руководителей II Всероссийского мусульманского военного съезда в январе 1918 г.

<sup>35</sup> Исхаков С.М. Российские мусульмане в социальных и межнациональных отношениях 1917 года. С. 265.

войска, посланные А.Ф. Керенским (когда он уже стал главой Временного правительства) в Семипалатинск для наказания грабителей, соединились с последними, причем «до 2 тыс. казахов были подвергнуты избиению». Для оправдания этих действий Петроградское телеграфное агентство распустило слух, что «казахи были вооружены пулеметом». В конечном счете, оказалось, что «просьбы об обустройстве среднеазиатских беженцев поступали Временному правительству еще с марта 1917 г.» и вплоть до Октябрьской революции «положение все более осложнялось в связи с нехваткой средств, равнодушием петроградских властей и всей российской демократии к окраинным проблемам»<sup>36</sup>. По свидетельству Мустафы Чокаева, в то время «революция 1917 г. показалась как бы логическим завершением туркестанского восстания 1916 г., проведшего непроходимый ров между русским царизмом и Туркестаном»<sup>37</sup>.

Таким образом, восстание 1916 г. в Казахстане и Средней Азии накануне Февральской революции 1917 г. переросло в национально-освободительную войну, которая фактически завершилась в период свержения самодержавия, сливаясь одновременно в один мощный поток освободительного движения народов бывшей Российской империи и всего Востока. Поэтому действительно необходимо проявлять взвешенный, научный подход, учитывая различные точки зрения, не отвергая уже известные документальные источники (тот же доклад Керенского) и в то же время избегая фрагментарных «выдергиваний из текста» тех фактов, которые вписываются в современные идеологические схемы или в угоду политической конъюнктуре. Государственная дума как высший представительный орган впервые в своей истории не только подвергла резкой критике административную политику царского правительства (в этом нельзя отрицать и заинтересованность ряда парламентских фракций), но и единодушно выступила (ранее были только выступления отдельных депутатов) в защиту интересов народов национальных окраин Российской империи.

---

<sup>36</sup> Исхаков С.М. Российские мусульмане в социальных и межнациональных отношениях 1917 года. С. 258, 261.

<sup>37</sup> Чокаев М. Отрывки из воспоминаний о 1917 г. / Под ред. С.М. Исхакова. Токио-Москва, 2001. С. 4.

Д. ЛЕГКИЙ

### ОТНОШЕНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ДУМЫ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ К ВОССТАНИЮ 1916 ГОДА В ТУРКЕСТАНЕ И СТЕПНОМ КРАЕ

Актуальность статьи обусловлена многочисленными «белыми пятнами» и стереотипами в отношении так называемой «комиссии Керенского». В статье отражены сомнения относительно достоверности материалов, включенных в доклад комиссии А.Ф. Керенского. Очевидно, что необходимо исходить из объективной оценки реалий политической ситуации внутри самой России на момент составления этого документа, а именно использование материалов работы Комиссии для дискредитации политических оппонентов — царской администрации — как в столице, так и в Туркестанском крае.

*Ключевые слова:* Государственная дума, революция, карательная, политика, стенографический отчет, архивные документы, А.Ф. Керенский, Туркестан, «русская благодарность», положение, империя.

Д. ЛЕГКИЙ

### РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ДАВЛАТ ДУМАСИНИНГ ТУРКИСТОН ВА ДАШТ ЎЛКАСИДАГИ 1916 ЙИЛ ҚЎЗҒОЛОНИГА МУНОСАБАТИ

Мазкур мақоланинг долзарблиги «Керенский комиссияси» фаолиятини ёритишдаги қўплаб «оқ доғлар» ва унга нисбатан шаклланган маълум қолипларга бўлган муносабат билан белгиланади. Мақолада А.Ф. Керенскийнинг комиссияга тақдим қилинган маърузасида келтирилган маълумотларнинг тўғрилиги шубҳа остига олинади. Муаллиф мазкур ҳужжат тузилаётган пайтда Россиянинг ичидаги ҳаққоний сиёсий вазиятни холис баҳолашдан келиб чиқиш лозим, айнан комиссия иши материалларидан Подшо маъмуриятининг — пойтахтда бўлганидек Туркистон ўлкасида ҳам сиёсий оппонентларини дискредитация қилиш мақсадида фойдаланганлигини назарда тутиш керак деган хулосага келади.

D. LEGKIY

### THE ATTITUDE OF THE STATE DUMA OF THE RUSSIAN EMPIRE TO THE UPRISING OF 1916 IN TURKESTAN AND THE STEPPE REGION

The relevance of this article is due to the numerous «white spots» and stereotypes regarding the so-called «Kerensky commission». The article reflects doubts about the reliability of the materials included in the report of the commission A.F. Kerensky. Obviously, it is necessary to proceed from an objective assessment of the realities of the political situation within Russia itself at the time of writing this document, namely, using the materials of the Commission's work to discredit political opponents — the tsarist administration, both in the capital and Turkestan.

Д. АЛИМОВА

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ СОВЕТ ДАВРИ ТАРИХИГА  
ЗАМОНАВИЙ БАҲОЛАР: АНЪАНАВИЙЛИК ДАРАЖАСИ  
ВА ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР**

Сўнги 25 йил ичида Ўзбекистонда, шунингдек собиқ СССР таркибида бўлган Марказий Осиё ва бошқа республикаларда, тарихнинг совет даври йўналиши турлича баҳоланмоқда.

Таъкидлаш керакки, XX асрнинг 90-йиллари ўрталаридан тарихчиларнинг икки (шартли) гуруҳи ўртасида маълум қарама-қаршиликлар кузатилди: эски совет мактаби ва ёндошувларига мансублар; ва бу давр воқеаларига тамомила салбий муносабатда бўлган тадқиқотчилар.

Яна бир гуруҳ бу — муаммони илгари тақиқланган ёки ўрганилмаган фондлардаги турли характердаги манбавий материаллар асосида ёритувчи тарихчилар. Улар бу материалларни ўрганиш орқали яқин ўтмишимизнинг салбий ва ижобий саҳифаларини илмий асосланган ҳаққоний манзарасини тиклашга муваффақ бўлдилар. Бу тарихчиларнинг катта қисми томонидан қабул қилинди ва қўллаб қувватланди. Тадқиқотчиларнинг бу қисми ўз изланишларида ватан тарихини илмий-ҳолисона ёритиш принципларига асосланиб, турлича бўрттиришлар, тасодифий ва маълум гуруҳлар манфаатига, баъзида тарихий ҳақиқатга зид бўлган, шов-шувларга «хизмат қилувчи» ёндошувлардан воз кечдилар.

Совет даврини ўрганишда тарихчилар яқин ўтмишнинг асосий воқеаларига жавоб беришга уриниб кўрдилар:

1) Туркистонда ҳақиқатда ҳам Октябрь революцияси бўлганми? Халқнинг ундаги иштироки қандай эди?

2) Халқ большевиклар ҳокимияти ва унинг ислохотларини қандай қабул қилди?

3) Нима учун совет ҳокимиятига қарши бўлган оппозицион — «босмачилик» деб аталган ҳаракат вужудга келди? Буни қандай ва қайси манбаларга асосланган ҳолда баҳоламоқ керак? Шу ўринда баҳолашнинг 3 варианты вужудга келди: а) совет давридаги каби инкор этувчи душманона; б) босмачиликни миллий-озодлик ҳаракати сифатида талқин қилиш, кўрбошиларни қаҳрамон даражасига кўтаришга уриниш; в) босмачилик ҳаракатида жинойий гуруҳлар фаолиятини ва истиқлолга эришиш учун курашга йўналтирилган қисмини ажратган ҳолда баҳолаш.

4) Яна бир долзарб муаммо — бу қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш ва унинг фожиали оқибатларининг оғир тарихи. Совет ҳокимиятининг бу ҳақда умуман сўз очмаганлигининг сабаблари. Ўрта Осиёда жамоалаштириш натижалари. Қишлоқнинг трансформацияси.

5) Долзарб мавзулардан бири — Сталинча қатағон сиёсати ва жамиятнинг энг сара вакилларини қириб юборилиши.

б) Тарихчилар эътиборидаги: Нима учун II Жаҳон урушида Совет ҳокимияти галаба қозонди ва Ўрта Осиё республикалари аҳолиси ҳаётининг трансформациялашуви каби масалалар.

Бу масалаларнинг барчаси Ўзбекистон тарихшунослигида бўлгани каби Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон тарихшунослигида ҳам ўз ифодасини топди. Бироқ, барча эълон қилинган ишларни бир хил мазмунда деб бўлмайди, албатта. Агар Ўзбекистон, Қозоғистон тарихшунослигида илгари ўрганилмаган, ўз даврида совет ҳукумати томонидан тақиқланган ҳужжатларга асосланган янгича ёндошув ва баҳолар мавжуд бўлса, Тожикистон тарихига доир кўп томлик нашрда советча усул ҳеч ўзгармаган ҳолда сақланган. Шуни айтиш керакки, мустақилликнинг илк йилларида кўп республикаларда бўлган совет анъанавийлигига амал қилиш давом этди. Бу ҳолат нима билан изоҳланади?

М. Рейман тўғри ёзганидек, энг янги тарихга доир тадқиқотлар ва сиёсат ўртасидаги мустаҳкам алоқа, сиёсатнинг бу тадқиқотлар натижаларидан манфаатдорлиги ҳеч шубҳа уйғотмайди, бундай ёндошув у ёки бу соҳада ҳар қандай мамлакат ва жамиятда мавжуддир<sup>1</sup>. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, айнан совет даврида тарих сиёсатнинг энг муҳим қуролига айланди. Бу айниқса тарихдан ўз сиёсий мақсади ва қатағонларини асослаш учун фойдаланган Сталин даврида ривож топди ва бу XX асрнинг бир неча ўн йилликлардан то 90-йилларигача давом этиб, инсонлар онги ва тафаккурига таъсир кўрсатмай қолмади. Амалда тарих фани ва сиёсий ташвиқот ўртасидаги чегаралар йўқолди. Бунинг таъсири натижасида жамиятнинг ёлғон тарихий онги шаклланди, бунга эса боғчадан олий таълимга қадар бўлган таълим тарбия жараёнига совет мафкурасининг сингдирилиши катта хизмат қилди. Маълумки, болалик ва ўсмирликда ўзлаштирилган нарсалар инсон тафаккурида муҳим ўрин олади. Айнан шу туфайли мустақилликнинг илк йилларида аксарият нашрларда совет анъанавийлиги устуворлик қилиб, барча ҳолатлар ижобий баҳоланиб, фақат хулосада баъзи салбий ҳолатлар қайд қилиб ўтилди холос, бу эса асосий матнга умуман мос келмасди. Бунда баъзи тарихчиларнинг совет тарихшунослиги ёндошувларидан воз кеча олмайгани айниқса яққол намоён бўлди. Машҳур инглиз тарихчиси Жон Тош таъкидлаганидек, энг кўҳна даврларга оид анъаналарга мурожаат этиш тарих фанига ҳеч қандай алоқаси йўқ ва тарихий таҳлилга мутлақо зиддир<sup>2</sup>. Бу қанчалик қатъий янграмасин агар қотиб қолган ва ўзгармас тажрибани назарда тутсак, нечоғлик тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Эски замонларни қўмаш (nostalgia) Дж. Тошни фикрича — бу сохталаштиришнинг жуда нозик усули. У тарихий ўзгаришлар фактини инкор этмайди, бироқ фақат бир йўналишда — салбий томонга ўзгариш сифатида шарҳлайди.

<sup>1</sup> Рейман М. Перестройка и изучение советской истории // Вопросы истории. 1989. № 12. 146-6.

<sup>2</sup> Tosh J. The Pursuit of History: aims, methods and new Directions in the study of modern History. 3th ed. — London-New York. 2000. Русский перевод Тош Дж. Стремление к истине. Как овладеть мастерством историка. Москва, 2000. 11—32.



Бундан айниқса жамиятдаги юқори позицияни, яъни раҳбарлар лавозимига эга бўлган, моддий жиҳатдан яхши таъминланган, лекин бугунги даврда буни йўқотган инсонлар (жумладан тарихчилар) жуда азият чекадилар ва одатга кўра ўтмишни жозибадор кўринишда тасвирлайдилар. Бу ҳолат тарихий асарлар саҳифаларидан ўчган бўлишига қарамай, оғзаки шаклда сақланиб қолмоқда. Шунга қарамай сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар туфайли вужудга келган тарихий хотира таназзули тарих фани ривожига ханузгача маълум ўринга эга. Тадқиқотчи Й. Рюзеннинг тарихий онг тажриба билан тўқнашганда таназзул вужудга келиб, унинг одатий тарихий тасаввурлар доирасига мос келмаслиги, бу ўз навбатида идентикликнинг шаклланган асослари ва принципларини хавф остига қўяди<sup>3</sup> деган фикрига қўшилмай бўлмайди.

Замоннинг бу бўлагидagi тарихни холисона ёритишда тарихчининг турли ҳиссиётлардан воз кечиши, «ўзидан узила олиш» маҳорати мужассамлашган руҳий омил муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, ҳамма ҳам буни қила олмайди. Ва бу фундаментал характердаги асарларда ҳам кузатиладиган камчиликлардан бири. Умуман олганда Ўзбекистоннинг замонавий тарихшунослигида совет даврини баҳолашда бошқа мазмундаги традиционализм мавжуд. Тарихчиларнинг илғор қисми томонидан ишлаб чиқилган тарихнинг бу даврига танқидий ёндошув натижасида бу йиллардаги барча ижобий ҳолатларни инкор этувчи традиционализмга айланди. Ҳар қандай масалани ўрганишда бўлганидек салбий ҳолатлар, ривожланишдаги зиддиятлар, қатағонлар, якка мафкура зуғуми шунингдек, ижобий натижалар ва бунинг асосий сабабчиси бўлган халқ, унинг сабр-қаноати, меҳнатсеварлиги эканлигини холис илмий таҳлил қилиш жуда муҳимдир. Бу масалалар яхлит тарзда, тадқиқотчи ўзининг «мен» ҳиссиётли улушини қўшмаган ҳолда ўрганилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Бу ўринда машҳур инглиз тарихчиси Ж. Хоскингнинг усулига тўхталиш жоиздир. Олим совет даври тарихига бағишланган асарида Совет иттифоқи тарихини ўрганишда шу маконда яшаган инсонлар, оддий фуқаролар фикрига жуда катта эътибор қаратган<sup>4</sup>.

Совет даврига бағишланган тарихий тадқиқотларнинг маълум қисми сиёсатшунослик билан боғлиқ. Тарихчилар 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошидаги воқеалар ривожини, республикаларнинг мустақилликка эришуви тарихи ва XX аср охиридаги бу билан боғлиқ бўлган жараёнларни мушоҳада қилишга уринадилар. Менинг назаримда, тарихий тадқиқот мантиғи нафақат муваффақиятлар, балки мавжуд муаммоларни ҳам кўрсатишни тақозо қилади. Модомики биз муваффақиятлар ҳақида гапирар эканмиз, ўқувчини жамият ҳаётининг барча соҳаларида рўй берган ўзгаришлар моҳиятини англаши учун, ўтмиш билан қиёслаган ҳолда мушоҳада қилишга йўналтиришимиз керак. Ва

<sup>3</sup> Рюзен Й. Утрачивая последовательность истории. (Некоторые аспекты исторической науки на перекрестке модернизма, постмодернизма и дискуссия о памяти) // Диалог со временем: альманах интеллектуальной истории. Вып. 7. Москва, 2001. 8–26-б.

<sup>4</sup> Хоскинг Джеффри. История Советского Союза (1917–1991). Смоленск: Русич, 2004. 490 б.

албатта замонавий тадқиқотлар ўзининг глобаллиги билан ажралиб туриши зарур, яъни ҳозирда тарихда рўй бераётган жараёнлар жаҳон тарихи контекстида ўрганилиши лозим, чунончи бизнинг тамаддунизм тарихи жаҳон тамаддуни-нинг ажралмас бўлагидир. Ўйлаймизки, муаллифларга ҳам ўқувчига ҳам катта таъсир қилувчи муҳим ҳолат, бу ҳозирда тарихий тафаккурнинг кучайганлиги-дир. Ҳамма вақт туб ўзгаришлар, алғов-далғовлар, инқилоблар даврида у асосий гоёвий тоқчалардан бирини эгаллаган. Фарб тарихшунослигининг тушунчасида ҳозирги ва ўтган давр орасидаги фарқни тан олиш тарихий онгнинг асосий белгиларидан биридир. Бу авваламбор тарихчи учун жуда ҳам муҳим бўлиб, тадқиқот предметини уни ўраб турган тарихий муҳитдан ажратиб бўлмаслигини англаши керак. У ҳамма вақт мавжуд бўлган, россиялик тарихчи Л.П. Репина таъкидлаганидек, «Тарихшунослик прагматик тасаввурлардан ташкил топган мустаҳкам иммунитетга эга эмас; тарихчиларга мафкура ва гуруҳлар манфаатидан абстракцияланиш ҳам осон эмас. Натижада кўринишидан илмий бўлган асарлар оммавий онг ва унинг эҳтиёжлари туфайли пайдо бўлган ўтмишнинг образларидан фойдаланади. Кўп муносабатларда тарих ва хотира бир-бирини қондиради: тарих хотира мантиғи ва илмий билим талаблари ўртасида эзилиб кетади»<sup>5</sup>.

Энди совет даврининг бир қанча аҳамиятли ҳодисаларига замонавий Ўзбекистон тарихшунослигида берилган баҳоларига тўхталсак.

Ўтган асрнинг ҳал қилувчи ҳодисаларидан бири большевикларнинг ҳокимиятни эгаллаши бўлди. Марказга ҳайқирик билан телеграфдан хабар берган большевиклар шундай енгиллик билан «Туркистонда ғалаба қозониши» мумкин эдими? Ўлкада инқилобга тараққийпарвар зиёлиларнинг қизиқиши бўлмагани, қолаверса халқнинг бундан тамомила узоқлигини назарда тутадиган бўлсак, қандай қилиб бир тўда маҳаллий большевиклар ва темирўл ишчилари ҳокимиятни тўнтариши мумкин эди? Ўзбекистон ва Қозоғистон тарихшунослигида бу саволларга жавоб бор. Эҳтимол, маҳаллий аҳоли аксарият қисмининг сиёсий жараёнларда иштирок этмаганлиги, жадидларнинг камҳафсалалиги, сиёсий ҳаракатлар ва партияларнинг етилмаганлиги, энг асосийси метрополиядаги тўнтаришнинг ўзи — большевикларнинг Туркистонда ҳокимиятни қўлга олишини енгиллаштиргандир.

Шунга қарамасдан икки оқим — большевистик ва миллий демократик кучлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар туфайли миллий ўзликни англашнинг катта тўлқинини кучайиши — биринчи миллий-демократик давлат тузилмаси — Туркистон мухториятини вужудга келтирди. Бу миллий демократларни ўтмишнинг катта тажрибасига асосланган, Шарқ тараққиётининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштирган янги жамият қуришга бўлган уриниши эди. Бу тезис Марказий Осиё тарихшунослигида устун тадқиқотларда очарчилик, қишлоқ хўжалиги ва саноат инқироzi, большевиклар томонидан халқдан энг сўнгги истеъмол маҳсулотларини тортиб олиш (озиқ-овқат развесткаси) сиёсати фо-

<sup>5</sup> Репина Л.М. Историческая память и современная историография // Новая и новейшая история. 2004. № 5. 51-6.

нида ривожлантирилганини назарда тутадиган бўлсак, босмачилик ҳаракати нега бу қадар оммалашганини тушунамиз. «Ҳарбий коммунизм» сиёсатининг «куролланган пролетариат», яъни партия ва Қизил армия томонидан қаттиқ назорат остига олиниши халқни қашшоқлашув даражасига олиб келди.

Қаршилиқ ҳаракатининг тарафдорлари томонида совет ҳокимиятидан норози бўлган кўплаб деҳқонлар бор эди. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича биргина Фарғона водийсида 70 мингдан ортиқ кишини жипслаштирган гуруҳлар мавжуд бўлган. Бухоро ҳудудида 40 мингдан ортиқ, Хоразмда 20 мингдан ортиқ қаршилиқ ҳаракати иштирокчилари норозилиklarини ифодалаш учун бирлашдилар<sup>6</sup>. Бу совет ҳокимиятининг катта хавф остида эканлиги ҳақида далолат беради. Янги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қаршилиқ ҳаракатлари яхши уюшмаган бўлиб, гуруҳлар орасида бирдамлик йўқ эди. Қолаверса раҳбарлар ўртасида етакчилиқ учун бўлган ўзаро ички курашлар, кўпчилигининг интеллектуал жиҳатдан савияси пастлиги бу ҳаракатни том маънода прогрессив-демократик ҳаракат деб баҳолаш имконини бермайди. У ўзининг интеллектуал даражаси бўйича 1917 йил феврала арафасидаги миллий демократик ҳаракатлардан анча паст туради. Шунга қарамасдан, ўзбекистонлик тарихчиларнинг аксарияти буни Қизил армия ва совет ҳокимиятига қарши бўлган умумхалқ кураши деб баҳолашади.

Вольюнтаризм усуллари билан СССР ташкил топганидан кейин рўй берган воқеалар Ўзбекистон тарихшунослигида қандай баҳоланади? Шуни таъкидлаш керакки Совет Конституцияларида акс этган республикаларнинг ҳуқуқлари марказий ҳокимият томонидан ниҳоятда чекланган эди. Сталин диктатураси, янги иқтисодий сиёсатда (ЯИС) бурилиш, тўхтовсиз қатағонлар, миллатчиликка қарши кураш, деҳқонларга нисбатан ўтказилган зўравонлик, анъанавий хўжалиқ укладининг бузилиши ва қишлоқ хўжалигининг жамоалаштирилиши, кўплаб ўзбекистонликларнинг ҳаётига зомин бўлган катта босим ва қисқа суръатларда ўтказилган саноатлаштириш — буларнинг барчаси вақти билан уйғониб, вақти билан тинчланадиган вулқонни эслатарди. Бундай фавқулудда вазиятлар фонида халқнинг заҳматкаш меҳнати туфайлигина ҳаётнинг барча соҳаларида ривожланиш кузатилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин таълим даражаси сезиларли ўсди, фан ва маданиятда катта ютуқларга эришилди<sup>7</sup>. Маданиятдаги бундай жўшқин ривожланиш, жамиятнинг тобора мафкуралашуви билан ёнма-ён борди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими, коммунистик партия ўзининг шиорлари остида тобора зиёлилар ижодига аралашди, республика маънавий ҳаёти қаттиқ назорат остига олинди. Ижодий жараён партия принципларига бўйсундирилиб, маънавий ҳаётни кенг қамраб олиш ва дунёни англаш имкони жуда торайди. Ҳокимиятнинг 1937–1938 йиллардаги қатағон сиёсати урушдан кейин давом этди. Коммунистик мафкура миллий менталитетга зарба

<sup>6</sup> А лимова Д.А. История как история, история как наука. Ташкент: Узбекистан, 2008. 205–241-б.

<sup>7</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарқ, 2000. 688 б.

берди. Халқнинг тарихий ўтмишига салбий муносабатни шакллантириш бадиий жараёнда тарихий ворисийликни инкор қилиниши билан белгиланди. Маданиятда мураккаб ижтимоий муаммоларни бўяб кўрсатиш, хато ва камчиликлар ҳақида лом-мим демаслик тенденциялари кучая борди. Ҳаёт ҳақиқатини бузиб кўрсатиш санъатнинг тарбиячилик кучига путур етказди<sup>8</sup>. Аммо, уруш даврида айнан ўзбек халқи менталитетининг энг яхши сифатлари намоён бўлди. Маълумки, Ўзбекистонликларнинг бундай позицияси уларнинг ватанпарварлиги совет тузумини ҳимоя қилиш учунгина эмас, балки халқнинг уруш характерини идрок этиб, ўзининг фашизм билан курашдаги ўрнини англаши бўлди. Ўзбекистон халқининг урушдаги ижтимоий хулқ-атворининг асосий ахлоқий императивлари тинч ҳаётга интилиш, уруш фронтларида жанг қилаётганларнинг оилаларига ёрдам кўрсатишдан иборат эди<sup>9</sup>. Энг янги тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, II Жаҳон урушида 1 433 230 ўзбекистонлик қатнашган. Республикада шакллантирилган жанговор бўлинмаларнинг кўпчилиги II Жаҳон урушининг ҳал қилувчи операцияларида иштирок этиб, Берлингача бордилар.

Бу давр тарихи ва умуман совет давридаги ўзбек халқининг тарихи ҳақида сўз юритган тарихчилар қора бўёқларни ишлатишдан тамомила йироқ бўлиб, ўз тадқиқотларида факт ва ҳужжатларга таянадилар. XX асрнинг 60–80-йилларида маданиятнинг муваффақият билан ривож топгани, айниқса театр ва мусиқа санъати алоҳида гуллаб яшнагани ҳақида гапиришимиз мумкин. Архив фондларидан олинган статистик маълумотлар фан ва таълим соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилганидан далолат беради. Олий ўқув юртларининг сони 1940 йилга келиб 1930 йилга нисбатан 38 тага ошди. 1970 йилдан 1985 йилга қадар зиёлилар сони уч мартага кўпайди, бу йиллар давомидаги кўрсаткич 42 минггага ошди. 1965 йилда республикадаги профессор ва ўқитувчилари сони 8 минггага етди. Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти, электроника, кибернетика, биохимия, сейсмология, геология каби янги институтлари фан тараққиётига хизмат қилди. Ҳар йили республика олимлари 400 тагача илмий ишланмаларни амалга оширдилар. Бироқ улар ниҳоятда секинлик билан ишлаб чиқаришга татбиқ қилинди. Фан билан ишлаб чиқариш алоқаси ниҳоятда паст даражада бўлиб, унинг юксак салоҳиятидан халқ ҳўжалигида унумли фойдаланилмади<sup>10</sup>.

Тарихчилар совет даврида маданият ривожини чекланган гоёвий доирада амалга оширилганини яхши англайдилар. Совет ҳокимиятининг босими сўнгги ўн йилликларда айниқса кучайди. Совет мафкуриси ва унинг миллий урф-одатлар ҳамда анъаналар билан мос келмаганлиги, партия ташкилотларининг Ўзбекистон маънавий ҳаётига оммавий равишда аралашуви ўз салбий таъсирини кўрсатди.

<sup>8</sup> Мустафаева Н.А. XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили. Тошкент, 2014. 244–256-б.

<sup>9</sup> Бабаджанов Х.Б. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг трансформацияси: жараёнлар ва муаммолар. Тошкент: Алоқачи, 2017. 68–122-б.

<sup>10</sup> Академия наук в интеллектуальной истории Узбекистана. Ташкент: Yangi nashr, 2012. 97–126-б.

Янги даврнинг кўплаб тадқиқотларида таъкидланишича, ғоявий касалликлар ижтимоий-иқтисодий соҳадаги касалликлар туфайли янада зўрайди. 1980-йилларга келиб жамият ҳаётининг барча жабҳаларида турғунлик бошланди. Совет иттифоқининг илмий-техника тараққиётида дунёни ривожланган мамлакатлари билан қиёслаганда катта тафовут вужудга келди. Кенг истеъмолдаги саноат маҳсулотларининг тақчиллиги, озиқ-овқат етишмаслиги пайдо бўлди. Совет давлатининг ижтимоий-иқтисодий вужудидаги касалликлар Ўзбекистонни ҳам ўз домига тортди. Эркин ривожланиш ҳақидаги давомий декларацияларга қарамасдан Ўзбекистонга Иттифоқ раҳбарияти хом ашё манбаси сифатида қарарди<sup>11</sup>. Ўзбекистон манфаатлари анъанавий равишда инкор этилиб, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида республиканинг ўрни ва ролини ошганлиги ҳеч эътиборга олинмади. Бу ҳақда қишлоқ хўжалиги хом ашёси билан бир қаторда Ўзбекистон Марказга газ, рангли ва қимматбаҳо металллар, фойдали қазилмаларни юбориб, Иттифоқ саноатининг етакчи соҳаларини таъминлабгина қолмасдан, балки унинг экспорт салоҳиятини ҳам тўлдириб борганлиги далолат беради. 1980-йилларга келиб пахта монокультурасининг қарор топиши, ерларни ҳаддан ташқари мелиорациялаш, ёппасига химиялаштириш, ўз навбатида Амударё ва Сирдарё сувларидан назоратсиз фойдаланиш Орол фожеасига олиб келди.

Марказий Осиё тарихшунослигида 1985 йилда бошланган «қайта қуриш» даврига ҳам эътибор қаратилган. Бу жараён демократлаштириш ва ошкораликнинг баъзи каналларини очиб берган бўлсада, мавжуд тузумнинг фундаментал асосларига даҳл қилмади, ва амалга ошган ўзгаришлар юзаки характерда эди. 80-йиллар охирида, Ўзбекистон Марказнинг сиёсий ҳужуми объектига айланган бир пайтда республикага партия, совет, ҳуқуқ соҳаси ва хўжалик ходимларидан ташкил топган десант юборилди. Халқнинг бой тарихи ва маданиятини билмаган ва билишни истамаган бу ходимлар, республика ҳаётини ўзларича тикиб бичдилар. Гдлян ва Иванов бошчилигидаги тергов бригадаларининг «фаолияти» натижасида, 25 минг масъул хизматчилар ва хўжалик соҳаси ходимлари судландилар. Замоनावий тадқиқотчилар архив материаллари асосида бу давр тарихини ёритиб бердилар<sup>12</sup>.

Совет даври тарихининг ўрганилиши ҳақида хулоса қилар эканмиз, шуни таъкидлаш жоизки, бизнинг XX асрдаги тарихимизнинг манзараси инкор қилиб бўлмайдиган фактлар ва ҳужжатли манбаларга асосланган. Бу тарих зиддиятли, ижобий ва салбий воқеалардан иборат. Бу совет даври замонавий тарихшунослигида аниқ акс этган. Совет даврининг турли жиҳатларига доир нашрлар бошқа хронологик босқичларга бағишланган мақолалар ва китоблар сонидан ортиқроқ. Бу яқин ўтмишга бўлган қизиқишнинг кучлилиги ва совет тарихининг

<sup>11</sup> Алимова Д.А., Голованов А.А. Узбекистан в 1917–1990 годы: противоборство идей и идеологий. Ташкент, 2002. 80 б.

<sup>12</sup> Юнусова Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар (XX аср 80-йиллари мисолида). Тошкент, 2009. 48-б.

хар қандай масаласини ҳеч қандай чекловларсиз холис ёритиш имкони мавжудлиги билан изоҳланади. Ҳозирда, тарихчилар совет даврига оид очиқ архив материалларидан тўла фойдалана оладиган даврда, биринчи ўринга ҳаққонийлик, холислик чиқиши керак. Бу дегани плюс ёки минусларга олмаган ҳолда совет даври тарихини ўрганиш зарур.

ДАЛИМОВА

### ЎЗБЕКISTONNING SOVET DAVRI TARIXIGA ZAMONAVIY BAҲOLAR: ANʻANAVIYLIK DARAJASI VA YANGI TENDENSIYALAR

Мақолада Ўзбекистоннинг совет даври тарихини баҳолашда тарихчилар турли гуруҳларининг ёндошувлари ва муносабатларини ўз ифодасини топган. Муаллиф совет даври тарихини ўрганишдаги муаммолар доирасини аниқлаб, уни тадқиқ қилиш тамойилларини белгилаган. Шунингдек, бу даврни ёритишдаги асосий тамойил архив материалларини ҳаққоний талқин қилиш, холислик бўлиб, ижобий ва салбий томонларга олмаган ҳолда ёндошиш керак деган хулосага келган.

*Калит сўзлар:* Октябрь революцияси, миллий-озодлик, босмачилик, совет, ҳокимият, жамоалаштириш, қатағон, тарихий онг, мафкура, турғунлик, қайта қуриш, Орол, пахта.

ДАЛИМОВА

### СОВРЕМЕННЫЕ ОЦЕНКИ СОВЕТСКОГО ПЕРИОДА УЗБЕКИСТАНА: СТЕПЕНЬ ТРАДИЦИОНАЛИЗМА И НОВЫЕ ТЕНДЕНЦИИ

В статье дана современная оценка и освещены новейшие подходы к изучению истории Узбекистана советского периода. Проведенный анализ имеющейся научной литературы позволил выделить три группы авторских подходов, преобладавших в исследованиях последних 25-ти лет в отечественной исторической науке. В частности, новейшей интерпретации и переосмыслению подвергнуты такие исследовательские проблемы, как октябрьский переворот и восприятие его местным населением, коллективизация, репрессивная политика, советская власть и национальные традиции, Узбекистан в годы Второй мировой войны, перестройка и ее последствия и др.

D. ALIMOVA

### MODERN EVALUATIONS OF THE SOVIET PERIOD OF UZBEKISTAN: DEGREE OF TRADITIONALISM AND NEW TRENDS

This article gives modern estimates and highlights the latest approaches to studying the history of Uzbekistan in the Soviet period. The analysis of the available scientific literature made it possible to distinguish three groups of authorial approaches that prevailed in the studies of the last 25 years in the national historical science. In particular, such research problems as the October coup and its perception by the local population, collectivization, repressive politics, Soviet power and national traditions, Uzbekistan during the Second World War, perestroika and its consequences, etc. have been subjected to the newest interpretation and reinterpretation.

## Ш. ЭРГАШЕВ

ЗИДДИЯТЛАР ДАВРИ: ШАРОФ РАШИДОВ ИСЛОҲОТЛАР  
ВА ТУРФУНЛИК ОРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида» 2017 йил 27 мартда қабул қилинган Қарориди «Республикамизни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимоий ва ижодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ҳамда маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасини улуғлаш ҳамда таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида»<sup>1</sup> белгиланган тadbирлар тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқиши сифатида республикамиз жамоатчилиги томонидан катта кўтаринкилик билан кутиб олинди.

Ўзбекистоннинг совет даври тарихи, унинг Шароф Рашидов раҳбарлик қилган босқичи ҳам халқимиз тарихининг ана шундай катта қизиқиш уйғотувчи ва айни пайтда, ўта зиддиятли даврларидан биридир. Халқ орасида бу даврга нисбатан муносабат ҳам ўта мураккаб, ёрқин ва оғир таассуротларга бой. Шу боис Ш. Рашидов Республикага раҳбарлик қилган давр тарихини ўрганиш, унга кўпчиликни қаноатлантирадиган, объектив баҳо бериш жуда мураккаб иш ва ҳали тарихчилар, сиёсатшунослар, адабиётчи олимлардан кўп меҳнат талаб қилади.

Бу табиий ҳол, зотан Ш. Рашидов раҳбарлиги даври тарихи — бу умумий маънода ўзбек халқининг XX аср мустақилликкача бўлган даври тарихи. Бу тарих — анъанавийлик билан модернизация, миллийлик билан большевикча байналминаллик, исломий анъаналар билан коммунистик даҳрийлик ўртасидаги кураш тарихи. Бу кураш - адабиёт ва санъатни, фан ва маорифни, миллий онг ва эътиқодни, кундалик турмуш ва урф-одатларни, хуллас, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган ва бутун XX аср бўйлаб давом этган чинакам кураш эди. Бу курашнинг энг буюк натижаси ўзбек халқининг ўзлигини, ўз миллий гурурини сақлаб қолиши, Ватан деган муқаддас тушунчанинг халқ онгида чуқур илдиз отиши ва албатта, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши бўлди. Ҳеч шубҳасиз Ш. Рашидов бу курашнинг олдинги сафида бўлди ва «биз бугун тўла ишонч билан айта оламизки, Шароф Рашидов мустақиллик пойдеворига муносиб фишт қўя олган арбоблардан бири эди»<sup>2</sup>.

Ўзбекистон тарихининг энг зиддиятли — совет даври, унда кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг асл моҳиятини кўрсатишда Шароф

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.03.2017 й. ПҚ-2854-сон «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори.

<sup>2</sup> Қаранг: И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 89-б.

Рашидов шахсини ўрганиш муҳим ўрин тутди. Қарийб чорак аср давомида мамлакатни бошқаришдаги фаолияти сиёсатчи ва раҳбар сифатида унинг Ўзбекистон тарихидаги ролини англаш имконини беради. Шароф Рашидов ўз даврининг фарзанди, советлар замонининг кишиси эди. У сиёсатчи ва раҳбар, ёзувчи ва фуқаро сифатида шу замонга, унинг гоёлари ва эҳтиёжларига хизмат қилди. Аммо Ш. Рашидовнинг бутун фаолияти шундан далолат берадики, у совет тузуми, коммунистик мафкура имконият берган даражада бир умр аввало Ўзбекистон, ўзбек халқи манфаатлари учун курашди. Шароф Рашидов раҳбарлиги даврида Ўзбекистон илм-фани, адабиёти, санъати, миллий маданияти ўзининг энг юксак намуналари билан жаҳон маданиятини бойитди. Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси ўзгарди, Тошкент Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди, Навоий, Гулистон, Янгиер, Зарафшон, Учкудук каби янги шаҳарлар қад кўтарди, замонавий саноатнинг кўплаб соҳалари ҳам шу даврда шаклланди, қишлоқ хўжалигини механизациялашда катта ютуқларга эришилди, халқ фаровонлиги ошди.

Албатта, бу ўзгаришлар совет тузуми даврида, шу тузум имкониятлари доирасида амалга оширилди. Бу имкониятлар эса амалда Москвага қарам бўлган Ўзбекистон учун унчалик катта эмасди. Ривожланишнинг маълум чегара ва қоидалари ўрнатилган бўлиб, улардан четга чиқишга ҳаракат қилган раҳбарларнинг аксарияти қатағонга учрар ёки лавозимидан олинарди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги бир қатор асарларда Ўзбекистоннинг совет даври тарихи, жумладан, унинг Ш. Рашидов раҳбар бўлган босқичи ҳақида илгари ҳукмрон бўлган тасаввурлар қайта кўриб чиқилди. Бу табиий ҳол. Аммо қайта кўриб чиқиш кўпчилик ҳолларда ғалаба ва мағлубият тушунчаларининг ўрнини алмаштиришдан иборат бўлди: илгари тарихий ғалаба ва ютуқ деб қаралган барча воқеалар энди мағлубият ва фожиа сифатида талқин қилинди. Қизиғи шундаки, дастлаб бу қайта кўриб чиқиш билан асосан совет даврида улғайган, ўқиб олим бўлган, советлар даврида шу тузумни кўкларга кўтариб мақтовчи асарлар ёзган муаллифларнинг ўзлари шугулланди.

Аслида тарихнинг қайсидир воқеа ва ҳодисаларини қайта англаш, ҳатто у илгари ғалаба ҳисобланган воқеаларнинг мағлубият деб талқин қилинишига олиб келса ҳам, бу ўта муҳим ва зарурий жараён. Албатта, бундай қайта англаш холис ва фактларга асосланган бўлиши лозим. Биз совет даврига, у давр кишилари фаолиятига баҳо берганимизда, уларни қайта баҳолаганимизда бугуннинг кўзи, бугуннинг мезони билан ёндошмаслигимиз, даврнинг мураккабликларини доим ёдда тутишимиз, халқимиз тарихига жуда катта ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлишимиз лозим. Зотан, «ўтмишга нисбатан ношукурлик, нонкўрлик, беписандлик — халқимизнинг, миллатимизнинг табиатига зид»<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> Қаранг: И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 86-б.



Шу маънода Шароф Рашидов шахсига, унинг даврига баҳо беришда сўзсиз ўта қобилиятли бу улуг инсон қалбининг тўрида ўзи хизмат қилган тузумга нисбатан қандай ҳисларни асраб юрганини, ўзи билан қандай сирларни, орзу ва умидларни олиб кетганлигини билмасдан, фақат юзаки фактларга таяниб хулоса қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев айтганидек: «Шароф Рашидов ўз даврининг фарзанди эди, у мавжуд тузумга садоқат билан хизмат қилди. Аммо бедодликни қарангки, шундай одам дунёдан кўз юмганида ўзи умр бўйи ҳимоя қилган, содиқ бўлиб хизмат қилган тузум унга хиёнат қилди. Мисли кўрилмаган шаккоклик билан унинг хотирасини таҳқирлаб, жасадини кўчирдилар, оила аъзолари ва қариндош-уруғларини таъқиб этдилар. «Рашидовчилик» деган сохта иборани ўйлаб топиб, унинг хотирасини ёмонотлик қилдилар»<sup>4</sup>.

Хўш, аслида 1960–1970-йиллари Ўзбекистонда олиб борилган жуда катта бунёдкорлик ишларида, илм-фан ва маданиятнинг ривожланишида, халқ фаровонлигининг ошишида республикаимизга чорак аср раҳбарлик қилган Ш. Рашидовнинг роли қандай? «Шароф Рашидов даври»нинг натижалари нималардан иборат?

Ш. Рашидов 1950 йили республиканинг раҳбар элитаси таркибига кирди. Шу йили у Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси этиб сайланди. Ш.Рашидов ўттиз уч ёшда эди. Айтиш лозимки, собиқ иттифоқда ҳеч ким бу ёшда шундай масъулиятли лавозимга сайланмаган. Кейин, 1959 йил февралда Ш.Рашидов Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи секретари лавозимига сайланди. Шу кундан Ўзбекистонда деярли чорак асрлик «Шароф Рашидов даври» бошланди. Бу давр юқорида айтилганидек, Ўзбекистон тарихининг ўзига хос шонли ва айни пайтда мураккаб даври бўлди.

Ш. Рашидов ўз сиёсатига Ўзбекистон ва Марказ манфаатлари ўртасидаги мувозанатни асос қилиб олди. Бу чорак аср давомида учта совет раҳбарлари алмашди: Н. Хрущёв, Л. Брежнев, Ю. Андропов. Буларнинг ҳар бири ички ва ташқи сиёсатни кескин ўзгартиришга, Ғарб билан мусобақада тобора ортда қолиб бораётган совет тузумини ислоҳ қилишга, уни муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолишга уринди. Шахсий характери ва сиёсати бир-биридан кескин фарқ қилувчи бу раҳбарлар билан Ш. Рашидовнинг тил топиши, уларнинг сиёсатига мослашиши ва айни пайтда, ўзбек халқи, Ўзбекистон манфаатларини доим инobatга олиши, ҳимоя қилиши осон бўлмади. Агар совет давлати тарихида ўз республикасига энг узоқ раҳбарлик қилган шахслар Д. Кунаев ва Ш. Рашидов бўлса, Д. Кунаев ҳам Н. Хрущёв билан келишмасдан, 1962 йили бир марта лавозимидан озод қилинган эди.

Ш. Рашидов Ўзбекистонга раҳбарлик қилган даврда унинг аҳолиси икки баробардан зиёдроққа кўпайди, яъни 1959 йилги 8119 минг кишидан 1983 йили

<sup>4</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бир-га қураимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 343–344-б.

17087 минг кишига етди. 1959 йили Ўзбекистонда саноатнинг 70 та соҳасида 1300 та йирик завод ва фабрикалар бўлиб, улар маҳсулоти дунёнинг 41 та мамлакатига экспорт қилган бўлса<sup>5</sup>, 1983 йилга келиб саноатнинг 100 дан ошиқ соҳасида 1500 дан ошиқ йирик корхоналар маҳсулотини дунёнинг 70 дан ошиқ мамлакатларига экспорт қиларди. 1959 йили Ўзбекистондаги 31 та олий ва 85 та ўрта махсус ўқув юртларида 145,5 минг йигит ва қизлар таълим олган бўлса, 1983 йили Ўзбекистонда 43 та олий ўқув юртлари, жумладан, 3 та университетлар, 222 та ўрта махсус ўқув юртлари бўлиб, уларда қарийб 35 минг профессор-ўқитувчилар меҳнат қиларди. Катта илмий-педагогик имкониятга эга бўлган республикаимиз фақат ўз халқ хўжалиги учун эмас, бошқа республикалар ва 80 та чет мамлакатлар учун мутахассислар тайёрлади<sup>6</sup>.

1983 йилга келиб Ўзбекистонда 3,5 млн малакали ишчилар бўлиб, уларнинг катта қисмини маҳаллий миллатлар вакиллари ташкил қиларди. Бу энг жадал ўсувчи қатлам: 1959 йилдан 1979 йилгача ишчиларнинг умумий сони 2,7 марта ўсгани ҳолда, миллий ишчи кадрлар сони 3,7 марта ўсди<sup>7</sup>.

Айни пайтда, бу чорак асрда республикада пахта яккаҳокимлиги кучайди. Пахта хом ашёсини етиштириш 1958 йилги 2 млн 750 минг тоннадан 1983 йили 6 млн тоннага етди. Бу даврда қарийб 1,5 млн гектар чўл ва қўриқ ерлар ўзлаштирилиб, уларни сугориш учун ўнлаб сунъий сув омборлари қурилди, каналлар ва ариқлар қазилди. Пахта ҳосилдорлигини ошириш учун қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш кескин ривожланди. Бу жараёнлар республикадаги экологик ҳолатга, миллат соғлиғи ва халқ фаровонлигига салбий таъсир кўрсатди, Орол денгизи қуриб борди.

Ўзбекистонда етиштирилган мўл пахта ҳосилидан келадиган даромад йил сайин кескинлашиб борган иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш имконини бермади. Чунки Совет Иттифоқида нархлар буйруқ асосида шакллантирилиб, у на қиймат қонунига, на жаҳон бозоридаги нархларга боғланган эмасди. Амалда бу сиёсат пахта нархининг кулгили даражада паст бўлишига ва ўзбек деҳқонининг барқарор камбағал ҳолатига олиб келди. 1989 йилгача бир килограмм пахта хом ашёсини териб олиш учун 5 тийин ҳақ тўланиб, унга бир стакан сув берарди. Совет давлати 1990 йилгача бир тонна пахта толаси учун ўзбек колхозчисига 810 (совет)рубль тўларди, айни пайтда, мутахассисларнинг фикрича, унинг бозор нархи 2700 рублни ташкил қилган. Пахта учун бундай паст нархни ўрнатган давлат тўрт йил ичида (1984–1988) Ўзбекистонга (доллар билан рублни 1:1 ҳисоблаганда) 14,6 млрд рубль кам пул берди. Айнан шу йиллари марказий матбуот эса ўзбеклар қўшиб ёзган пахтаси учун иттифоқ фондидан 4,5 млрд рубль ноқонуний пул олди, деб бутун жаҳонга жар солди.

<sup>5</sup> Қаранг: Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. Ташкент: Узбекистан, 1974. 555-б.

<sup>6</sup> Қаранг: Ш.Рашидов. Братское сотрудничество народов СССР на этапе зрелого социализма. Ташкент: Издательство ЦК Компартии Узбекистана, 1983. 22-б.

<sup>7</sup> Қаранг: Шу асар, 32-б.

Қизиғи шундаки, большевиклар давлат тўнтаришидан олдин рус тижоратчилари бир тонна пахта хом ашёси учун ўзбек деҳқонига олтин червон пул билан 556 рубль тўлаган. Бу совет давридаги нархдан 5 баробар кўп эди. Бу ўзбек пахтакорининг меҳнати учун ҳақ тўлашнинг талончилик сиёсати эмасми? Айнан шу сиёсат Ўзбекистонда қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик каби иллатлар пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири бўлмадими?

КПСС ва Совет давлатининг миллий сиёсати Ўзбекистон миллий бойликларини уятсизларча талашга айланди. Пахта учун кам пул тўлашдан ташқари Совет давлати маҳаллий ресурсларни талашнинг ўзига хос механизмини яратди. Республика ҳудудда жойлашган 1556 та саноат корхоналарининг фақат 270 таси Ўзбекистонга тегишли эди. Ҳарбий-транспорт самолётлар ишлаб чиқарувчи ТА-ПОиЧ (Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси), вертолёт заводи, мис, олтин, уран, қўрғошин, қалай, ва бошқа рангли ва камёб металллар қазиб чиқарувчи рангли металллар комбинатлари, нефтекимё комбинатлари, газни қайта ишлаш заводлари ва бошқалар фақат марказий ҳукуматга бўйсунарди. Ҳар йили Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган олтиннинг 50% га яқини Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келарди, аммо республика бюджетига унинг қийматидан 1% и ўтказилар эди, холос. Бу талончилик механизми мустамлака характериға эға бўлиб, Коммунистик партиянинг шиори бўлган халқлар ўртасидаги «тенглик ва дўстлик»ка сира ўхшамасди. Олтин, камёб рангли металллар, уран ва бошқа стратегик хом ашё республикадан ўта махфийлик шароитида деярли текин олиб чиқиб кетиларди. Бу ҳақда маҳаллий партия ва давлат ташкилотларини огоҳлантиришни ҳам эп кўришмасди. Бундай миллий сиёсат оқибатида табиий ресурсларға бой бўлган Ўзбекистон Иттифоқда энг камбағал республикалардан бири бўлиб қолди. Ўзбекистондаги яшаш даражаси мамлакатдаги энг пастларидан бири бўлиб, аҳоли жон бошиға даромад ўртача иттифоқ даражасидан икки марта паст, СССРда бу кўрсаткич 2118 рублга, Ўзбекистонда эса 1093 рублга тенг эди<sup>8</sup>.

1990 йилға келиб СССРда етиштирилган 8 млн тонна пахтанинғ 6 млн и Ўзбекистон ҳиссасиға тўғри келарди. Совет Иттифоқида ҳукмрон бўлган режали иқтисод на иқтисодий қонунлар билан, ва на объектив шароит билан ҳисоблашмасди. Режа ҳар қандай шароитда бажарилиши шарт эди. Масалан, Ўзбекистон учун унинг имкониятларидан ошиқ даражада режа ўрнатиладди. Табиийки пахта етиштирувчи хўжаликлар учун ҳам шундай режа ўрнатилиб, уни бажаришнинг иложи бўлмасди. Оқибатда хўжалик раҳбарлари турли хил алдаш, қўшиб ёзиш ва суниистъмол ҳоллардан фойдаландилар. Чунки режани бажармаслик ишдан олиниш, партиядан ўчириш ва ҳатто жинойий жавобгарликкача олиб келарди. Албатта, бундай вазиятдан бир қисм қўли эгри раҳбарлар ўз манфаатлари йўлида ҳам фойдаланди.

<sup>8</sup> Қаранг: СиФ: Хлопковое дело в Узбекистане. Как это было (история). Часть 1-я. <http://www.centrasia.ru>

Шундай оғир шаронгда республикага чорак аср раҳбарлик қилган Ш.Рашидов мавжуд барча зиддиятларга қарамасдан, иқтисод ва маданиятнинг юксалишига, халқ фаровонлигининг ошишига катта ҳисса қўшди. Халқимиз доим чуқур ҳурмат билан хотирлайдиган бу улуғ инсон аслида ўзи садоқат билан хизмат қилган совет тузумининг қурбонига айланди. Ш. Рашидов вафотида сўнг унинг ишларига нисбатан катта ҳурматсизлик, хотирасига нисбатан адолатсизлик қилинди. Унинг бир умр қилган хизматлари инобатга олинмасдан номи фақат "пахта иши" билан боғланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан Шароф Рашидовнинг табаррук номи тикланди. Аслида халқ хотирасидан у ҳеч қачон, ўша мураккаб замонларда ҳам ўчмаган эди. Тошкентнинг марказий ва энг чиройли кўчаларидан бирига, Сирдарё вилоятидаги туманга унинг номи берилди. Ўзбекистон халқлари тарихи музейи қаршисидаги хушманзара хиёбонда — у дастлаб дафн этилган жойда унга ҳайкал ўрнатилди.

2016 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан у туғилган Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилишини ва халқимиз тарихий ҳақиқатнинг рўёбга чиқиши, адолатнинг қарор топиши сифатида олқишлаб кутиб олди.

Бугун биз мустақил юртда буюк келажакка интилиб яшаймиз. Аммо миллатнинг буюклиги аҳоли жон бошига нечта уяли телефон ёки енгил автомобил тўғри келиши билан ўлчанмайди, у жаҳон бахтлилик рейтингдаги ўрин билан ҳам белгиланмайди. Биз дунёга Муҳаммад Хоразмий ва Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний ва Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва Мирзо Бобур сингари буюкларни берган халқ, агар бугун ҳам шу буюк аждодларга муносиб авлод бўлсак, тарихга, яқин тарихимизга, ўта оғир замонда яшаб ўтган, барча қийинчиликларга қарамасдан, бизга буюк ватанни мерос қолдирган оталаримиз ва боболаримиз даврига муносабатимизни, баъзан ўта сиёсийлашган қарашларимизни ўзгартиришимиз, бу даврни қуруқ танқид қилишдан уни таҳлил қилишга, тушунишга ҳаракат қилмоғимиз лозим. Зотан, ўзининг улуғ фарзандларини асрай олган, уларнинг улкан хизматлари олдида кичик хатоларини кечира олган бағри кенг халқгина буюк бўлиши мумкин.

Ш. ЭРГАШЕВ

**ЗИДДИЯТЛАР ДАВРИ:  
ШАРОФ РАШИДОВ ИСЛОҲОТЛАР ВА ТУРФУНЛИК ОРАСИДА**

Мақолада атоқли давлат арбоби Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти у яшаган давр сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлари контекстида ёритилган. Шароф Рашидовнинг мамлакатга раҳбарлик қилган чорак аср давомида совет даврининг мавжуд барча зиддиятларига қарамасдан, иқтисод ва маданиятнинг юксалишига, халқ фаровонлигининг ошишига қўшган катта ҳиссаси аниқ мисолларда кўрсатилган.

*Калит сўзлар:* Шароф Рашидов, Ўзбекистон, XX аср, модернизация, сиёсат, «илиқлик», илм-фан, адабиёт, санъат, маданият, мактаб, таълим, билим юрти, институт, ўқитувчи.

Ш. ЭРГАШЕВ

**ЭРА ПРОТИВОРЕЧИЙ:  
ШАРАФ РАШИДОВ МЕЖДУ РЕФОРМАМИ И ЗАСТОЕМ**

В статье освещена деятельность государственного деятеля Шарафа Рашидова в контексте политических, социально-экономических коллизий его эпохи. Автор на конкретных примерах сложного и неоднозначного периода руководства Ш. Рашидова показывает его заметную роль в развитии науки, образования, культуры и искусства Узбекистана.

Sh. ERGASHEV

**THE ERA OF CONTRADICTIONS:  
THE SHARAPH OF RASHIDES BETWEEN REFORMS AND STOPPIES**

Sharof Rashidov's epoch was complicated and ambiguous period in the soviet history of Uzbekistan. Undoubtedly Sharof Rashidov was one of the main political figures of the 20th century who played a great role in the history of Uzbekistan. During his leadership, uzbek science, culture and art reached the world level, Tashkent became one of the cultural centers of Asia.

С. ПЎЛАТОВА

## ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТРЛАРИ СОЦИОМАДАНИЙ ЎЗГАРИШЛАР КОНТЕКСТИДА (XX асрнинг 80-йиллар ўрталари)

XX асрнинг 80-йиллар ўрталари «қайта қуриш» номи билан тарихга кирган ва Ўзбекистон маданиятида гетероген жараёнларни бошлаб берган давр бўлди. Бу йилларда жамият ҳаётининг барча соҳаларида кечган чуқур ва ялпи инқироз, табиийки, санъат ва маданиятга ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Юзага келган мураккаб социомаданий вазият ва унга хос бўлган зиддиятлар қуйидагиларда намоён бўлди.

Бир томондан, «қайта қуриш» даврининг дастлабки йиллариданоқ адабиёт ва санъат аҳлига берилган ижодий эркинлик ўз самарасини кўрсата бошлаган эди. Бу авваламбор, ижтимоий ҳаётнинг оғриқли масалалари яратилаётган асарлар мавзулари кенг спектрида салмоқли ўрин эгаллашида, шунингдек, тарихий жанрнинг ижодкорлар эътиборини олдинги даврларга нисбатан анча кўпроқ жалб эта бошлашида намоён бўлди. Совет даврида ҳатто номини ҳам тилга олиш ман этилган ёзувчилар асарларини нашр этиш бошланди, улар асосида фильмлар олинди, спектакллар қўйилди. Шу билан бирга, авваллари қатъий тақиқлаб қўйилган ислом мавзусининг ҳам санъатга кириб келиши социомаданий ҳаётдаги ўзгаришлар маҳсули эди. Булардан ташқари, совет республикалари санъатига нисбатан қиёсланганда, ижтимоий ва эстетик нигилизмнинг Ўзбекистон санъатида у қадар кенг тарқалмагани ҳам унинг ўзига хос томони ҳисобланади. Бунинг сабабларини эса, назаримизда, ижтимоий психикадаги асрлар давомида шаклланган анъанавий оилавий, диний-маърифий тарбия воситаларида сингдирилган сабр-қаноат, шукроналик руҳидан излаш тўғридир.

Айтиш лозимки, маданият ривожини мураккаб ва кўп босқичли жараён дидир. Унинг ҳолати аввало инфраструктура ва зарур институцияларни ривожлантиришга боғлиқ. Шу жиҳатдан қараганда, XX асрнинг 80-йиллар ўрталаридан бадиий ижод базасининг кенгайиши, яъни маданият ва санъат соҳаларининг бошқарувини такомиллаштирилишига йўналтирилган янги ижодий бирлашмаларнинг ташкил топа бошлаши кузатилиб, бу маданий ҳаётнинг жонлана бошлаганини кўрсатади. Бу йиллардан санъат соҳасига ёшлар орасидан истеъдодли ижодкорларнинг кириб келиши ҳам фаоллашди.

Бироқ «қайта қуриш» ўзининг бош мақсади қилиб ўзбек халқининг маданиятини ривожлантиришни, уни ҳақиқий халқ маънавиятига айлантиришни қўймаганди. «Маданиятдаги «қайта қуриш» ҳукмрон мафқуранинг ўз сиёсий барқарорлигини тиклаш йўлидаги навбатдаги уриниш эди, холос. Дарҳақиқат, «қайта қуриш» йилларида миллий маданиятлар ривожига маълум эркинликлар берилгандай бўлди, жамият ҳаётидаги «ошкоралик» ижобий ҳолат каби ҳис қилинди.

Аммо бу даврда совет давлатининг илгариги босқичлари каби мавжуд муаммоларнинг янада кескинлашуви, миллий маданиятларнинг янада кучли чекланиши, ижтимоий-маданий ҳаётда сиёсий босимнинг кучайиши ҳам кузатилади<sup>1</sup>. Ижтимоий тафаккур ривожин билан узвий боғлиқликда кечган ушбу жараёнлар санъатнинг барча турларида, айниқса, театр соҳасида яққол намоён бўлди.

Чунончи, XX асрнинг 80-йиллар ўрталарида театр соҳасидаги жараёнларни таҳлил этиш баробарида Ўзбекистон социомаданиятини барча мураккабликлари билан англаш мумкин экан, ушбу соҳа нафақат театршуносларни, балки, маданиятшуносларни, психологлари ва тарихчиларни ҳам қизиқтириши табиий. Зеро, бугунги кунда, фанлараро тадқиқотларнинг энг самарали экани мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда. Қолаверса, санъатни, жумладан, театр соҳасини тадқиқ этиш— ўша даврда яшаб, дунёқараши ўзгача қадриятлар устуворлигида шаклланган, ижтимоий ва табиий борлиққа нисбатан ўзига хос қарашларга эга бўлган инсонлар онгида содир бўлган маданий ва ментал ўзгаришларни ва давр мураккабликларини чуқурроқ тушунишга, мухтасар айтганда, Ўзбекистонда социомаданий ўзгаришларни ўрганиш имконини беради.

Бу даврда, бир томондан, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар Ўзбекистон санъати, жумладан театр соҳасидаги жараёнлар динамикасида намоён бўлса, иккинчи томондан, санъат ҳам жамиятдаги ижтимоий жараёнларга бир мунча таъсир кўрсатиб, инсонлар кайфиятининг ўзига хос кўрсаткичи, индикаторига айланди.

XX асрнинг 80-йиллар ўрталарида ҳаётий зиддиятларни акс эттирувчи қатор санъат асарлари яратилиб, уларда қаҳрамонларнинг руҳий кечинмаларини, чин инсоний туйғуларни очиб бериш, инсоннинг ўз шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилишга ундаш ғоялари муҳим ўрин эгаллади. Конфликтнинг ташқи дунёдан қаҳрамонларнинг ички дунёсига кўчиши кузатилди. Жумладан, Ў. Умарбековнинг «Ўз аризасига кўра», Ш. Бошбековнинг «Тикансиз типратиканлар», М. Бобоевнинг «Гурунг» ва яна бир қатор саҳна асарларида даврнинг оғриқли нуқталари ўз аксини топган эди.

Маълумки, 1980 йилларнинг бошлариданоқ санъат ва маданиятда маданий-маънавий мерос, миллий анъаналарга қизиқишнинг ортиши ҳам кузатилди. Масалан, театр соҳасида ушбу тенденция дастлаб XX аср бошларида шаклланган майдон театрига хос услубдаги миллий томоша санъати анъаналарига мурожаатда намоён бўлди.

Бу даврда Ўзбекистон санъатини тавсифлайдиган яна бир жиҳат, юқорида қайд этилганидек, аввал тақиқланган мавзулар, тарихий шахслар фаолиятига эътиборнинг ошиши бўлди. Масалан, театр соҳасида тарихий драма ва унинг саҳнавий талқинларидаги янгича ёндашув асосида буюк ўзбек саркардалари Жалололдин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур сиймолари гавдаланти-

<sup>1</sup> Акбаров Қ.Е. Ўзбекистоннинг XX аср сўнги чорагидаги маданияти (Фарғона водийси мисолида). Тошкент, 2008. 14-б.

рилди. Жумладан, Ш. Холмирзаевнинг «Қора камар» асари авваллари «Босмачилик» деб таъғаланган ҳаракатнинг асл моҳиятини очиб берган илк асар сифатида тарихга кирди.

1980-йилларнинг охири — 1990-йиллар бошларига келиб, чуқурлашиб бораётган инқирозни енгиш, жамият тараққиётининг янги йўларини излаш барчанинг, энг аввало зиёлилар эътиборидаги асосий масала бўлди. Шунингдек, бу даврда ижтимоий-сиёсий ҳаётда бошланган демократлаштириш жараёнлари театр ҳаётини ҳам жонлантириб юборди. Жумладан, 1986 йилда Ўзбекистон театр жамияти қайта тузилиб, Театр арбоблари союзига айлантирилиши театр санъатидаги инқирозий ҳолатларга қарши, саҳна санъатига «қайта қуриш» имконият яратган ошкоралик ва демократияни сингдиришга қаратилгин эди. Союзнинг уставида унинг мақсад ва вазифалари хусусида жумладан қуйидагилар белгиланган эди: «Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзи — ўз-ўзини бошқариш ва ошкораликнинг демократик асосда фаолият кўрсатувчи жамоатчилик ижодий ташкилотидир ...».

Союз ... жамиятимизни олға босиши учун тўсқинлик қиладиган эскилик, қолоқлик, турғунликка қарши курашга ёрдам беради»<sup>2</sup>. Союзнинг вазифалари орасида қуйидагилар: «... театр ишини ташкил этишни янги шакллариини ишлаб чиқиш ва эксперимент изланишлар олиб бориш, ... маданият бошқармаларининг театрлар фаолияти соҳасидаги асосиз ва санъатдан йироқ қарорларини амалга оширишни мавжуд қонунчиликка таянган ҳолда тўхтатиб қўйиш, театр коллективлари ҳаётида демократизм ва ўз-ўзини бошқариш принципларини ривожлантириш белгиланган»<sup>3</sup>. Дарҳақиқат, Б. Қориева бошчилик қилган Театр арбоблари союзининг фаолияти анча самарали кечиб, бу аввало унинг ташкилотчи сифатида қатнашган турли фестиваллар ишида ҳам намоён бўлди. Ўша йилларда Ўзбекистон театр санъатининг юксак даражаси хорижда ҳам тан олинди.

«Қайта қуриш» йилларида вужудга келган янги имкониятлар туфайли Ўрта Осиё минтақаси театрларининг «Наврўз» фестивали ўтказила бошланди. Шу вақтгача бир-бирларининг ижодлари билан фақат марказ, яъни Москва орқалигина таниша оладиган қўшни республикалар театрлари, энди фестивал востасида бундай имкониятга эга бўлишди. Ўзбекистон театр санъати мазкур фестивалларда жуда юқори баҳоланди, шунингдек, Театр союзлари халқаро конфедерациясининг махсус соврини ҳам Ўзбекистон театри вакилларида топширилди.

XX асрнинг 80-йилларидаги социомаданий ўзгаришлар таъсирида ижодкор зиёлилар ўртасида давр руҳига монанд равишда янгиликка интилиш, мавжуд тартибларни ислоҳ этиш, турли шаклдаги экспериментларга мойиллик кайфияти устунлик қилиб, театр соҳасида ҳам бу тенденциянинг кучайиши кузатилади. Ушбу давр мураккаб бир ижтимоий шароитда эски тартибда ишлайди-

<sup>2</sup> Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1987 йил, 13 март, №11. 6-б.

<sup>3</sup> Ўша жойда.



ган театрларда иш бошлаб, мавжуд сахналаштириш ва ижро услубидан қониқмай, янги воситалар излаган ижодкорларнинг фаолияти билан ҳам характерланади. Ўзбек давлат драма театри жамоасидаги бўлинишни таниқли театршунос И.А. Мухторов социомаданий характердаги муаммолар билан боғлиқ ҳодиса сифатида баҳолаб, унинг натижасида вужудга келган ижодий рақобатнинг соҳада бошланган инқирозий ҳолатни бартараф этишга хизмат қилганини таъкидлайди<sup>4</sup>. Шу каби, 1988 йилда бир жойда депсиниб қолган Андижон вилоят театри фаолиятдан қониқмаган Маннон Хамидов бошчилигида 14 та ижодкор ажралиб чиқиб, «Истиқбол» театр-студиясини ташкил қилиши ҳам ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларнинг акс-садоси эди.

Чунончи, театр-студиялар фаолиятини ҳам ўша кезлардаёқ маданиятда қатъий ўрнатилган марказлаштиришга қарши қаратилган жараёнларнинг илк кўриниши, ижтимоий-сиёсий ҳаётда бошланган демократлаштиришнинг театр санъатига ижобий таъсири сифатида талқин этиш мумкин. Гарчи илк «Илҳом» театр-студияси 1976 йилдаёқ ташкил топган бўлса-да, қатор театр-студиялар айнан 1980–1990 йилларда вужудга келди. Юқорида қайд этилган Андижондаги «Истиқбол» театр-студиясидан аввалроқ Қарши шаҳрида «Мулоқот», сўнгра «Эски мачит», кейинчалик эса Тошкент шаҳрида «Дард» театр-студиялари юзага келиб, улар ҳам ташкилий, ҳам ижодий жиҳатдан янгича шаклга эга эдилар<sup>5</sup>.

Театрларда кичик сахналар ҳамда «фойедаги театр»ларнинг пайдо бўлиши ҳам «қайта қуриш» йилларида жамият ҳаётининг барча соҳаларида янги ташкилий шаклларни излаш каби жараённинг яна бир кўриниши бўлди. Аслида илк бор «фойедаги театр» тажриба сифатида 1983 йилда Ўзбекистондаги Навоий номидаги опера ва балет академик катта театрида, сўнгра М. Горький номи рус драма театрида пайдо бўлган эди. Бу тажриба муваффақиятли бўлиб, натижада ёш режиссёрлар, драматурглар, актёрлар ўзларини намоён қилиши, ўша даврнинг долзарб мавзуларини сахнага олиб чиқиб, янги бадиий талқинларни қидириш имкониятига эга бўлдилар. Спектакль давомида томошабинни ижодий жараёнга жалб этиш эса театр санъатига, аввало ёшлар орасида қизиқишнинг ортишига олиб келди. Ушбу тажрибанинг муваффақияти сабабли 1985 йилда Ҳамза номи Ўзбек давлат академик театрида ҳам кичик сахна очилди. 1985 йилда илк бор бу театрда У. Назаровнинг «Ойна» спектакли кўйилди ва уни 740 киши томоша қилди. 1986 йилда шу билан бирга Т. Уильямснинг «Стекланный зверинец» спектаклини 783 киши томоша қилди<sup>6</sup>.

<sup>4</sup> Мухтаров И.И. Новые интерпретации исторических сюжетов на театральной сцене//Специфика театрального процесса на ребеже 80–90-х годов XX века — Время перемен.Ташкент, 2008. 26-б.

<sup>5</sup> Мухтаров И. И. Новые интерпретации исторических сюжетов на театральной сцене ... . 26-б.

<sup>6</sup> ЎзРМДА. 2487-фонд, 3-рўйхат, 6466-йиғма жилд, 34-варақ.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу йўналишдаги барча тажрибалар ҳам муваффақиятли бўлмади. Масалан Ёшлар тажриба ижодий бирлашмасининг («МЭТО» — ЁТИБ) яратилиши ҳам театрда муқобил ташкилий шаклларни қидиришга қаратилган ҳаракат кўринишларидан бири эди. Ушбу бирлашма Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг 1987 йил 17 августдаги №381 рақамли буйруғига кўра «маданият ва санъат соҳасида мутахассисларни тайёрлашни яхшилаш ҳамда таълим, ижтимоий соҳа ишлаб чиқаришни ва аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматларнинг интеграциясига эришиш мақсадида» тузилган бўлиб, унинг тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи қоплаш тамойили асосида мустақил юридик шахс сифатида фаолият кўрсатиши назарда тутилган эди. ЁТИБ таркибига 3 та театр — кўғирчоқ, мусиқали ва бадий салон киритилган эди<sup>7</sup>. Бироқ бу тажриба амалга ошмади — уюшма бирор муддат ҳам фаолият кўрсатмай, тарқалиб кетди.

Шунингдек, ўрганилаётган даврда санъат ва маданият олий ўқув юртлирида мутахассис тайёрлаш даражаси ҳам талабга жавоб бермай қолди. Масалан, 1982—1986-йилларда ижодий фаолият билан боғлиқ ўқув масканларини 3500 талаба битирган бўлса-да, улардан 1500 таси ижод билан боғлиқ муассасаларда ишламаган. 1976—1986 йилга қадар ўтган 10 йил ичида олий ўқув юртини 72 та режиссёр битирган бўлса ҳам, уларнинг ярми ўз мутахассислигига кўра лавозимида ишламаган, мустақил спектакллар қўйиш ҳуқуқи бўлмаган ёки умуман санъат соҳасидан ташқарида эди. 1986 йилгача ўтган 3 йил давомида Москвадаги санъат олийгоҳи — ВГИК ни битириб келган 18 та актёр ва режиссёрлар деярли ижодий фаолиятдан четда қолишди<sup>8</sup>. Натижада ана шу танқисликнинг акс-садо-си сифатида актёрлар ва драматургларнинг ўзидан спектакль саҳналаштиришга уринишлар бўлиб, улардан айримлари катта муваффақиятларга эришишди.

«Қайта қуриш»нинг илк йилларидаёқ театр соҳасида кўп йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар юзага қалқиб чиққани туфайли, ҳукумат томонидан уларни ҳал этишга қаратилган қарорлар қабул қилинди. Қисқа вақт ичида — 1986 йилнинг март—июнь ойларининг кесимидаёқ мазкур масалага тааллуқли бир неча қарорлар қабул қилинди. Масалан, 1986 йилнинг 1 мартдаги № 261-р-сон ҳукумат қарори (КПСС МК ва СССР МС нинг) театрлар, концерт ташкилотлари ва бадий коллективлар ижодий жамоаси таркибини шакллантиришнинг тартиби ҳақида бўлиб, у театр-томоша муассасалари фаолиятида демократик асосларни мустақкамлашга, ижодий персонални сифат жиҳатидан мустақкамлашга қаратилган эди.

Шунингдек, 1986 йилнинг 26 мартдаги ҳукумат қарори (КПСС МК ва СССР МС нинг) адабиёт ва санъат соҳаси ходимларининг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида қабул қилинган бўлиб, ёш мутахассисларни бир жойда муқим, доимий ишлашларига йўналтирилган эди.

<sup>7</sup> ЎзРМДА. 2487-фонд, 3-рўйхат, 6466-йиғма жилд, 34-варақ.

<sup>8</sup> ЎзРМДА. 2487-фонд, 3-рўйхат, 6466-йиғма жилд, 15-варақ.

Хукуматнинг 1986 йилнинг 10 апрелдаги (КПСС МК ва СССР МС нинг) «мамлакатда концерт фаолиятини мустақкамлаш ва концерт ташкилотларининг моддий-техника базасини мустақкамлаш ҳақида»ги № 442-сон қарори ёш иж- рочилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мисолларини ҳам қамраб олган эди.

1986 йилнинг 2 июндаги ЎзССР Министрлар Советининг «ЎзССР Мадани- ят вазирилик тизимида моддий-техник базани ва ижтимоий шароитни яхши- лаш» ҳақидаги № 261-р-сон қарори ҳам ижодий жамоалар фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратишда аҳамиятли бўлди.

Гарчи, маданият, санъатдаги, шу жумладан театр соҳасидаги оғир аҳволни тузатишга қаратилган маълум бир қарорлар қабул қилиниб, тadbирлар белги- ланган бўлса-да, маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими ва мавжуд шарт-шароит уларнинг ижросини таъминлай олмади. Ушбу қарорларда эълон қилинган ечимлар эса фақат декларатив характерга эга бўлиб, фақат қоғоздагина қолиб кетар эди. Амалга ошириш мумкин бўлган тadbирлар ҳам аксарият ҳолларда улардан кутилган самарани бермади.

Авваламбор театрларнинг иқтисодий ночорлиги катта муаммоларни юзага келтирди. Масалан, 1987 йил учун ажратилган маблағлар 1986 йилга қараганда концерт ташкилотлари учун 656,6 минг рублга кўпайган бўлса, театрларга 205,5 рублга оширилди<sup>9</sup>. Бу эса ҳатто театр биноларини талаб даражасида сақлаш имкониятини бермасди. Театрлар ва концерт залларининг ярми томоша учун мослаштирилган биноларда жойлаштирилган бўлиб, уларнинг кўпчилигида те- атр учун зарур махсус хоналар етишмасди.

Театрларнинг моддий-техника базасининг сустиги сабаб 1987 йилда театр биноларининг аҳволига кўра ёнғин хавфсизлиги ташкилотлари томонидан Фар- гона театри ва Нукус ёш томошабинлар театри, Ҳ. Олимжон номли Самарқанд театрлари ёпиб қўйилди. Бу йилларда Свердлов номли концерт зали ҳам таъ- мирланиши лозимлиги сабабли ишламади. Шуни ҳам кўрсатиш жоизки, Свер- длов номли концерт залининг таъмирланиши туфайли ўзида 21 та ижодий жамоани бирлаштирган М. Қори-Ёқубов номли Ўздавлат филармонияси қийин аҳволда қолди. Шундай қилиб, 1987 йилнинг ўзида театрлардаги 4383 ўрин, яъни 23% га камайди<sup>10</sup>.

Театр биноларининг аксарияти таъмир талаблигини назарда тутиб, санъат- корлар: «Бугунги хароба театрга келаётган ҳар бир бола ҳисобига келажакда биттадан томошабинни йўқотмоқдамиз», — деганларида ҳақ эдилар.

Саҳна санъати хизматчиларини муносиб уй-жой, маиший шароит билан ҳам таъминлаш ўтқир масалалигича қолганди. 1986 йилнинг 1 июлида маълумо- тига кўра концерт ва театр ташкилотларида меҳнат қиладиган барча ходимлар- нинг сони 5641 бўлиб, уларнинг 900 дан ортиғи уй-жойга муҳтож бўлган. Айниқса вилоятларда — Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида аҳвол мураккаб эди. Концерт ва театр ташкилотларида меҳнат

<sup>9</sup> ЎзРМДА. 2487-фонд, 3-руйхат, 6593-ийғма жилд, 15-варақ.

<sup>10</sup> ЎзРМДА. Ўша жойда.

қиладиган барча ходимларнинг иш ҳақи пастлиги эса аҳволни янада мураккаб-лаштирди. 1985 йилда уларнинг ойлик маоши 115 рублни ташкил этиб, бу ишчи ва хизматчиларнинг ойлигидан анча кам эди.

Б. Абдурахимов бу давр театр санъати ҳақида: «... саҳна шиддат билан кечаётган воқеалар ортидан улгуролмай қолди. У ё томошабоплик, ё хусусий умумлаштириш томонга оғиб кета бошлади. Оғриқли нуқталар эса айблов нуқтаи назаридан акс эттириларди»<sup>11</sup> — деб ёзган. Натижада театр ва томошабин, репертуар муаммолари кучайди. Республика театрлари ўз томошабинини йўқота бошлади. Масалан, 1990 йилда композитор М. Юсупов театр санъатининг аҳволига бағишланган бир давра суҳбатида: «Илгари Хоразмда кичкина бир театр бўлиб, у доим томошабин билан тўлиб-тошиб кетарди. Энди Урганчда улкан театр қурилди. Ҳозир қарасангиз, зал доим бўм-бўш»<sup>12</sup>, — деган эди. Ўзбекистон миқёсида эса республика аҳолисининг 2/3 қисми театрларга бормасди<sup>13</sup>. Масалан, 1985 йилда Ўзбекистондаги 30 театрга 4802 минг томошабин ташриф буюрган бўлса, бу рақам 1989 йилга келиб 4387 мингга тушиб қолди. Театр коллективлари маблағ топиш мақсадида кўпроқ концерт дастурлари билан вилоятларга чиқишларига тўғри келди. Бу эса, табиийки, ижодий жараёнга салбий таъсир кўрсатди ва шу сабабдан 1989—1990 йилларда ҳаммаси бўлиб 43 та саҳна асари яратилди, холос<sup>14</sup>.

Томошабинни театрдан бездирган сабаблардан яна бири — ўша йилларда жамиятда ҳукм сурган беқарорлик ва нигилистик кайфиятнинг акс-садоси сифатида театрлардаги носоглом муҳит эди. Қайта қуриш йилларида Ўзбекистон Театр арбоблари союзи раиси Б. Қориева бу ҳақда: «... баъзи театрларимизда аҳвол яхши эмас. Ҳақиқатан ҳам Ҳамза ва Алишер Навоий номидаги академик катта театрларимизда қачонлардан буён давом этиб келаётган майда-чуйда гап-сўзлар, гуруҳбозликлар ушбу санъат масканларидаги ижодий муҳитга соя ташлаб турибди. Бир вақтлар санъатимизнинг фахри бўлган бу театрлар бугунги кунга келиб томошабинга том маънода маънавий озуқа беришга қодир саҳна асарлари яратишда сусткашлик қилмоқдалар», — деган эди<sup>15</sup>.

Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бир қатор театрлар учун томошабинни жалб қилиш катта муаммога айланган бир вақтда, А. Ҳидояттов номли театр, Фаргона театри, М. Горький номли театр ҳамда «Илҳом», «Мулоқот», «Дард» театр-студияларнинг спектаклларига қизиқиш ниҳоятда юқори бўлган. Бунга сабаб эса халқимиз узоқ йиллар давомида меъдасига теккан стандарт ечимга эга томошалардан кўра, спектакллари янги бадиий услубда қўйишга интиланган ва ҳаммиша ижодий изланишда бўлган театрларни афзал кўрганида эди.

<sup>11</sup> Абдурахимов Б. Социодинамика художественной культуры Узбекистана: XX век. Ташкент, 2000. 29-б.

<sup>12</sup> Мулоқот. 1991. №5. 18-б.

<sup>13</sup> Абдурахимов Б. Ўша жойда.

<sup>14</sup> Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991, 29 март.

<sup>15</sup> Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1986, 10 октябрь.

Шундай қилиб, узоқ йиллар давомида ижод эркинлигини чеклаб қўйилиши, турфа фикрлиликни тақиқланиши, ижод соҳасида ягона стандартларнинг ралаштирилиши оқибатида маданиятнинг барча соҳаларида, жумладан, театр соҳасида ҳам турғунлик ва инқироз содир бўлди. Шу билан бирга, ижтидини кадриятларини улуглашга, миллий анъаналар, урф-одатлар ва маданий даги ўзгаришлар маҳсули эди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, айнан XX асрнинг 80-йиллари ўртасида социомаданий ўзгаришлар таъсирида ижодкор зиёлилар орасида янгиликка интилиш, мавжуд тартибларни ислоҳ этиш, турли кўринишдаги экспериментларга мойиллик кайфияти устунлик қилиб, театр соҳасида ҳам бу тақатлари билан Ўзбекистон санъатида муносиб асарлар яратилди.

Бироқ, жамият ҳаётининг барча соҳаларида кечган ялпи инқирознинг намоён бўлиши, ҳукумат томонидан соҳага оид қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилмай, декларатив характер касб этиши, миллий маданиятимизнинг, хусусан, театрларнинг иқтисодий ночорлиги, маданият ходимлари ойлик маошининг пастлиги, жамиятдаги беқарорлик ва нигилистик кайфиятнинг таъсири оқибатида маданиятдаги, жумладан театр санъатидаги ижобий тенденциялар ривожини локал характер касб этишига сабаб бўлди.

С. ПУЛАНОВА

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТРАРИ СОЦИОМАДАНИЙ ЎЗГАРИШЛАР  
КОНТЕКСТИДА (XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАР ЎРТАЛАРИ)**

Мақолада XX асрнинг 80-йиллар ўрталарида Ўзбекистон театр санъати ми-солида социомаданий жараёнлар ёритилган. Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзга-ришлар ўзбек театр санъатидаги жараёнлар динамикасида намоён бўлиши, «қайта қуриш» йилларида вужудга келган ижодий эркинлик ва янги имкониятлар, маданият соҳасига оид қабул қилинган қарорлар ва уларнинг декларатив харак-тер касб этганлиги кўрсатилган.

*Калит сўзлар:* Ўзбекистон, «қайта қуриш», «ошкоралик», маданият, исло-ҳот, театр, спектакль, саҳна асари, мафкура, санъат, маънавият, социомадани-ят, ижодий эркинлик, режиссёр, театр-студиялар, миллий.

С. ПУЛАНОВА

**ТЕАТРИ УЗБЕКИСТАНА В КОНТЕКСТЕ СОЦИОКУЛЬТУРНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ  
(СЕРЕДИНА 80-Х ГОДОВ XX ВЕКА)**

В статье освещаются социокультурные процессы в Узбекистане середины 80-х годов XX века на примере театрального искусства. Изменения в социально-политической жизни общества повлияли и на динамику процессов в узбекском театральном искусстве, в так называемые годы «перестройки» стала возможной творческая свобода. В эти годы были приняты специальные постановления в области культуры, однако большинство из них не были реализованы и носили декларативный характер.

S. PULANOVA

**UZBEKISTAN THEATERS IN THE CONTEXT OF SOCIOCULTURAL CHANGES  
(80'S OF XX CENTURY)**

The article highlights the socio-cultural processes in Uzbekistan in the mid-1980's on the example of theatrical art. Changes in the socio-political life of the society influenced the dynamics of the processes in the Uzbek theater art, during the years of «perestroika» opportunities for creative freedom were opened. In these years, special regulations were adopted in the field of culture. However, most of them were not realized and had a declarative character.

## ТАРИХШУНОСЛИК

Б. ОДИЛОВ

XIX АСР ОХИРИ — XX АСР БОШЛАРИГА ОИД АДАБИЁТЛАРДА  
ТУРКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ

XIX аср иккинчи ярмидан Россия империяси Туркистон ўлкасини ҳар томонлама ўрганиш учун ҳарбий инженерлар, географ, топограф, архитектор, ирригатор, агроном, археолог, шарқшунос каби турли соҳа мутахассисларини юбора бошлади. Улар ўлканинг табиати, иқлими, қазилма бойликлари, ер тuzилиши ва тупроқ таркиби шунингдек, Туркистон аҳолисининг XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларидаги этник таркиби, турмуш тарзи, хўжалик фаолиятига доир маълумотларни тўплаб, илмий жиҳатдан тадқиқ эта бошладилар. Жумладан, ўлка халқларининг тарихи, этник таркиби, турмуш тарзи ва хўжалик фаолияти борасида А.Д. Гребенкин, А.П. Хорошхин, В.П. Наливкин, А.Ф. Миддендорф, К. Пален, А.И. Шахназаров, В.В. Бартольд, М.С. Андреев, Н.П. Остроумов, Н.С. Ликошин, П.Н. Пантусов, А.И. Вилькинс, В.Ф. Ошанин каби тарихчи ва шарқшуносларнинг асарлари, даврий нашрларда чоп этилган мақолалари шулар жумласидандир. Бу даврда ўлка халқларининг анъанавий хўжалиги, турмуш тарзини ёритувчи этнографик характердаги асарларни қуйидаги туркумларга ажратган ҳолда ўрганиш масалага чуқурроқ ёндошиш имкониятини беради. *Биринчи туркумга*<sup>1</sup> Туркистон халқларининг турмуш тарзи ҳамда хўжалик юритиш шакллари ҳақидаги умумий маълумотлар акс этган адабиётлар; *иккинчи туркумга*<sup>2</sup> анъанавий деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчи-

<sup>1</sup> Гребенкин А.Д. Узбеки. Русский Туркестан. Сборник, изданный по поводу политехнической выставки, вып. 2. Москва, 1872. 105–106-б.; Хорошхин А.П. Историко-этнографические этюды. Народы Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1871, № 1.; Ўша муаллиф. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. С-Пб., 1876; Ўша муаллиф. Кызыл-кумский дневник // Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. Спб., 1876. 398-402-бетлар; Ўша муаллиф. Узбеки Кенегезь // Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. С-Пб., 1876. 516–519-б.; Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. Казань, 1886. 20–21-б.; Наливкин В.П., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886.; Наливкин В. Опыт исследования песков Ферганской области. Новый Маргелан, 1887.

<sup>2</sup> Наливкин В.П. Очерки земледелия в Наманганском уезде. Туркестанские ведомости. 1880. №11–29.; Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины С-Пб., 1882. 606 б.; Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. С-Пб., 1882. 512 б.; Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. Сочинения. Москва, 1965. 97–335-б.;

лик соҳалари махсус тадқиқ этилган асарлар; *учинчи туркумга*<sup>3</sup> бу даврда маҳаллий халқлар ҳўжалигида, турмуш тарзида юз берган ўзгаришларни акс эттирувчи расмий ҳисоботлар ва статистик маълумотлар.

Туркистон ўлкасида истиқомат қилувчи халқлар ва уларнинг турмуш тарзи, ҳўжалик юритиш шаклларига оид айрим умумий маълумотларни берувчи ишлар таркибига бир қанча асарларни<sup>4</sup> киритиш мумкин. Ушбу тадқиқотлар ўз даврида мавжуд бўлган даврий нашрларда мақола сифатида чоп этиб борилган ва кейинчалик уларнинг айримлари<sup>5</sup> умумлаштирилиб ягона тўплам ҳолига келтирилган.

Улар орасида А.Д. Гребенкиннинг «Ўзбеклар» номли мақоласи маълум илмий ва назарий аҳамиятга эга<sup>6</sup>. Муаллиф ўлкада кўпчиликни ташкил этувчи ўзбекларнинг турли уруғ-жамоаларини Зарафшон округи, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси аҳолиси ва Хоразм воҳаси ўзбеклари, қорақалпоқларининг этник таркиби, қабилавий бўлиниши, аҳоли манзилгоҳлари бўйлаб тарқалиши масалаларини ёритиш баробарида, ўзбекларнинг ҳўжалиги масалаларини умумий тарзда бўлсада ёритиб ўтади. Хусусан, ўзбек халқининг XIX аср иккинчи ярми давридаги ҳаёти, турмуш тарзи ҳақида А.П.Хорошхин қимматли соф этнографик маълумотларни келтириб ўтади<sup>7</sup>. Муаллиф ўз асарларида кўпроқ маҳаллий халқларнинг турмуш тарзини яққол кўрсатувчи деҳқончилик, чорвачилик, суғориш анъаналари, ярим ўтроқ ва ўтроқ аҳоли ҳаёти, уларнинг ўзига хослиги, солиқ ва вақф мулкларининг аҳволи каби масалаларни ёритиб берган.

<sup>3</sup> Гребенкин А.Д. Родословная Мангитской Династии // Материалы для статистики Туркестанского края. Ташкент. 1874. Вып. 3. 340–376-б.; Пален К.К. Орошение в Туркестане (Отчет по ревизии Туркестанского края). С-Пб., 1910. XXVI.; ўша муаллиф. Поземельно-податное дело (Отчет по ревизии Туркестанского края). С-Пб., 1910. 598 б.; ўша муаллиф. Характеристика народного хозяйства в Туркестане (Отчет по ревизии Туркестанского края). С-Пб.: Сенатская типография, 1911. 598 б.

<sup>4</sup> Гребенкин А.Д. Узбеки. Русский Туркестан. Сборник изданный по поводу политехнической выставки, вып. 2. Москва, 1872. 105–106-б.; Хорошхин А.П. Историко-этнографические этюды. Народы Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1871, № 1.; ўша муаллиф. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. С-Пб., 1876.; ўша муаллиф. Кызылкумский дневник // Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. С-Пб., 1876. 398–402-б.; ўша муаллиф. Узбеки Кенегезь // Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. С-Пб., 1876. 516–519-б.; Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. Казань, 1886. 20–21-б.; Наливкин В.П., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань, 1886.; Наливкин В. Опыт исследования песков Ферганской области. Новый Маргелан, 1887.

<sup>5</sup> Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. С-Пб., 1876. 27–50-б.

<sup>6</sup> Гребенкин А.Д. Узбеки. Русский Туркестан. Сборник, изданный по поводу политехнической выставки, вып. 2. Москва, 1872. 105–106-б.;

<sup>7</sup> Хорошхин А.П. Историко-этнографические этюды. Народы Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1871, № 1.; ўша муаллиф. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. Спб., 1876.; ўша муаллиф. Кызылкумский дневник // Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. С-Пб., 1876. 398–402-б.



Айтиш жоизки, А.П. Хорошхин ўзининг «Сборник статей, касающихся до Туркестанского края»<sup>8</sup> номли асарида Кўқон бозори ҳақида бир қанча маълумотлар келтириши баробарида ўзбек халқи томонидан етиштирилган деҳқончилик махсулотлари хусусида ҳам тўхталиб ўтади<sup>9</sup>. Тадқиқотчининг ушбу ишида ўзбек халқининг деҳқончилик анъанасини ёритиш асосий мақсад бўлмасада, бозорда сотилган деҳқончилик махсулотларининг турлари ва сифат даражалари ҳақидаги маълумотлар ўша давр деҳқончилик маданияти даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

В. Наливкин ва М. Наливкиналар Фарғона водийсида кўп йиллар яшаб, аҳолининг тили, хўжалиги, турмуш тарзи одат ва анъаналарини анча яхши ўрганиб бир қатор илмий асарлар яратганлар<sup>10</sup>. Шу ўринда В.Наливкин ўз кузатувлари, маҳаллий аҳоли билан суҳбатлар асосида ёзиб қолдирган бир қанча қизиқарли маълумотларни алоҳида таъкидлаш жоиздир<sup>11</sup>. Муаллиф ўз асарларида Фарғона водийси аҳолисининг этник таркиби, хўжалик фаолияти, урф-одат ва маросимларини ёритишга ҳаракат қилган. Асарларда жуда кўп қизиқарли маълумотлар мужассамлашган. Аммо ушбу муаллифларнинг асарларида маҳаллий халқларнинг турмуш тарзи, хўжалик-маданий анъаналарини нотўғри талқин қилиш, тарихий воқеалар, айрим урф-одат ва маросимларнинг мазмун-моҳиятини яхши англаб етмасдан хато маълумотларни келтириш ҳолатлари ҳам учрайди. Жумладан, уларнинг «Кўқон хонлигининг қисқача тарихи»<sup>12</sup> номли асари гарчи маҳаллий манбаларга асосланиб ёзилган бўлса-да, айрим ўринларда тарихий воқеалар бузиб талқин қилинган, маҳаллий халқларнинг турмуш тарзига оид материалларга бир томонлама ёндошганлиги сезилиб туради. Муаллиф Фарғона водийсида суғориш тизимини шаклланиши хусусида тўхталиб, А.Ф. Миддендорфнинг «Очерки Ферганской долины» асарида келтирилган водийда суғориш тизими минг йиллардан буён ривожланиб келаётганлигини аниқлатувчи фикрларини танқид қилиб, ўрта асрларда суғориш тизимини бир қисмигина сақланиб қолганлигини изоҳлашга ҳаракат қилади<sup>13</sup>. Ҳолбуки, ўрта асрларда юз берган сиёсий жараёнлар суғорма деҳқончилик ривожига салбий таъ-

<sup>8</sup> Унинг ушбу китоби жами 533 бетдан иборат бўлиб, 29 та мақолани ўз ичига олади. Туркистон шаҳри Казалинскдан Тошкентга боришда Ўрта Осиёнинг биринчи шаҳри дея таъриф беради. Туркистон ва Ўрта Осиёнинг деярли барча шаҳарларини боғлар ўраб туради. Боғ орасида катта қурилишбоп тераклар гўзал ҳошия бўлиб туради.

<sup>9</sup> Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся до Туркистанского края... . 41-б.

<sup>10</sup> Наливкин В.П. Очерки земледелия в Наманганском уезде // Туркестанские ведомости. 1880. №28.; ўша муаллиф. Торговля пригонными баранами в Наманганском уезде // Туркестанские ведомости. 1880. № 49.; ўша муаллиф. Киргизы Наманганского уезда // Туркестанские ведомости. 1881. № 20; Наливкин В.П., Наливкина М. Очерк быта женщин туземного оседлого населения Ферганской долины. Казань, 1886. 97-б.

<sup>11</sup> Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. Ташкент, 1913. 178-210-б.; ўша муаллиф. Краткая история Кокандского ханства. Казань, 1886. 120-131-б.

<sup>12</sup> Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. Казань, 1886. 20-95-б.

<sup>13</sup> Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. ... 26-б.

сир кўрсатганлиги барчага аён. Лекин, бу анъанавий суғориш усуллари унитилди дегани эмас, албатта. Маълумки, ҳар қандай халқнинг этномаданий хусусиятлари унинг ҳўжалик хусусиятларига қараб шаклланади. Ўзбек халқининг аж-додлари узоқ тарихий тараққиёти давомида деҳқончилик, хунармандчилик ва чорвачилик ҳўжалигини юритиб, унинг замирида бой ҳўжалик анъаналарини шакллантириб, бу соҳаларни ривожлантирдилар. Ўзбек халқи ҳаётида ҳўжалик анъаналари орасида деҳқончилик муҳим аҳамият касб этади, чунки анъанавий деҳқончилик ўзбек халқининг миллий-этник хусусиятларини шаклланишида муҳим ўрин тутди.

XIX аср иккинчи ярмига келиб Россия империяси Ўрта Осиёдаги ер-мулкчилик муносабатларига турли ўзгаришлар киритди. Бу даврда ер ва сувга оид бир қанча қонунлар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилинади. Ҳатто, Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфман ушбу қонунларни мукамал даражада бўлишини таъминлаш мақсадида ўлкага бир қатор шарқ халқлари турмуш тарзи билан яқиндан таниш бўлган турли соҳа мутахассислари ва олимларни ҳам таклиф этади<sup>14</sup>, лекин бу ҳеч қандай ижобий натижа бермайди. Халқнинг турмуш тарзини ҳисобга олмаган ҳолда яратилган қонунлар эса амалда деярли ўзини оқламайди. Бу ҳақда А. Аминов «Ўрта Осиёда ер ва сув қонунларини яратиш билан боғлиқ масалалар мустамлакачиликнинг иқтисодий сиёсатидаги муҳим муаммоларидан бири бўлди, қонунлар яратишда эса мустамлакачилар бутунлай нотўғри йўлдан кетди»<sup>15</sup>, — деб таъкидлаган эди.

XIX асрнинг 80-йилларида Фарғона водийсида бўлган рус тадқиқотчиси А.Ф. Миддендорф ўзининг «Очерки Ферганской долины» номли асарида водийнинг табиий-географик шароитини таърифлаш билан бирга, аҳолининг ҳўжалик фаолияти, хусусан деҳқончилик ва чорвачилик машғулоти ҳақида ҳам маълумотлар келтириб ўтади<sup>16</sup>. Мазкур тадқиқотда муаллиф деҳқончилик масалаларига махсус тўхталган бўлиб, ҳайдаладиган ерлар, минерал ва маҳаллий ўғитлар, суғориш тизими ва шакллари, деҳқончилик қуроллари, тупроққа ишлов бериш ҳамда маҳаллий аҳолининг маданий тараққиёти ва тараққиёт имкониятлари тўғрисида маълумотлар келтирган. Шу билан бирга ҳудуддаги деҳқонлар, уларнинг жойлашуви, ҳўжалик фаолияти ва имкониятларини ёритиб берган.

Ушбу тадқиқот иши билан танишиш жараёнида, асосий ўринда ўлканинг тупроқ хусусиятлари, минерал бойликлари, сув ресурслари, унинг имкониятлари ва истиқболлари ўрганилганлигини кузатиш қийин эмас. Шунга қарамай, деҳқончилик қуроллари, ерга ишлов бериш шакллари, суғориш иншоотлари ва тизими, деҳқон аҳолининг турмуш тарзи ва ҳўжалик анъаналарига доир қимматли тарихий ва этнографик маълумотларни келтирилиши мақола мавзусининг асосий ўрганиши зарур бўлган адабиётлардан бири эканлигини белгилайди.

<sup>14</sup> Савицкий А.П. Поземельный вопрос в Туркестане. Т., 1963. 4–5-б.

<sup>15</sup> Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии со второй половины XIX века до Первой мировой войны. Ташкент, 1959. Кн. 2. 112-б.

<sup>16</sup> Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. С-Пб., 1882. 606 б.

Айтиш жоизки, тадқиқотчи Фарғона водийси деҳқончилик маданияти ҳақида қатор қимматли маълумотларни келтириб, маҳаллий аҳолининг меҳнат қуролидан бири ҳисобланган кетмоннинг универсаллигини таъкидлайди. Ундан ташқари, ерни шудгорлашда ишлатилган омовчи тузилиш схемаларини расмлар билан ифодалайди<sup>17</sup>. Қолаверса, маҳаллий халқларнинг анъанавий суғориш тизимини ўрганиб, ўзининг муҳим хулосаларини ёзиб қолдирган<sup>18</sup>. Маълумки, Россия империяси томонидан Ўрта Осиё ҳудудида пахтачиликни ривожлантириш мақсадида олиб кирилган маблағлар кўпроқ фойда олиш учун, суғориш тизимида бир қанча ислохотларни амалга ошириш учун сарфланган. Бу ислохотларда маҳаллий аҳолининг бой тажрибасидан унумли фойдаланилган ва буни А. Миддендорфнинг — «.. маҳаллий аҳоли сувни бошқариш касби бўйича катта тажрибага эга»<sup>19</sup> — деган фикри ҳам исботлайди. Муаллифнинг бу асари ўлка халқларининг ҳаёти, турмуш-тарзи ҳақида қизиқарли этнографик маълумотлар келтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Муаллиф фарғоналик деҳқонлар томонидан XIX–XX аср бошларида ишлатилган омов, бўйинтуруқ, мола, кетмон, ўроқ ва бошқа иш қуролининг тузилиши ва уларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишдаги ўзига хос маҳаллий хусусиятларни кўрсатиб беради.

А.Ф. Миддендорф қирғиз ва ўзбеклар орасидаги хўжалик муносабатлари ҳақида тўхталар экан шундай ёзади: «... барча қора-қирғизлар Марғилон уездининг ўтроқ ўзбеклари билан мустаҳкам алоқада яшайдилар. Боз устига, улар Кува, Учқўрғон, Марғилон бозорларига интиладилар»<sup>20</sup>.

XIX асрнинг 80-йилларида Туркистонда қишлоқ хўжалиги масалаларини тадқиқ қилган А.И. Шахназаров томонидан 1908 йилда нашр этилган «Сельское хозяйство в Туркестанском крае» номли асарда ўлка аҳолисининг деҳқончилик анъаналарига оид кўплаб маълумотлар келтирилади<sup>21</sup>. Асарда ёритилган хўжалик турлари тадқиқотчи томонидан, унинг кузатувлари асосида баён этилганлиги, статистик маълумотлар билан тўлдирилганлиги, мавзуларга оид расмлар келтирилиши унинг қийматини оширади. Шунинг билан бирга асарда ўзбек халқи анъанавий хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган деҳқончилик ва чорвачилик маданиятига асосий масала сифатида ёндошганлиги ўзбек халқининг анъанавий хўжалигини XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларига оид маълумотларни таҳлил этишда ва умумий хулосалар чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, қадимий диний эътиқодларда сув олиб келувчи илоҳ - хўкиз кўринишида тасвирланган. Чунончи, қадимги Мисрда ҳосилдорлик илоҳи хўкиз қиёфасида бўлган<sup>19</sup>. Қолаверса, унинг бир неча кўринишлари бўлган бўлиб, кун давомида ёш чақалоқдан тортиб оқ от ёки олтин шоҳли хўкиз қиёфасига эврилган. Яштда таъриф берилишича, Тиштрнинг хўкиз сиймосига эътиқод қилинган<sup>20</sup>.

Шунингдек, хўкиз қадимги юнон худоларидан бири Диониснинг ердаги кўриниши тарзида ҳам тасвирланган<sup>21</sup>. Дионис эса май илоҳи ҳисобланиб, тўкинчиликни англаган.

<sup>15</sup> Апаоша - ёвуз Аҳриман яратган қора дев деб тушуниланган.

<sup>16</sup> Авеста в русских переводах (1861-1996). Составления, общая редакция, примеч., справ. разд. И.В.Рака - С.-Пб. Нева, 1997. 14-б.

<sup>17</sup> Гуэш урван — Тиштрнинг буқа қиёфасининг номланиши. Тиштр Яштда унга шундай сифат келтирилган.

<sup>18</sup> Авеста в русских переводах (1861-1996)... 74-б.

<sup>19</sup> Х и х л у х а В., М о ш н а Н. Зарождение древнеегипетской религии. Ранние верования // Гылымике журнал. 2015. №3-4. 53-б.

<sup>20</sup> Р т в е л а д з е Э.В., С а и д о в а А.Х., А б д у л л а е в а Е.В. Авеста «Закон против девов (Видевдат)» ... 272-б.

<sup>21</sup> Камад И. Обрядовая сторона культов Древней Греции. Москва, 2006. 56-б.

«Авеста» Яштларида турли ҳайвон маъбудлар ёки Ахура Мазданинг ўзига сиғиниш билан боғлиқ сатрларни учратиш мумкин. Зардуштийлар тасавурида ҳаттоки жониворлар ҳам Митрага сиғинади деган инонч бўлган. Агар, кимда ким Митранинг жаҳлини чиқарса, ҳатто унинг оти юрмайди деб тасаввур қилинган. Қолаверса, сигирнинг ёлбориши ҳам Митрага етиб бориши мумкин деб ҳисобланган.

Етти иқлимдан оша  
Намоз-ла этар парвоз,  
(Гўё муқаддас) сигир  
Маъраб таратган овоз<sup>22</sup>.

Митрага эътиқодда жониворлар ҳам унга сиғинади ва омонлик, тўкинлик сўрайди, деб ишонганлар. Митра Яштида от, сигир билан бирга айрим паррандалар сиғиниши таърифланган.

Зардуштийликда инсониятнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги ривоят ўзгача тасвирланган. Хусусан, Қаюмарс (Ахура Мазда яратган биринчи жонзот ярми одам, ярми ҳўкиз кўринишида бўлган) ҳалок бўлганда, ундан дунёдаги барча тирик мавжудот ва эркак ҳамда аёл дунёга келган. Айнан уларнинг наслидан ер юзидаги барча инсонлар тарқалган.

Зардуштийлик динининг муқаддас китобида от ва ҳўкиздан ташқари яна бошқа кўплаб ҳайвонлар билан боғлиқ қарашлар ҳамда уларнинг сифатлари қайд қилинган. Жумладан, «Авеста» Яштида энг кўп сифатга эга маъбуд сифатида Баҳром (Вараҳран) тилга олинади. Ахура Мазданинг Зардуштга мурожаатида у ҳўкиз, от, туя, қобон (тўнғиз), варағн (қуш), тоғ кўчқори, эчки, қарчиғай қиёфасида тасвирланган:

Зардуштга пайдо шу он  
Бўлди илоҳий Баҳром,  
Биринчи бор кўринди  
Ахура Мазда яратган  
Кучли шамол бўлиб, у  
Валекин хуш, ёқимли,  
Қанотида Хварно  
Балолардан қутқарар  
Қудратбахш танти, барно<sup>23</sup>.

Таниқли авестошунос олим М. Исҳоқовнинг таржимасида Вараҳран дастлаб «Хварно» яъни «омад қуши» тарзида баён қилинган. Омад қуши тутқич бермас қуш бўлиб, унинг сояси кимга тушса, ўша одам бахтга эришади, деган қараш бўлган. Шу ўринда шуни ҳам қайд қилиш керакки, мазкур нашр изоҳида қайд қилинишича, Баҳромнинг яна бир сифатида оқ рангли қўй бўлган. Зардуштий-

<sup>22</sup> Авесто: Яшт китоби / М. Исҳоқов таржимаси. Тошкент: Шарқ, 2001.60-б.

<sup>23</sup> Ўша асар. 95-б.

ликда оқ қўчқор муқаддас саналган. Ўзбек халқи ривоятларида ҳам оқ қўчқор эргаган киши мартабага эришади дейилган. Ўзбек халқи орасида қўчқорнинг маълум қисмларидан «бало-қазони қайтарувчи» ёки «асровчи» восита деб ҳисоблангани ҳақида қўплаб этнографик маълумотларни кўришимиз мумкин<sup>24</sup>.

Тарихий манбада ёзилишича Варахран Зардуштга ҳўкиз кўринишида ҳам намоён бўлган:

Олтин мўғиз ҳўкиздек  
Кўриниб Зардушт томон,  
Иккинчи бор намоён  
Бўлди шунда Варахран —

Ҳўкиз кўринишидаги Баҳромнинг тасвирланиши сабаби куч қудрат сифатида гавдалантиришидир. Хўжаликдаги асосий ёрдамчи ва деҳқончиликдаги қўмакчи ҳўкиз бўлиб, барча ишлар улар орқали бажарилган. Кейинги сатрларда Баҳром яна бошқа кўринишларда тасаввур қилинган.

Учинчи бор Варахран  
Зардуштга кўринибди  
Ахурадан яралган  
Оппоқ от, олтин юган,  
Олтин кулоқ бир жийрон.  
Боши узра кўкка буй  
Чўзар Куч Қудрат ҳоври<sup>25</sup>.

Тиштрга нисбатан бўлган қарашдаги «оқ от» гавдалантирилиши Баҳромга ва Ардвиге Сурага нисбатан ҳам мавжуд бўлган. Зардуштийларнинг тасаввурича, илоҳлар асосан чопқир оқ от қиёфасига эврилган.

Варахранга нисбатан кейинги қарашда эса маъбуд қудратли туяга қиёсланди. Қайд этиб ўтиш лозимки, туя инсонларнинг машғулотида энг асосий ҳўжалик ва транспорт воситаси бўлиб, айниқса у қадимги Бақтрияда ниҳоятда қадрланган. Зардушт исмининг маъноларидан бири «туя етаклаган одам» деган маънони англатган.

Ўрта Осиё ҳудудида туячилик кенг тарқалган бўлиб, аҳоли тасаввуринида туя муқаддас саналган ва у одамлар билан бирга дафн қилинган. Марғиёна ҳудудидаги Гўнуртепа ёдгорлигидаги қабрлардан бирида махсус суяк қисмлари топилган<sup>26</sup>. Айнан мазкур топилмалар туя ва бошқа уй, ёввойи ҳайвонларнинг илоҳийлаштирилиши, зардуштийликда эса худо Варахран қиёфаларидан бири сифатида гавдалантирилганлигини тасдиғи бўлиши мумкин.

<sup>24</sup> Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. 15-б.

<sup>25</sup> Авесто: Яшт китоби ... 96-б.

<sup>26</sup> Сатаев Р. Животные в культуре Древней Маргияны. Москва, 2016. 212-б.

Яштда бу ҳақда яна қуйида таърифни ҳам учратиш мумкин:

Тўртинчи бора Баҳром  
Зўр туя бўп кўринди.  
Шиддаткор, майин жуни  
Кийимбоп, қойилмақом<sup>27</sup>.

Митра ва Варахран Яштида қобон кўринишидаги қиёфа таърифи ҳам қайд қилинган. Баҳромнинг асосий сифатларидан бири жангчи бўлганлиги боис у шундай қиёфада тасаввур қилинган. Бундан ташқари унинг бошқа сифатлари тўнғиз сиймосида қуйидаги жумлаларда ҳам акс этган:

Бешинчи бор Зардуштга  
Кўринди Ахур Мазда,  
Яратган Веретрагна,  
Дарғазаб Қобон мисол,  
Ўткир озиқ тишлари,  
Ўткир қозиқ тишлари  
Санчилса, тик ўлдира<sup>28</sup>.

Варахран шу қаторнинг кейинги байтларда чаққон, эпчил, чаптаст тарзида ҳам қайд қилинган.

Кейинги сатрларда Варахранга берилган таърифлар ичида диққатга сазовори Варағн қуши кўринишидир. Бу ўринда, албатта Баҳром сифатлари ичида ҳавода душманни тезда таъқиб этиб, енгувчи хислатлари кўзга ташланади. У учган ҳолда тоғларга, сувларга, дарахтларга қанотини текказиб ўтган. Авестошунос М. Исоқов ҳозирги кунда ҳам қуш пати билан одамлар бало-қазони силаганча қувадилар деб таъкидлайди ва ёш болаларнинг дўппиларига яқин-яқингача қуш патини қистириб қўйиш ҳоллари кузатилганини қайд қилади.

Варахраннинг кейинги ўринларда архар қиёфасида тасвирланган. Тадқиқотчи З.П. Соколова ўз тадқиқотларида қадимдан Ўрта Осиё аҳолиси орасида тоғ эчкиси билан боғлиқ қарашлар ҳақида маълумотлар берилган<sup>29</sup>.

Зардуштийларда архарнинг шохлари турли бало-қазодан асровчи илоҳий кучга эга восита тарзида тасаввур қилинган. Айнан шунга ўхшаш қараш кейинчалик ҳам халқ ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиб, ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистоннинг турли минтақаларида жойлашган қабристонлар дарвозаси ёки унинг ички қисмидаги баланд жойга архарнинг шохини илиб қўйиш одатини кузатиш мумкин<sup>30</sup>. Маҳаллий аҳоли орасида архар шохлари қабристондаги ёвуз руҳларни ҳайдайди, деган ишонч бундай одатга асос бўлган деб ўйлаймиз.

<sup>27</sup> Авесто: Яшт китоби ... 97-б.

<sup>28</sup> Авесто: Яшт китоби ... 97-б.

<sup>29</sup> Соколова З. Культ животных в религиях. Москва: Наука, 1972.

<sup>30</sup> Дала ёзувлари. Фарғона вилояти, Қувасой тумани, Қарамқул қишлоғи 2011 йил.

Варахран тўққизинчи кўриниши ёввойи эчки дея алоҳида сифатланиб, унинг шохларини «ўткир санчқидек» кўринишда тасвирланган:

Қинғироқнинг ортидан  
Муштдек бир бўлак этни  
Кўргувчи қарчиғайдек<sup>31</sup>.

Баҳромга берилган таърифнинг давомида ушбу бандда яна уни Ахура Mazda йилт этган игна учини кўра олишга қодир қушга айлана оладиган тарзда яратгани эса олинади. Ахура Mazda битмас туганмас кудратни чидам ва бардош сифатида бериб, уни енгилмас қилди деб ёзилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, зардуштийларнинг ҳайвонот олами билан боғлиқ эътиқодий қарашлар деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа машғулотлар билан бевосита боғлиқ бўлган. Инсонлар томонидан ҳайвонларнинг қўлга ўргатилиши ва уларнинг хўжалик ҳаёти асосий таъминотчиларидан бирига айланиши жониворларга оид қарашлар шаклланишида ҳал қилувчи рол ўйнаган. Инсонларга гўшт, сут, тери етказиб бериш манбаи бўлган жониворлар ҳаётининг озуқа омили сифатида аҳамият касб этган. Қолаверса, ҳайвонлар ҳам кишилар учун тўкинлик сўрашига бўлган инонч ва улар бунга ишонганлар. Шунинг учун ҳам уларни оч қолдириб бўлмайди, акс ҳолда ибодатлари Ахура Mazda томонидан қабул қилинмайди, деб ҳисобланган.

Хўжалик ҳаётида ҳайвонлар муҳимлигининг яна бир шarti - транспорт вазифасини бажариши ва деҳқончиликда уларнинг кучидан, имкониятларидан фойдаланиш бўлган. Ҳайвонлар орасида хўкиз, туя ва отни парваришlash ва уларни қўлга ўргатиш алоҳида маросим кўринишида ҳам нишонланган.

«Авеста»даги диний қарашларда энг қадимги эътиқодий тасаввурларнинг трансформацияси ўз ифодасини топган. Қадимги одамларнинг ҳайвонот оламига бўлган эътиқоди зардуштийлик динининг муқаддас китобида «одам ва ҳайвонларнинг вужудга келиши» ҳақидаги ривоятда акс этган.

Хуллас, зардуштийликда ҳайвон культининг вужудга келиши илк диний тасаввурлар, инсонларни қуршаб турган фауна ҳамда инсонларнинг хўжалик эҳтиёжларига бевосита боғлиқ бўлган ва бу қарашлар «Авеста» Яштларида ёрқин ифодасини топган. Мазкур Яштларнинг таҳлили эса зардуштийликда фауна ва инсон яқинлиги ҳақидаги тасаввурнинг мавжуд бўлганлигини яна бир қарра намоён қилади.

<sup>31</sup> Авесто: Яшт китоби ... 100-б.

А. АЗИЗОВ

### «АВЕСТА»ДА ҲАЙВОН КУЛЬТИ

Ушбу мақолада муаллиф «Авеста»нинг Яшт китобида ҳайвон култи масаласини ёритган. Унда маъбуд ва маъбудаларга нисбатан ишлатилган сифатларнинг жониворлар билан боғлиқ жхатлари тадқиқ қилинган. «Авеста» Яштидаги зардуштийлик динида ҳайвон култининг кўринишлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, муаллиф замонавий ва қадимги давр одамларининг дунёқарашини солиштирган.

*Калит сўзлар:* Авеста, Яшт, Ахура Мазда, Варахран, зардуштийлик, ҳайвон, маъбуд, туя, хўкиз, қуш, от, қобон (тўнғиз), варағн, оқ қўчқор, деҳқончилик, чорвачилик.

А. АЗИЗОВ

### КУЛЬТ ЖИВОТНЫХ В «АВЕСТЕ»

В статье автор освещает проблему культа животных в части «Яшт» священной книги «Авеста», рассматривает черты животных, связанных с идолами и богами зороастрийской религии. Также проанализированы данные о культах животных в зороастризме по «Яшт» в «Авесте».

A. AZIZOV

### CULT OF ANIMALS IN «AVESTA»

In this article, the author of the book Avesta, illuminated the issue of animal husbandry which deals with animal-related aspects of idols and goddesses. Author analyzed Evidence of animal cults in the Zoroastrianism of Avesta. In addition, the author compared the worldview of contemporary and antiquated men.



М. АСҚАРОВ

## СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ 1917–1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРГАН АГРАР СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

1917 йил октябрь тўнтариши Ўрта Осиёда асрлар давомида шаклланиб келган аграр соҳадаги мулккий муносабатларни барҳам топишига, ер ва сув ресурсларини қайта тақсимлашга замин тайёрлади. Большевиклар ҳукумат тепасига келган дастлабки кунлардан бошлаб Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигига нисбатан Россия империяси давридагидек ўлкага истеъмолчилик муносабатини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Улар «Социалистик аграр ишлаб чиқариш»нинг маркча андозасига таяниб маҳаллий дехқонлар кучидан кенг фойдаланиш чоратадбирларини ишлаб чиқдилар.

Энг аввало халқнинг бойлиги бўлган хусусий ерни давлат тасарруфига кiritишга барча эътибор қаратилди. Бу давлатнинг ерга эгалик қилишини қарор топтиришда советларга хос шакл эди. Совет аграр сиёсати аввал бошланок миллий жиҳатларни, маҳаллий аҳолининг туб негизларини, Ўрта Осиёдаги ердан фойдаланишнинг асрлар давомида қарор топган ўзига хос хусусиятларини инкор қилди.

Совет ҳукуматининг ҳаракатларидан бири — ерни умумийлаштириш чоралари бўлди. Бу аграр соҳада хўжалик юритиш тизимининг марказий яхлит бошқарувини шакллантиришга қаратилган эди<sup>1</sup>.

Хусусий ер-мулкларни «жамият мулкига айлантириш» тадбири ўз навбатида ерни мажбуран тортиб олинисида намоён бўлди. Хусусан, 1917 йил 8 ноябрда II Бутунроссия Советлар съездида «Ер тўғрисида»ги декрет қабул қилинди ва бу ҳужжат ерга бўлган хусусий мулкни тугатишни кўзда тутган эди.

Эндиликда давлат аппарати томонидан ер-сув муносабатларини тартибга солиш ва бошқариш учун махсус органлар ташкил этила бошланди. 1918 йил январь ойида Туркистон советларининг IV ўлка съездида ер-сув комитетлари ва уларни ташкил этиш йўллари, иш усуллари тўғрисида йўриқнома қабул қилинди. Ер-сув комитетлари даставвал Сирдарё вилоятида, кейинроқ Самарқанд ва Фарғона вилоятларида ташкил топди. 1918 йил августида фақатгина Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида 74 та волость ер-сув комитетлари фаолият кўрсата бошлади. Шу йилнинг сентябрь ойида эса Туркистон волость ер-сув комитетлари сони 196 тага етди. Шунингдек, марказий ва волость ер-сув ислоҳоти бўлимлари ҳам ташкил этилди. Ер-сув комитетлари ўзига тўқ дехқонларнинг ерларини ҳисобга оларди. Дехқонлар совет маъмурларининг жойларда ер комитетларини тузиш ҳаракатларига жиддий қаршилиқ кўрсатардилар. Шу муносабат билан 1918 йил январда бўлиб ўтган советларнинг IV ўлка съездида Ер ишлари халқ

<sup>1</sup> Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: хоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларини ўзлаштирилиши. Тошкент: Шарқ, 2001. 217-б.

комиссарлиги вакили бундай деган эди: «Ер комитетларини тузиш осон иш эмас. Бизнинг ташкилотчиларимиз ҳатто сайлов бўладиган жойларга ҳам бора олмадилар. Комиссияларимиз кетишга мажбур бўлди, чунки уларга ҳатто қуроли қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатлари бўлди»<sup>2</sup>.

1918 йил 26 мартдаёқ Туркистон ХКС ўлкадаги хусусий боғлар ва паркларни национализация қилиш ҳақида буйруқ чиқди. Бунга мувофиқ дастлаб «Вл. Алексеев», «Бр. Иванов», «Туркистон қишлоқ хўжалик жамияти» хиссадорлик жамиятига тегишли бўлган боғлар национализация қилинди. Бу боғларнинг умумий ер майдони 51 десятинадан иборат эди. Кейинроқ яна 34 нафар боғ ва узумзорлар ҳам национализация қилинди, уларнинг жами миқдори 1 300 десятинадан ортган<sup>3</sup>.

Совет ҳукумати Туркистонда йирик пахта фирмаларини ҳам мусодара қилди. Чунончи, Потеляхов, Ю. Давидов, Вл. Алексеев ва бошқа пахтачилик ҳамкорлиги кўринишидаги фирмалар давлат тасарруфига ўтди. Давлат ихтиёрига, шунингдек умумий ер майдони 3,2 минг десятина бўлган 20 та сарой ва ҳовлиси бутун жиҳозлари билан ўтди<sup>4</sup>.

1918 йилнинг февраль—март ойлари оралиғида ўлкадаги йирик хўжаликлар — Мурғоб подшо саройи, шунингдек, «Ака-ука Ивановлар», «Қоплонбек», «Кансай» савдо ишлаб чиқариш ҳамкорлигига тегишли боғлар ва саройлар Туркистон қишлоқ хўжалик ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг «Эски Тошкент саройи» давлат фойдасига мусодара қилинди. 1918 йил апрелда ака-ука Яушевларнинг савдо уйига тегишли майдони 405 десятина бўлган қўрғон, йирик ер эгаси андижонлик Миркомил Мирмўминбоевнинг ҳовли-жойлари мусодара қилинди. Сентябрь ойининг иккинчи ярмида Фарғона область Марғилон волостидаги кўпгина катта ер эгаларига тегишли бўлган боғлар, чорбоғ ва узумзорлар, ҳовли-жойлар тортиб олинди<sup>5</sup>.

Туркистон АССР Халқ Комиссарлари советининг қарорига мувофиқ юқорида мусодара қилинган боғлар, саройлар ва ҳовли жойлар ҳамда уларга тегишли ер майдонлари ерсиз деҳқонларга тақсимланадиган ер фондига киритилмади. Балки улар давлатга тегишли мулк деб эълон қилинди. Масалан, Ангор, Довул ва Полвонариқ каби мусодара қилинган саройлар ва уларнинг ер майдонларида совхозлар ташкил этилган эди.

1918 йил 13 мартда Туркистон Халқ Комиссарлари совети ўлкадаги барча канал ва сугориш тармоқларини бошқариш ҳуқуқини Ер ишлари халқ комис-

<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарқ, 2000. 103–104-б.

<sup>3</sup> История народного хозяйства Узбекистана. Т. 1. Ташкент: Изд. АН УзССР, 1962. 20-б.

<sup>4</sup> Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917–1937 гг. Ташкент: Фан, 1992. 36-б.

<sup>5</sup> Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Узбекистане (1919–1925 гг.). Фрунзе: Мектеп, 1967. 35–37-б.

сарлигига ўтказиш ҳақида махсус декрет қабул қилди. Унга мувофиқ каналлар, ариқлар ва бошқа суғориш тармоқларига, сув ресурсларига ҳам бевосита давлат эгалик қиладиган бўлди<sup>6</sup>.

1918 йилнинг баҳоридан бошлаб вақф мулклари ҳам мусодара қилина бошлади. Бу мулкларга ер, савдо-саноат корхоналари ва бошқалар кирган. Маълумки, вақф мулклари асрлар мобайнида мулкдорлар, маҳаллий ҳукмдорларнинг қилган хайр-эҳсонлари натижасида вужудга келган, унинг маблағлари турли диний ва анъанавий, маданий-маърифий ташкилотларни таъминлаб туриш учун мўлжалланган эди. Бошқача айтганда вақфлар биринчи навбатда халқ эҳтиёжлари учун хизмат қилган. Вақфларнинг давлат мулкига айлантирилиши нафақат мусулмон руҳонийлари, масжидларининг қавмлари, мадраса ва мактаб ўқувчилари, балки, бутун маҳаллий аҳоли манфаатларига катта зарба бўлиб тушди. Чунки диний муассасалар иқтисодий таъминотдан маҳрум бўлгач, улар ёпилишга мажбур бўлди.

1918 йил охирларидан бошлаб, йирик ер-мулклар ва вақф мулкларини давлат мулкига айлантириш билан бир қаторда, деҳқонларнинг кўпгина тоифалари ҳам ерга хусусий эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этила бошлади. Ер социалистик давлатнинг якка ўзига тегишли мулк деб эълон қилинди. Бироқ реал ҳаётда халқ «умумхалқ мулки»дан четлаштирилган эди. Большевиклар ҳокимияти халқнинг табиий хомашёдан мустақил фойдаланиш ҳуқуқини ҳам бермади. РСФСР Марказий Ижроия Комитетининг 1919 йил 14 февралдаги декретига мувофиқ Россия, шу билан бирга Туркистондаги мавжуд барча ерлар, давлат мулки деб эълон қилинди, уни Россия ҳукумати Ер ишлари халқ комиссарлиги орқали бошқара бошлади. Айни вақтда совхозлар, коммуналар, ердан фойдаланишнинг асосий шакли деб эълон қилди<sup>7</sup>. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи эса деҳқонга, чорикорга ёки мардикорга фақат шахсий меҳнат қилиш шarti билан бериладиган бўлди. Ёлланма меҳнат, хусусий секторда ерни ижарага олиб ишлаш қатъиян тақиқланди, бунинг натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш сезиларли даражада камайиб кетди.

1919 йил бошларига келиб бир неча минг «меҳнаткаш бўлмаган хўжаликлар»нинг умумий майдони 100 минг десятинадан иборат ерлари мусодара қилинди<sup>8</sup>.

Большевикларнинг «ҳарбий коммунизм» сиёсати асосида ўтказилган озиқ-овқат сиёсати деҳқонларни ёппасига талашга айланиб кетди. Натижада уларнинг анчагина қисми очлик ва ўлимга маҳкум бўлди. Туркистоннинг таниқли жамоат арбобларидан бири Собир Юсупов 1918 йил 15 майда ТуркМИК мажлисида қилган маърузасида «Фарғона вилоятининг уездларида очлик вабоси авж

<sup>6</sup> Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917–1926 гг.). Сборник документов. Ташкент: АН УзССР, 1962. 78–6.

<sup>7</sup> Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. Тошкент: Шарқ, 2000. 209–210–б.

<sup>8</sup> ЎзР МДА. 27-фонд, 3-рўйхат, 1057-йиғма жилд, 12–13 варақлар.

олмоқда, ҳар кун 60 киши очлик туфайли ўлмоқда», деган эди. Ҳақиқатда очлик кун сайин ортиб борди. Маълумотларга қараганда, Фарғона вилоятида аҳолининг 35–40 фоиз, шу жумладан, Марғилон уездида 60 фоиз, Қўқон уездида 50 фоиз аҳоли очликка дучор бўлган<sup>9</sup>.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, большевиклар томонидан ўйламасдан ўтказилган иқтисодий сиёсат «ҳарбий коммунизм» шароитида қишлоқ хўжалигини инқирозга дучор қилди. Бироқ марказий ҳукумат Туркистон қишлоқларининг ишлаб чиқарувчи кучларига путур етишини тўхтатишга уриниб ҳам кўрмади. Улар иложи борича кўпроқ миқдорда қишлоқ хўжалик хомашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларини марказий Россия эҳтиёжлари учун олиб кетишни мақсад қилган эдилар.

Туркистон қишлоқ ва овулларида большевиклар томонидан амалга оширилган бошланган аграр ўзгаришлар биринчи навбатда йирик заминдорлар, руҳонийлар қатлами ва кенг меҳнаткашлар оммасининг норозилигига сабаб бўлди. Чунки, ўлкада ер-сув муносабатлари бу давргача шариат ва одат қонунлари асосида бошқариб келинган ва бунга бутун халқ асрлар давомида кўникиб кетган эди. Шунингдек, шариат қонунлари хусусий мулкчилик манфаатларини ҳам ҳимоя қиларди.

Аксарият район ва волостларда большевиклар томонидан жорий қилинган ер-сув комитетлари маҳаллий аҳоли томонидан тан олинмади. Ер-сув муносабатлари яна аввалгидек оқсоқоллар ва аминлар томонидан бошқарилиши давом этаверди. Чунончи, Фарғона вилояти ер-сув комитети 1918 йил ёзида ТАССР ер-сув халқ комиссарлигига берган маълумотномасида Фарғона вилоятида ҳалигача ер-сув муносабатларини бошқариш волость оқсоқоллари ва аминлари томонидан амалга оширилаётгани маълум қилинган эди<sup>10</sup>.

Ер-сувни национализация қилишга қарши кураш қишлоқларда кун сайин авж олиб борди. Ер ва мулк эгалари, бойлар ўз ерларини, чорва ҳайвонлари, уй-жой ва асбоб ускуналарни давлатга топширишдан бош тортдилар. Мулкдорларнинг ўзларига тегишли ерлар миқдорини камайтириб кўрсатиши, яшириб қолишлари каби ҳолатлар авж олди. Партия ва совет вакиллари ҳамда камбағаллар комитети фаоллари ҳаётига суъиқасдлар қилиш юз берди.

Ерларни ерсиз деҳқонларга тақсимлаш ишлари асосан йирик шаҳарлар атрофида яъни совет ҳокимияти нисбатан яхши қарор топган жойларда кенг жорий қилинди. Лекин, миллий истиқлолчилик ҳаракатлари авж олган жойлар хусусан, Фарғона водийсида бу ишлар жуда секинлик билан амалга оширилди.

Совет ҳукумати бошқарув органлари «Помешчик-бой типи» ибораси билан номланган хўжаликлардан мусодара қилинган ерларни камбағал деҳқонларга белгиланган меҳнат нормалари бўйича тақсимлади. Туркистон ўлкаси учун белги-

<sup>9</sup> Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарқ, 2000. 112-б.

<sup>10</sup> Андижон вилояти давлат архиви (АВДА). 230-фонд, 2-рўйхат, 4-иш, 42-варақ.

ланган вақтинчалик ер нормаси 3—5 та меҳнатга яроқли аъзоси бўлган бир хўжаликка 8 десятина ҳажмида белгиланди. Бу норма барча волость ва уездлар учун қатъий бўлмай, жойларда ер комитетлари ихтиёрига кўра ер фондига қараб ёки бўлмаса маҳаллий иқтисодий шароитларга кўра турли миқдорда тақсимланган.

Давлат томонидан белгиланган вақтинчалик меъёрларга Тошкент уездида қаттиқ амал қилинган. Зангиота волостида 1918 йил апрель ойида бой Тўрахон Дадажоновдан мусодара қилинган ер 66 та хўжаликка 8 десятинадан тақсимланган<sup>11</sup>.

Айрим районлардаги ерлар хўжаликлардаги кишилар ёки иш ҳайвонларининг сонига қараб тақсимланган. Скобелев уездида (Фарғона вилояти) ер нормаси битта хўжалик учун суғориладиган жойларда 9 таноб<sup>12</sup>, суғориладиган жойларда эса 18 таноб миқдорида белгиланган.

Туркистонда аграр ўзгаришлар бошланган даврда боьшевиклар йирик ер эгаларидан ер ва сувни, бошқа мулкларни мусодара қилиб, уни ерсиз ва кам ерли камбағалларга тақсимлаб беришни ваъда қилган эди. Аммо, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, совет ҳукумати мусодара қилинган ерларни имкон қадар давлат тасарруфида сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Мусодара қилинган ер фондининг маълум бир ихтиёрий қисми ерсиз деҳқонларга тақсимлаб берилиб, қолган асосий қисми давлат хўжаликлари ихтиёрида олиб қолинди. Ўлкада дастлабки хўжаликлар 1918 йил баҳорида Самарқанд ва Сирдарё областларида ташкил қилинди. Бу колхозлар Булатов, Александровск, Майдонтол, Зангиота, Жалолтепа волостларида ташкил этилди<sup>13</sup>. Совхозлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалик артеллари ҳам ташкил этила бошлади. Жумладан, Тошкент уездида мусодара қилинган «Қоплонбек» ширкатининг 1084 десятина ери 18 қишлоқ хўжалик артелларига берилган.

1920 йилга келиб, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида 52 та колхоз, 29 та қишлоқ хўжалик артели ва 7 та коммуна фаолият кўрсата бошлади<sup>14</sup>. Шу тариқа Туркистон АССРдаги «социалистик» аграр қайта қуриш асосан совхозлар, артеллар ва коммуналар кўринишида амалга оширилди. Буларнинг барчаси ўлкада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1914 йилга нисбатан 1921 йилда 48,8 фоизга қисқариб кетишига олиб келди. Деҳқонлар норозилиги кучайди. Совет ҳокимияти НЭП — Янги иқтисодий сиёсатга ўтишга мажбур бўлди.

1921 йилга келиб пахтачилик ҳам танг аҳволга келиб қолди. Пахтачиликнинг инқирози ўлка иқтисодий манфаатларига жиддий таъсир қилди. Мамлакатда пахтачиликни марказлашган ҳолда ривожлантириш учун РСФСР Олий Халқ Хўжалик кенгаши Бош пахта комитетлари (Главхлопком) ва пахта етиштирувчи республикаларда унга бўйсунадиган пахта кўмиталари ташкил этилди.

<sup>11</sup> История народного хозяйства Узбекистана. Т 1. ... 24–25-б.

<sup>12</sup> Таноб — 0,6 гектарга тенг.

<sup>13</sup> Аминова Р.Х. Аграрная политика советской власти в Узбекистане (1917–1920 гг.). Ташкент: АН УзССР, 1963.162-б.

<sup>14</sup> Ўша асар. 173-б.

Ирригацияни қайта тиклаш, суғориш тармоқларини тайёрлаш муаммолари ўта қийинчилик билан ҳал қилинаётган эди. Ҳокимият органлари сув хўжалигини тиклаш ишларига кенг деҳқонлар оммасини мажбурий жалб қилишга асосий эътибор берди. 1921 йил 11 майда ТАССР ХКС Москванинг талаби билан ўлкадаги ирригация ишларини ҳарбийлаштириш тўғрисида декрет қабул қилди<sup>15</sup>.

Янги иқтисодий сиёсат даври аграр ўзгаришларнинг муҳим йўналиши бумувофиқлаштирилган ер сиёсатининг ўтказилиши бўлди. Бироқ, ундан аввалги йилларда аграр сиёсатнинг кўпгина соҳаларида жиддий нуқсонлар сақланиб қолган эди. Булар жумласига синфий ёндашувнинг устуворлиги, қишлоқ аҳолиси орасида ижтимоий табақаланишни кучайтириш, Туркистон қишлоқларини сунъий равишда социалистик қайта қуриш кирар эди. Мазкур ҳолатлар 1921–1922 йилларда амалга оширилган ер-сув ислоҳотида яққол намоён бўлди.

Аграр ислоҳотнинг янги босқичидаги умумий вазифалар Туркистон Компартиясининг V съезди ва Туркистон советлари IX қурултойининг (1920 йил сентябрь) қарорларида белгилаб берилган эди. Бу вазифаларни 3 гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи вазифа — статистик йўналиш бўлиб, у йирик мулкдорларнинг хўжалиklarини тугатиш ва кўчманчи аҳолини ўтроқ ҳолатга ўтказишга қаратилди. Иккинчи вазифа — иқтисодий демократик хусусиятга эга бўлиб, у ерларни ерсиз ва кам ерли деҳқонлар, батрақлар, чорикорлар ўртасида меҳнат нормалари бўйича тақсимлашни ўз ичига оларди. Учинчи устувор йўналиш — маҳаллий аҳоли ерларининг кўпчилик қисмини халқларни кўчириш сиёсати натижасида ўлкага кириб келган деҳқонларга ажратилиши бўлди<sup>16</sup>. Ислоҳотларнинг бошланиш даврига келиб, қишлоқ хўжалигидаги кўчириб келтирилган рус аҳолисининг сони ҳаммаси бўлиб, 8 фоизни ташкил этарди, лекин улар барча маданий ерларнинг деярли ярмини эгаллаган ва маҳаллий аҳолига нисбатан ер билан 15 баробар кўп таъминланганди<sup>17</sup>.

Бу йилларда «Кўшчи» деб номланган иттифоқ ташкил этилди. Унинг аъзолари «меҳнат билан шуғулланмайдиган хўжаликлар»ни аниқлар, бадавлат хўжаликларнинг ер, чорва моллари, меҳнат қуроқларини ҳисобга олишар, «яшириб қўйиш»га уринишларни фож этишарди. Умуман олганда, Туркистон Республикасида «Кўшчи» иттифоқи ёрдами билан 8034 хўжалик тугатилган эди<sup>18</sup>.

Тазйиққа учраган ер эгалари зўр бериб қаршилик кўрсатардилар. Кўпгина мулкдор деҳқонлар ўз ерларига экин экишдан бош тортдилар, чорва ҳайвонларини тоғларга яшириб, ғаллаларини кўмиб ташладилар. Ҳатто ўз уйларига ўт қўйиш ҳолатлари учради. Давлат маъмурлари томонидан бу каби ҳатти-ҳаракатларга нисбатан зўравонлик ҳаракатлари қўлланилган.

<sup>15</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. ... 181-б.

<sup>16</sup> Ўша асар, 182-б.

<sup>17</sup> Аминова Р.Х. Аграрное преобразование в Узбекистане накануне сплошной коллективизации (1925–1929 гг.). Ташкент: Фан, 1969. 32-б.

<sup>18</sup> Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция, социального положения. 1917–1937 гг. ... 30-б.

Умуман 1921–1922 йиллардаги ислохот жараёнида ер тузиш фондига 1.722.626 десятина ер қўшилди. Шулардан кўчириб келтирилганларнинг посёлкаларини, хуторларини тугатишдан олинган ерлар 205,059 десятинани, европалик аҳоли посёлкаларида белгиланган меъёрдан ортиқча олинган ерларни тортиб олишдан қўлга киритилган ерлар 85,107 десятинани, эркин ва кўчиб келганлар жам-фармасини тугатишдан олинган ерлар 40,825 десятинани, монастырлар, черковлар ва вақф ерларини мусодара қилиш натижасида қўлга киритилган ерлар 27,016 десятинани ташкил қилган эди. Ана шу ресурслардан маҳаллий аҳолининг 15 745 хўжалигига қарийб 600 минг десятина ерни экин экиш ва яйловлар учун берилди, кам ерли ва ерсиз ўзбек аҳолиси учун эса 117,512 десятина ер ажратиб берилди<sup>19</sup>.

Ислохотлар қишлоқ ҳаётини жиддий равишда кескинлаштириб юборди. Кўпгина туманларда маҳаллий идоралар иш ҳайвонлари ва қишлоқ хўжалик қуролларини умумийлаштириш йўли билан аҳолини сунъий равишда деҳқончилик артелларига бирлаштиришга уринарди. Масалан, 1921 йилнинг ўрталарига келиб фақат Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари худудларида 8745 хўжаликларни бирлаштирган 275 та коллектив хўжалиги ташкил этилди. Давлат хўжаликлари тармоғи ҳам кенгайтириб борилди. 1923 йилда ТАССРда 161 та совхозлар мавжуд бўлган эди<sup>20</sup>.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, совет ҳукуматининг аграр сиёсати оқибатида ер-сув национализация қилиниб, қишлоқ хўжалигини давлат монополиясига ўтказиш авж олди. Ўзбекистонда 1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин большевикларнинг «қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш» жараёни бутун мамлакат учун ягона бўлган тартиблар билан амалга оширилди. Бу сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда коммунистик партия ягона раҳбарлик ролини ўйнади. Бироқ, Туркистон кейинчалик Ўзбекистон бу йилларда ўзига хос миллий, ижтимоий, иқтисодий ривожланиш хусусиятлари билан бошқа республикалардан фарқ қиларди. Аммо бу жиҳатлар инobatга олинмади. Натижада ўзбек қишлоғининг табиий равишдаги ривожланиши тўхтатиб қўйилди, деҳқонларда меҳнатдан манфаатдорлик ҳисси сўндирилди, аграр соҳадаги кескин ўзгаришлар бозор муносабатларини емирилишига, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг самарадорлигини кескин пасайишига олиб келди. Зўравонлик билан ўтказилган ислохотлар кўплаб ишбилармон, мулкдор деҳқонларнинг таъқиб этилишига сабаб бўлди.

<sup>19</sup> Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. Иккинчи китоб. ...183-б.

<sup>20</sup> Р и з а е в Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. Ташкент: Фан, 1957. 71-б.

М. АСКАРОВ

**СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ 1917–1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОНДА  
АМАЛГА ОШИРГАН АГРАР СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ**

Ушбу мақолада илмий адабиётлар ва архив маълумотлари асосида совет ҳукумати томонидан Туркистонда ўтказилган ер-сув ислоҳоти, ва бу ислоҳотларнинг натижалари ёритилган. Ислоҳот туфайли советлар томонидан тортиб олинган ерларнинг қисман деҳқонларга, асосан совхозларга, колхозларга берилганлигига эътибор қаратилган.

*Калит сўзлар:* ер-сув, ислоҳот, колхоз, совхоз, коммуна, деҳқон, чорикор, ҳусусий мулк, мусодара қилиш, ирригация, таноб, десятина, декрет, аграр, вақф.

М. АСКАРОВ

**АГРАРНАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В ТУРКЕСТАНЕ  
В 1917–1924 ГОДЫ И ЕЕ ПОСЛЕДСТВИЯ**

В статье на основе научной литературы и архивных данных описываются земельные реформы, проводимые советским правительством в Туркестане, а также рассматриваются последствия этих реформ. Автор отмечает, что земли, отобранные союзом, были частично переданы дехканам, главным образом в совхозы и колхозы.

M. ASKAROV

**SOVIET AUTHORITIES AGAINST TURKISH POLICY IN 1917–1924  
AND THEIR OBJECTIVES**

This article describes the land-water reforms carried out by the Soviet government in Turkistan on the basis of scientific literature and archives, and the results of these reforms. It is noted that the land taken from the Soviet Union was partly transferred to peasants, mainly to sovkhozes and collective farms.



## ИЛМИЙ ҲАЁТ

**«ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ФАНИ: МУАММОЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ» МАВЗУИДАГИ АНЪАНАВИЙ «ТАРИХШУНОСЛИК ЎҚИШЛАРИ-2017» КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҲАҚИДА**

Мустақиллик йилларида тарихий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тарих фанининг ҳолати, вазифалари, истиқболдаги ривожини белгилашда тарихшунослик мушоҳадаси муҳим ўрин тутди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган «Тарихшунослик ўқишлари» доирасидаги навбатдаги илмий амалий конференция 2017 йил 27 ноябрь куни Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ ва Темурийлар тарихи давлат музейи билан ҳамкорликда ўтказилган бу анжуман «Ўзбекистонда тарих фани: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари» мавзуга бағишланди. «Тарихшунослик ўқишлари» тарихчиларнинг Ўзбекистон замонавий тарих фанида кечаётган жараёнларни таҳлил қилиш ва бу соҳадаги илмий тадқиқотлар натижаларини мониторинг қилишида асосий илмий майдон вазифасини бажариб келмоқда. Конференциянинг «Ўзбекистон тарих фани назарияси ва методологияси»га бағишланган ялпи мажлисида асосий эътибор археология, манбашунослик, антропогенез, Ўзбекистоннинг энг янги даври тарихини ўрганишнинг назарий ва методологик жиҳатларига қаратилди. Хусусан, қадимги ва ўрта аср манбаларини таҳлил қилишда анъанавий ҳамда замонавий методларни уйғунликда қўллаш, далиллар интерпретациясида мантиқийлик назариясидан фойдаланиш, энг янги давр тарихини регионал ва глобал жараёнлар контекстида ўрганиш, замонавий тарих дарсликлари ҳолатига танқидий ёндашув каби масалалар муҳокама этилди. Профессор Д.А. Алимованинг маърузаси «Тарихшунослик ўқишлари»нинг зарурияти, унинг назарий жиҳатлари, мақсад ва вазифалари мазмун-моҳиятига бағишланди.

Анжуман иши 7 сессияда, қуйидаги рукнлар остида ташкил этилди: Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихшунослиги; Мустамлака даври тарихига замонавий қарашлар (XIX аср охири — XX аср бошлари); Совет даври замонавий тарихшуносликда; Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганиш масалалари; Археология ва этнология тарихшунослиги масалалари; Тарихчи ва тарихий жараён; Ўзбекистон тарихи манбашунослиги.

Ҳар бир сессияда етакчи тарихчи олимлар ва ёш тадқиқотчиларнинг ўндан ортиқ маърузалари жой олди. Маърузаларда қадимги ва ўрта асрлар тарихини ёритишда ашёвий далиллар ва моддий манбаларнинг ўрни, бу даврда кечган воқеаларнинг замонавий ва хорижий тарихшуносликда ўрганилиши масалаларига урғу берилди. Бугунги кунда XIX аср охири — XX аср бошларида мустамлака ва 1917–1990 йиллардаги совет даври тарихини янгича ёндашувлар асосида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ушбу икки мураккаб даврда

Ўзбек халқининг ижтимоий-иқтисодий, интеллектуал-маданий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлди ва бу жараёнлар акс этган турли хилдаги адабиётларни янги нуқтаи-назардан тадқиқ этиш тарихчилар олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг энг янги даври тарихини ўрганишда нафақат тарихий методларни қўллаш, шу билан бирга фанлараро ёндашувлардан кенг фойдаланиш зарур эканлиги маърузаларда алоҳида қайд этилди. Хусусан, Ўзбекистоннинг халқаро мақоми, этносиёсий ҳолати, таълим ва тарбия масалалари, ёшлар муаммоси, замонавий шаҳарсозлик масалалари, Қорақалпоғистоннинг энг янги давр тарихининг ўрганилиш муаммолари таҳлил этилди.

Маърузаларда мустақиллик йилларида археология ва этнология соҳасида қўлга киритилган янги натижалар тақдим этилди ва долзарб муаммолар ўртага ташланди. Хусусан, ғарб мамлакатларида археология соҳасидаги янги назарий ёндашувларни (*пост-процессуал археология*), Ўзбек халқининг экологик маданиятини ўрганишда «case-studies» усулини қўллаш муаммолари, XX асрда аҳолининг этник таркибидаги ўзгаришлар, иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳаётдаги трансформацион жараёнлар мавзулари кенг муҳокама қилинди.

Ҳар бир тарихчи ўз даврининг маҳсули бўлиб, у яшаган даврдаги тарихий жараёнлар бевосита унинг ҳаёти ва яратган илмий меросига таъсир кўрсатади. Конференцияда тақдим қилинган маърузаларда бевосита тарихчи шахсини ўрганиш методологияси, жамиятнинг «маданий хотираси»ни шакллантиришда тарихчининг ўрни, тарихий шахслар шажарасини эпиграфик маълумотлар асосида ўрганиш, давр воқеаларини ўрганишда тарихий шахсларнинг ҳаёти ва уларнинг асарларини аҳамиятига тўхтаб ўтилди.

Манбашуносликка доир тадқиқотлар ҳар бир даврда диққатга молик масала бўлиб келган. Анжуманда Ўзбекистон тарихига доир турли манбалар, маҳаллий ва жаҳон архивларида сақланаётган ҳужжатларнинг аҳамияти, тарихий жараёнларни ўрганишда эпистоляр манбалардан фойдаланиш муаммолари, даврий нашрларнинг аҳамиятига бағишланган маърузалар тингланди.

Анжуман иштирокчилари маърузалар юзасидан савол-жавоблар, мавзулар доирасида фикр-мулоҳазалар билдириб, қатор масалаларга ойдинлик киритдилар. Конференция якунида ташкилотчилар томонидан Ўзбекистон Республикасида тарихшунослик соҳаси тараққиётига ҳисса қўшиб келаётган таниқли олимларга «Тарихшунослик ва манбашунослик бўлимининг ҳақиқий аъзоси» махсус дипломи ва ҳар бир иштирокчига конференция сертификати тақдим этилди. Мазкур анжуманда нафақат илмий жамоатчилик, шунингдек Республика олий ўқув юрғларининг ўқитувчилари, тарихга ихтисослашган йўналишларнинг бакалавр ва магистрлари, Тошкент шаҳар педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти тингловчилари ҳам иштирок этдилар.

Т.ф.д. Н. Мустафоева

## МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

- Р. Улрих** Цюрих (Швейцария) университети профессори,  
«Шарқшунослик» кафедраси мудири
- З. Мунавваров** ЎзМУ «Манбашунослик ва архившунослик» кафедраси  
профессори, сиёсий фанлар доктори
- А. Ҳабибуллаев** Блумингтон (АҚШ) Индиана университети Яқин Шарқ,  
Ислом ва Марказий Евроосиё тадқиқотлари бўйича  
кутубхоначиси, филология ф.н.
- Д. Легкий** А. Байтурсунов номидаги Кустанай давлат университети  
(Қозоғистон Республикаси), т.ф.д.
- Д. Алимова** ЎзР ФА Тарих институти «Тарихшунослик ва манбашу-  
нослик» бўлими бошлиғи, т.ф.д., профессор
- Ш. Эргашев** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.
- С. Пулатова** ЎзР ФА Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари  
бўйича мувофиқлаштирувчи — методик марказ ходими,  
т.ф.н., доцент
- Б. Одиллов** Тошкент давлат шарқшунослик институти таянч  
докторанти
- Д. Ташкенбаева** ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти
- А. Азизов** ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти
- М. Асқаров** Андижон давлат университетини таянч докторанти
- Н. Мустафаева** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.д.

*Журнал муқовасида:* Бугуни парчалаётган шер тасвири туширилган идиш.  
Суғдиёна, VIII асрнинг биринчи ярми.

*На обложке журнала:* Блюдо с изображением льва, терзающего лань. Согдиана,  
первая половина VIII в.

ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2017, №3

Индекс 1027